O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH VAZIRLIGI HUZURIDAGI AXBOROT XIZMATI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, **13** март, жума **№ 11** (2294). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **13** марта, **2009** год **№ 11** (2294). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

ҲАРБИЙ МАҲОРАТ СИРЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ЧУҚУР ЎЗЛАШТИРИШ ҲАР ҚАЙСИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ – ОДДИЙ АСКАРДАН БОШЛАБ ЮҚОРИ ҚЎМОНДОН УЧУН ҲАМ – ДОИМИЙ, АСОСИЙ ВАЗИФА ВА МАҚСАД БЎЛИБ ҚОЛИШИ ШАРТ.

Ислом КАРИМОВ

14 март – «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвони таъсис этилган кун

БАХШИ – ХАЛҚНИНГ БИЙРОН ТИЛИДИР

Дўмбира тилга кириб, овоз созга, соз овозга уланганида қалблар оҳанглар асирига айланади. Димоққа майсалар ифорига қоришган тупроқ ҳиди урилади. Мовий осмон, бепоён кенгликлар, шовуллаётган дарахтлар, қушлар чуғури дилларга завқ бағишлайди. Олис-олислардан отлар дупури эшитилгандек, қулоққа чавондозлар қийқириғи чалингандек бўлади...

Мунис оналаримиз айтган аллалар билан шууримизга кирган эртагу достонлар қалбимизда Ватанга муҳаббат, жўмардлик, меҳр-оқибат каби туйғуларни камолга етказган. Аждодлар ёди, фахру ғурури Алпомиш, Гўрўғли, Рустамхон тимсолида хотирамизга жо бўлган.

Минг йиллик ўтмишимиздан ҳикоя қилувчи бу достонларда ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини йўқотмаган халқимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.

Миллатнинг қудрати, аввало, унинг адабиёти, санъати, халқ оғзаки ижодида намоён бўлади. "Алпомиш", "Гўрўғли", "Кунтуғмиш" каби ўнлаб достонларимиз миллат сифатидаги маънавий қудратимизнинг ёрқин тимсолидир. Биргина "Гўрўғли" туркумига кирган достонларни ўзбек халқи ҳаёти, турмуши, орзу-умидларини, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларини, унинг қаҳрамонона ўтмишини кенг кўламда тасвирловчи асарлар сифатида бир жилд остига тўпланса, қарийб бир миллионга яқин насрий ва шеърий сатрлардан иборат буюк бир эпопея пайдо бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қадимий анъана ва урф-одатларимизни, маънавий меросимизни тиклаш ва асраб-авайлашга, халқ оғзаки ижодининг бебаҳо дурдоналарини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда ўнлаб достонлар китоб ҳолида нашр этилди. Аждодларимиз бадиий даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги – "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланди.

«Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шоҳ байтидир», дейди Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида. Дарҳақиқат, халқимиз азалдан ўз қалби, ўз томирида мавжуд буюк қудратга муносиб бўлмоққа интилиб яшайди. Ўғлонларини жўмард қилиб тарбиялайди ва уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида достонлар битади. Бу борада бахши-шоирларнинг алоҳида хизмати бор.

Минг йиллар давомида бундай достонларни куйлаб, гавҳардек асраб-авайлаб, бойитиб келган бахшилар номи маънавиятимиз тарихига олтин ҳарфлар билан битилган. Уларнинг анъаналарини давом эттириб келаётган бахши-шоирлар эътибор ва эъзозга мушарраф бўлди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисидаги фармони ана шу олижаноб мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўтган йиллар мобайнида қашқадарёлик Шомурод Тоғаев, Абдуқаҳҳор Раҳимов, хоразмлик Рўзимбой Норматов (Қаландар бахши), сурхондарёлик Абдуназар Поёнов, Бобараим Маматмуродов, Кара Умиров (Қорабахши), самарқандлик Зиёдулла Исломов сингари бахшилар давлатимизнинг ушбу юксак унвонига сазовор бўлдилар.

Ўзбек фольклоршунослигида Қашқадарёда бахшичилик мактаби алоҳида ўрин тутади. Ушбу мактаб асосчиларидан бири Қодир бахши номи нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда маълум ва машҳурдир. Бугун Абдуқаҳҳор Раҳимов, Шоберди Болтаев, Шомурод Тоғаев, Норбек Абдуллаев сингари бахшилар боболардан мерос анъаналарни муносиб давом эттириб келмоқда.

– Авлодимизда эл назарига тушган бахшилар кўп ўтган, – дейди Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси Абдуқаҳҳор Раҳимов. – Тоғаларим Турди бахши, Ражаб бахши, Нормурод бахшилар ҳам ўз даврининг номдор бахшиларидан бўлган. Бахшилик сеҳрли санъат. Уни бир қолипга солиб бўлмайди. Термани-ку қўяверинг, териб кетаверамиз. ҳатто достонни ҳам ҳар хил айтамиз. Битта достон икки-уч соат айтилади. Бахши ижодкор эмасми, завқи келса, ўн соат ҳам айтади.


Қаҳҳор бахши ота изидан бориб, достончилик анъаналарини ривожлантирди, мустақиллик шарафига янги «Истиқлол» достонини яратди.

– Қўлимга дўмбира олган илк йиллар билан бугунги кунларни қиёслаб, миллий маънавиятимизни юксалтиришга, адабиёт ва санъатимизни янада ривожлантиришга қаратилган юксак эътибордан кўнглим тоғдек кўтарилади, – дейди Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси Абдуназар Поёнов. – Бир пайтлар миллий меросимизнинг кўплаб намуналари каби достонларимиз ҳам миллатчилик руҳидаги асарлар сифатида қораланиб, қатағонга учраган эди. Лекин ҳеч ким биздан "Алпомиш"ни, "Гўрўғли"ни тортиб ололгани йўқ.

Истиқлол бошқалар қатори Абдуназар бахшига ҳам улкан ижод эркинлигини яратиб берди. У ўзбекнинг алп йигитлари ҳақидаги «Турсунмерган ва Рамазон чобоғон», «Даврқулполвон» достонларини нашр эттирди. «Алпомиш», «Алланазар Олчинбек», «Олтинқобоқ», «Хонойимпари» ва «Авазхоннинг туғилиши» достонларини нашрга тайёрлади. Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, озод инсонлар ҳаёти ва мустақил Ватанни мадҳ этувчи термалар яратди. Туркия, Швейцария, Франция сингари давлатларда бўлиб ўтган халқаро фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритди.

Бугун Ўзбекистон бахшилари куйлаётган достонларда, термаларда халқимизнинг беқиёс жасорати, букилмас иродаси, мустаҳкам иймон-эътиқоди, ёруғ келажакка бўлган қатъий ишончи тараннум этилмоқда.

Воҳид ЛУҚМОН,
ЎзА шарҳловчиси.



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Ҳушёрлик, огоҳлик – менинг қуролим!

ШУ СОНДА

- **Твои герои, Узбекистан! По заслугам и честь** 5
- **«Гап оши»ни ким кўпроқ ейди?** 8
- **Тепки қандай касаллик?** 9
- **Ота йўлига интизор кўзлар** 10
- **Металл ва ойнани ҳазм қиладиган ошқозон** 11
- **TV дастур** 12-13
- **Мослама имо-ишора билан ишлайди** 16
- **Келажакка қўйилган тамал тоши** 18
- **Тошкентнинг нечта дарвозаси бўлган?** 21
- **Футбол. Етакчи жамоаларимизнинг зафарли одимлари** 22



6 ЧАҚИРУВ–2009 — ЭЛИНГГА МУНОСИБ БЎЛ, ЎҒЛОН!



7 ASKAR — SHARAFLI SOHANING ILK SABOQLARI



17 НАВРЎЗ — КЎНГИЛДА ОБОДЛИК, ЭЛДА ОБОДЛИК



24 МАДАНИЯТ — ҲАРБИЙЛАР БОЛАЖОНЛАР ҲУЗУРИДА

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳар бир демократик давлатнинг устувор вазифасидир.

Ўзбекистон Республикасида Асосий Қонун – Республиканинг Конституцияси қабул қилиниши билан инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади белгиланган, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига, шунингдек, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик эълон қилинган, ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларининг устунлиги тан олинган.

Мазкур принциплардан келиб чиқиб, Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида ва ташаббуси асосида мана бир неча йиллар давомида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган чоралар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Олдинги мақолада қонунчиликдаги мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини либераллаштириш мақсадларига хизмат қилувчи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган ўзгаришлар хусусида сўз юритган эдик.

Лекин, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни бу билан тўхтагани йўқ. Давлат ва жамиятнинг ривожланиши қонунчилик базасини такомиллаштириш ва уни ҳозирги кун талабларига мувофиқлаштириш заруратини юзага келтиради. Бусиз мамлакат ҳаётининг иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларида кенг кўламдаги демократик ислоҳотларни амалга ошириб бўлмайди.

Бугун ислоҳотлар янада янгиланиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган соҳаларни қамраб олмоқда. Шу мақсадда ҳалқаро тажриба ўрганилмоқда, амалдаги қонунчилик ва уни қўллаш амалиёти таҳлил қилинмоқда, уни такомиллаштириш ва соддалаштиришга, шунингдек, бундай йўл орқали ҳали мавжуд камчиликларни бартараф қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Қонунчиликдаги янгиликларни шарҳлашдан олдин уларнинг самарадорлиги масаласида тўхталсак. Чунки бу олдимизга қўйилган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш каби мақсадларга эришиш борасида муҳим омилдир.

Буни конкрет мисолларда кўриб чиқсак.

Ўзбекистон Республикасининг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни кучга кирганига бир йилдан ортиқ вақт ўтди.

Уни амалиётда қўллашнинг дастлабки натижалари давлатимиз раҳбарининг қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги фикрининг нақадар тўғрилигини тасдиқламоқда.

Хусусан, ўтган йилда прокурорлар томонидан судларга айбланувчилар ва гумон қилинувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида 16610 та илтимосномалар киритилган. Ушбу илтимосномаларнинг 16338 таси судлар томонидан қаноатлантирилган, 248 таси эса рад этилган.

Судлар томонидан мазкур илтимосномаларни қаноатлантиришнинг рад этилиши, шунингдек, баъзи ҳолатларда судларнинг асоссиз ажримларининг бекор қилиниши ҳоллари янги қонун нормалари самарадорлигининг тўғридан-тўғри далилидир. Бу ҳолатлар қандайдир фавқулодда ҳодиса сифатида эмас, балки ҳақиқий демократик давлатда мавжуд бўлиши керак бўлган оддий ҳол сифатида баҳоланиши лозим.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишнинг пировард мақсади ҳам шахснинг конституцияда белгиланган эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқларини чеклаш борасида айнан холислик ва бегаразликни таъминлашдан иборатдир.

Дастлабки тергов устидан назоратни амалга ошириб, айни вақтда бевосита ўзи жиноят ишларини тергов қилган прокурор томонидан санкция берилган вақтларни бир эслайлик. Прокурорларнинг холислигини шубҳа остига олмаган ҳолда, айрим ҳолларда очиқда қолдирилганлиги туфайли дастлабки терговнинг юритилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб, улар айбланувчиларнинг эркинлигини чеклашдан маълум даражада манфаатдор бўлганлигини ҳам инобатга олишимиз лозим. Қамоққа олиш ҳақидаги қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят бериш тартиби эса ҳар доим ҳам кутилган самарани бермаган.

Бундан буён, оддий гап билан айтганда, шахсни қамоққа олиш масаласининг ҳал қилиниши текширишнинг уч босқичидан ўтади. Дастлаб прокурор терговчининг айбланувчини қамоққа олиш лозимлиги ҳақидаги фикрини қонунийлиги ва асослилиги жиҳатидан текшириб, унга қўшилган тақдирда судга тегишли илтимосномани киритади. Шу босқичнинг ўзидаёқ бир қатор шахсларга нисбатан озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин.

Шундан сўнг туман (шаҳар) суди унга илтимоснома билан тақдим қилинган материалларни шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида ўрганиб, прокурорнинг илтимосномасини қаноатлантириш ёки уни рад этиш хусусида қарор қабул қилади.

Ўз навбатида, апелляция инстанцияси суди, апелляция шикояти ёки протест келтирилган тақдирда, суднинг қарорига тегишли баҳо беради ва уни ўз кучида қолдириш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, яқин келажакда бундай тизим шахсларни қонунга зид равишда қамоққа олиш ҳолларига барҳам берилишига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳақиқий таъминланишига олиб келади.

2008 йилнинг 17 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-911- сонли Қарори билан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ҳамда ҳудудий комиссиялар томонидан одам савдоси ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш ва одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактик тадбирлар ўтказилди.

Аввалambор, аҳолининг бандлиги даражасини ошириш борасида чоралар кўрилмоқда. Бунда республикада тадбиркорликни, шу жумладан кичик бизнесни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, унинг йўлидаги маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида алоҳида тадбирлар дастури тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Шу билан бирга, бўш иш ўринларига эга корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иштирокида бутун республика бўйлаб меҳнат ярмаркалари ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланилган ҳолда турли учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил қилиниб, мунтазам равишда тушунтириш тадбирлари ўтказилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг одам савдосига қарши курашиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тиббий ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлиги таъминланди. Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ташкил этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг фош этилиши яхшиланди. Агар 2007 йилда жами 382 та бундай ҳолатлар аниқланган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич деярли 2,5 бараварга ошиб, 891 та жиноятни ташкил этган.

Кўрилаётган чоралар аҳолининг одам савдоси ҳолатидан хабардорлиги ўсиб бораётганлиги билан биргаликда фуқароларнинг «қулликка» тушиб қолиш ҳолатларининг кескин камайишига олиб келиши шубҳасиз.

Энди охирги пайтларда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида юз берган янгиликларга эътиборимизни қаратсак.

Хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги ПҚ-896-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилди. Бу Марказнинг очилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур демократик ислоҳотларнинг давоми бўлди.

Суд фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд тизими вазифаларини белгилаб берувчи қоидалари рўёбга чиқарилиши самарадорлиги масалалари бўйича қонунчилик базасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, жиноий, маъмурий жазолар тизимини янада либераллаштириш, суд ишларини юритишни демократлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, одил судлов тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, мазкур соҳада халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш каби вазифалар Марказ олдига қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан белгилаб берилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси фуқароларнинг юқори малакали юридик ёрдамга бўлган талабини қондириш учун зарур шароитларни яратишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг мазкур конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда қарийб 7 минг нафар адвокатларни бирлаштирувчи мингга яқин адвокатлик бюролари, ҳайъатлари ва фирмалари фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ишда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоячиси сифатида ҳар қандай шахс, шу жумладан юридик маълумотга ва юридик хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга бўлмаган шахс ҳам иштирок этишига йўл қўйган норманинг жиноят-процессуал қонунчилигида мавжудлиги фуқароларни малакали юридик ёрдам билан таъминлаш механизмидаги камчиликлардан бири эди.

Мазкур норма фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилишини ҳар доим ҳам таъминламас эди, адвокатуранинг айрим ҳолларда сохта юридик хизмат кўрсатувчи турли тузилмалар билан алмаштирилиши учун замин яратар эди. Бунинг устига ушбу ҳуқуқдан муқаддам адвокат бўлиб ишлаган, лекин ғайриҳуқуқий ёки ножўя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун лицензиядан маҳрум қилинган шахслар ўзларининг ғараз мақсадларида фойдаланар эди.

2008 йил 15-сентябрдаги Қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига киритилган ўзгартишлар жиноят процессида ҳимоячи сифатида фақат адвокат иштирок этиши, у билан бир қаторда эса бундай вазифани гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларидан бири амалга ошириши мумкинлигини мустаҳкамлаб қўйди. Натижада фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари кафолатининг мустаҳкамлиги таъминланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни кучга кирган вақтдан бошлаб шахснинг ҳимоя ҳуқуқини кафолатлаш соҳасида муҳим ижобий ўзгаришлар юз берди.

Мазкур Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига, шунингдек "Адвокатура тўғрисида"ги ва "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар ва уларнинг ҳимоячиларининг ҳуқуқлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Эндиликда ҳар бир гумон қилинувчи ва айбланувчи қонунчиликда муқаддам назарда тутилган ҳуқуқлари билан бир қаторда: ушлаб турилганлиги ёки қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериши; кўрсатмаларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши; учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда ҳимоячиси билан холи учрашиши; жиноят иши материалларидан техника воситалари ёрдамида кўчирма нусхалар олиши мумкин.

Гувоҳга адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш ва ўзига қарши кўрсатма бермаслик ҳуқуқлари берилганлиги, шунингдек жиноят процессига гувоҳ суриштирув, дастлабки тергов органига ёки судга чақирилган пайтдан эътиборан иштирок этишга ҳақли бўлган янги иштирокчи – гувоҳнинг адвокати киритилганлиги алоҳида эътиборга сазовор.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи 197[1]-моддаси билан тўлдирилганлиги адвокатлик фаолиятининг яна битта кафолати бўлди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш жараёнида 2008 йилнинг 22 сентябрида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун муҳим ўрин тутди.

Жумладан, ушбу қонун билан Жиноят кодексига жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириши учун жиноий жавобгарликни белгиловчи янги 241[1]- модда киритилди.

Бу қўшимча содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги аризалар, хабарлар ёки бошқа маълумотларни қабул қилишдан бош тортиш, уларни рўйхатдан ўтказмаслик ва кўриб чиқмаслик каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ходимлари томонидан ҳанузгача йўл қўйилаётган ҳолатларга қарши курашишга қаратилгандир.

Жиноятларни ҳисобдан яширишнинг асосий сабаблари жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий актлар талабларини бузиш, тегишли ҳудудда жиноятчилик ва жиноятларни фош этиш даражасини сунъий равишда ижобий қилиб кўрсатишга интилишдан иборат.

(Давоми 3-бетда).

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

(Давоми. Боши 2-бетда).

2008 йилнинг ўзида ҳисобдан яширилган жиноятларнинг ярмидан кўпини фош этиш даражаси ҳозирда юқори бўлмаган ўғирликлар, талончиликлар, фирибгарликлар ва босқинчиликлар ташкил қилган.

Шу билан бирга, Жиноят кодексида жиноятни ҳисобга олишда қасддан яшириш учун жавобгарликка оид махсус норманинг мавжуд бўлмаганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг мансабдор шахслари бундай қилмишлари учун Жиноят кодексининг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ваколат доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги каби моддалари бўйича жавобгарликка тортилишига олиб келган. Бу эса жиноятларни яширишни (масалан, унча оғир бўлмаган жиноятларни) ҳар доим ҳам жиноий қилмиш тариқасида баҳолашга тўсқинлик қилар эди.

Жиноят кодексига мазкур норманинг киритилиши, шубҳасиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг фаолиятидаги жиноятларни ҳисобга олишдан қасддан яшириш ва бунинг оқибатида жабрланувчилар ва бошқа фуқароларнинг жиноий қилмишларини объектив тергов қилишга бўлган ҳуқуқларини поймол қилиш ҳолларига барҳам берилишига, шунингдек бу қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга кўмаклашади.

Шунингдек, мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасига жиноят ишларининг терговга тегишлилиги қоидаларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартишлар киритилди.

Хусусан, прокуратура органларининг терговига тааллуқли, Жиноят кодексининг элликта моддасида назарда тутилган ва уларни фош этиш ҳамда тергов қилиш бевосита Ички ишлар органларининг профилактик ва тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ жиноятлар бўйича ишлар ички ишлар вазирлиги органларининг терговига ўтказилди. Фикримизча, бу чора ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида суриштирув ва дастлабки тергов устидан назоратни кучайтиришга, шунингдек прокуратура органларининг эътиборини иқтисодий, мансабдорлик ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини поймол қилиш билан боғлиқ жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш масалаларига қаратишга имкон яратади.

Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунига киритилган ҳамда прокурорнинг жиноят ишларини ўтказиш борасидаги ваколатларини чеклашдан иборат яна битта ўзгартириш прокурорларнинг суиистеъмолчиликларининг олдини олишга ва терговчилар процессуал мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Чунончи, прокурорнинг ваколатидан Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органларининг бир тергов тармоғидаги битта терговчидан бошқа терговчига ишни ўтказиш ҳуқуқи чиқариб ташланди, терговга тегишлилигидан қатъи назар ишни бир тергов органидан бошқа тергов органига ўтказиш ваколати эса қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолларда фақат Бош прокурор ва унинг ўринбосарларида сақлаб қолинди. Жиноят ишларини бирлаштиришда терговга тегишлилигини аниқлаш масалаларида ҳам қатъий қоидалар ўрнатилди.

Болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка киритиш борасидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Ўтган йилнинг 4 ва 8 апрель кунлари тегишли қонунларнинг қабул қилиниши билан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги ҳамда "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги Конвенциялари ратификация қилинди. Шу муносабат билан 2008 йилнинг 12 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул қилиниб, мазкур конвенцияларни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга, вояга етмаганлар меҳнатининг меъёрлари ва шароитларига, болалар меҳнатининг оғир шаклларини йўқ қилишга ва улардан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликни белгилашга оид қоидалар Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигида мазкур конвенциялар ратификация қилинишидан анча олдин қам мавжуд бўлган. Ушбу нормалар асосида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни эксплуатациянинг барча шаклларидан муҳофаза қилиш борасида чоралар кўриб келинмоқда. Юқорида қайд этилган конвенцияларни амалга ошириш эса, шубҳасиз болалар меҳнатининг оғир шаклларига барҳам беришга қаратилган чораларнинг самарадорлигини янада оширади.

2008 йилнинг 24 сентябрида қабул қилинган Қонун билан Жиноят кодексининг вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш масалаларини тартибга солувчи нормаларидаги қарама-қаршиликлар бартараф қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг олтинчи бўлими вояга етмаганларнинг алоҳида ижтимоий мавқеи ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланиши даражасини ҳисобга олган ҳолда фақат уларнинг жиноий жавобгарлиги масалаларига бағишланган. Қонунда вояга етмаганларга нисбатан жазони индивидуаллаштириш бўйича қатъий талаблар белгиланган, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳоллари чегараланган.

Хусусан, Жиноят кодексининг 85-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас.

Айни вақтда, мазкур моддада уларга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашга йўл қўядиган нормалар ҳам бор эди ва бу ягона суд амалиёти шаклланишига салбий таъсир кўрсатар эди. Бу каби ҳуқуқий нуқсонларнинг мавжудлиги, айрим ҳолларда, вояга етмаганларнинг унча оғир бўлмаган жиноятлари учун ҳам озодликдан маҳрум қилинишларига олиб келган.

Киритилган ўзгартишлар ушбу қарама-қаршиликларни бартараф қилди ва келгусида жиноий қонуннинг тўғри қўлланилишини ва вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги кафолатларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодексига киритилган яна бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни такомиллаштириш ва янада либераллаштиришга қаратилган.

Хусусан, 2008 йил 18 сентябрдаги қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи янги 165-модда киритилди. "Қонун бундай норма билан тўлдирилишининг сабаби нимадан иборат?", деган савол туғилади. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун Жиноят кодексининг 190-моддаси биринчи қисмида жиноий жавобгарлик ўрнатилган бўлиб, бу жавобгарлик шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин юзага келади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги Қарорига кўра, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги 73 та фаолият турлари лицензиялаштирилиши лозим.

Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда лицензиясиз фаолиятнинг фақат 3 та тури, яъни рухсатсиз радиоузаткич шахобчаси ўрнатиш ва ундан фойдаланиш, видеоёзувли кассеталарни сотиш ёки ижарага бериш ҳамда автомобиль транспортида йўловчилар ташиш учун белгиланган эди.

Қолган 70 та фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи умумий норманинг қонунда мавжуд бўлмаганлиги мазкур ҳуқуқбузарликларга лозим даражада қарши курашишга (шу жумладан жиноий-ҳуқуқий воситалардан фойдаланган ҳолда) имкон бермас эди, чунки жиноий жавобгарликка тортиш учун шахс бунга қадар маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши лозим эди.

Мазкур камчилик бартараф қилинди ва лицензиясиз фаолиятни амалга оширган айбдор шахслар эндиликда қонун олдида қатъий жавоб берадилар. Шу билан ғайриҳуқуқий қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи таъминланади.

2008 йилнинг 24 сентябрида қабул қилинган қонун билан Жиноят кодексининг 186[1]-моддасига этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг шахснинг жиноий жавобгарлигини назарда тутувчи ўзгартиш киритилди.

Агар олдин унча кўп бўлмаган миқдордаги этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритганлик ҳолати юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилган бўлса, бундан буён биринчи марта анча миқдордан ошмаган қилмиш содир этилган ҳолда ушбу ҳаракат учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 186[1]-моддасида назарда тутилган жавобгарлик юзага келади.

Мазкур қонуннинг амалга киритилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг фаолиятини жиддий равишда тўғрилашга имкон берди, чунки уларнинг куч ва маблағлари бу каби кам аҳамиятли қилмишларни аниқлаш ва тергов қилишга беҳуда сарфланар эди. Ушбу ҳақда қуйидаги статистик маълумотлар аниқ далолат беради: охирги уч йил давомида қўзғатилган бир мингдан зиёд жиноят ишлари бўйича қиймати 10 минг сўмдан ошмаган этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритганлик ҳолатлари тергов предмети бўлган.

Амнистия актларини қўллашнинг процессуал тартибини белгилаш масаласига ҳам батафсил тўхталиш лозим.

Барчага маълумки, 2008 йилнинг 28 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Ушбу амнистия акти қабул қилиниши ва уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқланиши билан республикамизда мазкур актни судга қадар иш юритиш ва суд қарорларини ижро этиш босқичларида татбиқ этиш масалаларини судларнинг ихтиёрига ўтказиш бўйича янги тартиб жорий қилинди.

Айтиш керакки, мазкур қарор эълон қилингунгача амнистия актлари судга қадар иш юритиш ва суд қарорларини ижро этиш босқичларида тегишли прокурорларнинг розилиги билан бевосита суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда жиноий жазоларни ижро этишга масъул бўлган органлар томонидан қўлланилар эди.

2008 йил 22 декабрда эса Ўзбекистон Республикасининг "Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни қабул қилинди.

Бу борада киритилган тузатишларга қисқача тўхталсак.

Хусусан, Жиноят-процессуал кодекси суриштирувчи, терговчи томонидан материал ёки жиноят ишини прокурорга юбориш, прокурор томонидан судга амнистия акти асосида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида илтимоснома қўзғатиш, материал, жиноят ишини судда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартибини белгиловчи боб билан тўлдирилди. Терговолди текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида шахсни амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш учун қонуний асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи материал ёки жиноят ишини мазкур шахснинг аризаси ва амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборади.

Прокурор, ўз навбатида, суриштирувчи ёки терговчининг тақдимномасига рози бўлган тақдирда, материал, жиноят ишини тегишли илтимоснома билан судга ўтказади.

Мазкур илтимоснома жиноят содир қилинган ёхуд дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан якка тартибда, прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади. Бундан ташқари, суд мажлисида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масаласи қўйилаётган шахс, шунингдек унинг қонуний вакили ва ҳимоячиси қатнашади.

Суд муҳокамаси натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, унга манфаатдор шахслар томонидан шикоят, прокурор томонидан эса протест келтирилиши мумкин.

Шунингдек, ЖПКга жиноий жазони ўтаётган шахсларга нисбатан амнистия акти прокурорнинг илтимосномасига асосан маҳкумнинг жазони ўташ жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан қўлланилиши тўғрисидаги норма киритилган. Бунда, Жиноят-ижроия кодексининг 166-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ, тегишли муассаса маъмурияти етарли асослар бўлган тақдирда, маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома юбориши шарт.

Амнистия актини қўллаш масаласи судларнинг ваколатига киритилиши суд тизимини ислоҳ қилишнинг мантиқий давоми бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш масаласини ҳал қилиш борасида одиллик, холислик ва бегаразлик принципларини таъминлашга ҳамда суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга қаратилгандир.

Шундай қилиб, биз охирги бир неча ой давомида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш мақсадида киритилган ўзгаришларни яна бир бор қисқача изоҳлашга ҳаракат қилдик. Айтиш керакки, бу жараёнлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг фақат кичик қисмидир. Ислоҳотлар фақат суд-ҳуқуқ соҳаси билан чекланмаяпти. Халқнинг фаровонлигида муҳим ўрин тутувчи ижтимоий ва иқтисодий соҳалар ҳам такомиллаштирилмоқда.


Бу ислоҳотларнинг барчаси фақат бир нарсадан далолат беради: ҳаётнинг барча соҳаларида Ўзбекистон изчил босқичма-босқич ривожланиш давридан ўтмоқда, мунтазам равишда янги қонунларнинг қабул қилиниши ва амалдаги қонунчиликка ўзгартишлар киритилиши эса давр талабидир. Бундай вазиятда юз бераётган ўзгаришларга сезгирлик билан қараб, кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш лозим. Бизнинг мамлакатимизда бу вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган изчил чора-тадбирлар давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг бевосита бошчилигида амалга оширилмоқда.

Рашитжон ҚОДИРОВ
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.

ОТКЛИК

За строкой Обращения Президента

В РУСЛЕ ВСЕ ВОЗРАСТАЮЩИХ ТРЕБОВАНИЙ



Семнадцать с половиной лет назад Узбекистан, обретя свою независимость, вступил на нелегкий путь: построение правового, демократического государства, гражданского общества с развитой рыночной, социально ориентированной экономикой. Сегодня достижения нашей страны общеизвестны. Она добилась успехов во всех сферах жизни общества. Ее экономика, даже в условиях мирового финансового кризиса, развивается устойчиво, высокими темпами растет благосостояние народа, углубляются демократические процессы. В чем причина этого неординарного факта? В реальности наших программ и приоритетов, и главное – в происходящих в стране реформах не утерян основной ориентир, ради которого они совершаются, – человек, его жизнь, его благополучие и его будущее.

То же можно сказать и о военной реформе. Какие бы преобразования ни совершались в военной сфере – в центре их, благодаря мудрости главы нашего государства, человек в военной форме, защитник Родины. В этом русле мы рассматриваем Обращение Президента Республики Узбекистан и его Указ «О мерах по совершенствованию условий прохождения гражданами срочной военной службы в Вооруженных Силах Республики Узбекистан».

Сущность этого указа, его основа состоит в переходе от двухразового призыва в год, весной и осенью, граждан на срочную военную службу, который не способствует качественному прохождению ими службы и полному усвоению современных сложных программ по обучению военной специальности, к одноразовому призыву – в феврале-марте текущего года.

В Обращении Президента страны, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана, говорится: **«Переход к системе призыва на срочную службу один раз в год, возросшие требования к уровню допризывной подготовки молодежи, а также расширение контрактной службы в армии требуют коренного пересмотра работы отделов и управлений по делам обороны».**

Говоря о значении указа Президента и его требованиях, изложенных в Обращении, надо подчеркнуть, что эти документы стали еще одним важным вкладом в решение задач укрепления оборонного потенциала страны и реформирования нашей национальной армии. Как известно, на сегодняшний день в стране создана своя собственная национальная система подготовки и воспитания офицерских кадров, проявляется постоянная забота о подготовке и профессиональном росте сержантов. Указ Президента о мерах по совершенствованию условий прохождения срочной военной службы – это завершающий комплекс мер по совершенствованию условий прохождения военной службы всеми категориями личного состава армии, который послужит дальнейшему повышению качества прохождения срочной военной службы, окажет значительное влияние на повышение уровня боевой, общественно-политической подготовки и мобилизационной готовности войск.

В целом указ направлен на дальнейшее повышение боеспособности Вооруженных Сил. С другой стороны – в нем искренняя забота о защитниках Родины. Для офицеров штабов и управлений – это ликвидация многих больших проблем в планировании и ходе учебно-боевой подготовки. Для офицеров отделов и управлений по делам обороны освобождение от дублирующих мероприятий и повышение качества всего комплекса решаемых ими задач, связанных с призывом.

Для солдат срочной службы – возможность более качественного усвоения современных сложных программ по овладению военной специальностью, а значит, и более ревностного выполнения своих обязанностей по защите независимой Родины.

Нельзя не обратить внимание на продуманность изменения времени призыва и увольнения – на февраль-март и соответственно март-апрель. В этом видится забота государства о молодых гражданах своей страны. К примеру, увольнение в марте-апреле создает более благоприятные условия военнослужащему, уволенному в резерв, для определения места работы или для более качественной подготовки при его поступлении в вузы страны.

В соответствии с постановлением Президента страны об очередном призыве граждан в Вооруженные Силы Республики Узбекистан и увольнении военнослужащих, выслуживших установленные сроки срочной военной службы, с 1 февраля повсеместно начали работу призывные комиссии в составе представителей городских, районных хокимиятов, фондов «Махалля», «Нуроний», ОДМ «Камолот». Призывники, успешно прошедшие отбор, годные по состоянию здоровья и семейному положению, сдавшие все необходимые испытания, в торжественной обстановке отправляются к местам прохождения военной службы. **Они уже полностью экипированы** и готовы стать в армейский строй. В этом далеко не ординарном факте тоже забота государства о своих защитниках Родины.

Нельзя не обратить внимание и на то, что данное постановление определяет, что в марте-апреле 2009 года уволить в резерв Вооруженных Сил граждан, выслуживших установленные сроки срочной военной службы, **а также в порядке исключения граждан, призванных на срочную военную службу осенью 2008 года.** И в этом решении Президента налицо отеческая забота о молодых гражданах своей страны.

Значение указа, Обращения и постановления в том, что одним из важных аспектов этих документов является их **практическая направленность на укрепление воинской дисциплины.** Дисциплина, как известно, опирается на две взаимосвязанные основы – приказание и повиновение. Без них военный организм существовать не может. Указ обеспечивает четкое единство действий этой вертикали «командир – подчиненный» и освобождает подчиненного от воздействия других внешних сил в лице военнослужащих старших сроков призыва. В этом заключен огромный нравственный и организационный потенциал укрепления воинской дисциплины и повышения уровня всей системы воинского воспитания.

Воинское воспитание должно быть ориентировано прежде всего на самоотверженное служение независимой Родине, на сознательное отношение к требованиям дисциплины, Военной присяги и Общевоинских уставов, на формирование высоко-нравственного и духовного облика нашего военнослужащего. Отсюда задача командиров всех уровней, заместителей по воспитательной работе, **во-первых,** побуждать у каждого военнослужащего потребность к самосовершенствованию – формированию крепкой воли, мужества и стойкости, к духовному обогащению, развитию лидерских качеств, уважительного отношения к требованиям дисциплины и глубокому осознанию своего патриотического долга перед Родиной. И, **во-вторых,** всеми формами воспитательной работы создавать в коллективе обстановку высокой требовательности, четкости и организованности, такую духовно-нравственную атмосферу, которая бы возвышала человека, формировала в нем лучшие морально-боевые и психологические качества, присущие воину-патриоту.

В связи с переходом к одноразовому призыву повышается ответственность отраслевых министерств, ведомств, органов государственной власти на местах, органов самоуправления граждан за организацию и проведение призыва юношей на срочную военную службу в Вооруженные Силы. Возрастает значение деятельности ОСО «Ватанпарвар» по качественной подготовке специалистов для Вооруженных Сил, особенно ведущих специальностей и расширению контингента его учащихся.

Начавшийся в феврале призыв молодежи на срочную военную службу, уже в русле указа Президента страны, показывает, что в областях и города Ташкенте оперативно проведена значительная работа по совершенствованию инфраструктуры призывных пунктов областных, районных, городских управлений по делам обороны, обеспечения их необходимой техникой, транспортными средствами, теплом и электроэнергией, по повышению качества коммунально-бытовых и других услуг. К работе медицинских комиссий привлечены высококвалифицированные специалисты. Медкомиссии оснащены современной медицинской техникой и аппаратурой, обеспечивающими высокое качество обследования призывников.

В рамках требований указа главы государства повышается роль и значение отделов и управлений по делам обороны. Именно поэтому в Обращении Президента подчеркивается: **«В этих подразделениях, где в значительной мере определяется успех всей работы по улучшению кадрового состава, мобилизационной готовности Вооруженных Сил, должны работать офицеры, имеющие большой войсковой опыт службы, тесно связанные с армией, хорошо знающие ее проблемы, суть и цели проводимых в этой сфере реформ».**

В этом требовании подчеркнем два очень важных момента. **Первое,** требование главы государства носит не одномоментный характер, а долговременный и постоянно действующий. Другими словами, – это сквозной приоритет в кадровой политике Вооруженных Сил. И **второе.** К офицерам этих подразделений всецело относятся все известные нам требования, предъявляемые к офицерским кадрам. Но кроме того, учитывая специфику работы названных подразделений, офицеры отделов и управлений по делам обороны должны иметь, как подчеркнул Президент, большой войсковой опыт службы, быть тесносвязанными с армией, хорошо знать ее проблемы, суть и цели проводимых в этой сфере реформ. Эти важнейшие критерии, позволяющие видеть, измерять, оценивать эффективность работы того или иного офицера в этой сфере военной деятельности. Офицер, работающий в отделе или управлении по делам обороны, должен постоянно учиться, потому что военное дело сегодня развивается особенно стремительными темпами. Следовательно, знать сущность и огромную значимость задач, стоящих перед Вооруженными Силами на каждом данном этапе их развития.

Почему Обращение столь категорично ставит вопрос о повышении роли офицеров в этой сфере воинской деятельности? Потому что качество призываемого личного состава во многом предопределяет боевую готовность войск. В свете указа главы государства и его Обращения нам еще многое надо осмыслить, глубже понять суровую необходимость поставленных задач, с высоты сегодняшних дней оценить накопленный в войсках передовой и боевой опыт, взять из него все полезное, наполнить новым содержанием с учетом быстроменяющейся обстановки, усиления угроз и вызовов нашей безопасности, активнее применять его на практике в решении задач боевой и мобилизационной готовности, в обучении и воспитании личного состава нашей национальной армии.

Как следует из Обращения, нам предстоит в кратчайшие сроки кардинально решить сложнейшие задачи – углубить процесс дальнейшего реформирования Вооруженных Сил и их совершенствования. Это можно сделать при условии, если каждый из нас будет четко представлять свои задачи, знать ориентиры, представлять себе пути к поставленной цели, проникнется высокой личной ответственностью за безопасность страны, поймет ее не только умом, но и примет сердцем. Только такие люди способны совершить прорыв к новым высотам профессионального мастерства и морально-боевого духа. Сама жизнь, обстановка в мире и регионе настоятельно требуют, чтобы мы решительно взяли курс на людей инициативных, думающих, энергичных, способных организовать дело, находить новые неординарные решения и новые резервы более успешного продвижения вперед по пути совершенствования Вооруженных Сил, повышения их боевой мощи, боевой готовности частей и подразделений.

Все это явится значительным вкладом всех военнослужащих Вооруженных Сил в реализацию широкомасштабных кардинальных реформ, проводимых под руководством Президента страны, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова по дальнейшему укреплению оборонного потенциала страны, повышению боевой способности Вооруженных Сил, обеспечению мира и стабильности в стране и регионе, нашей безопасности и неприкосновенности наших границ.

Анфим ХЛЫЗОВ.

МАЛАКА

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида бирлашмалар ва қисмларнинг ташкилий штат тузилмасини янада такомиллаштириш, армиямизни замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан таъминлаш, моддий-техник таъминотни яхшилаш, олий ҳарбий таълим муассасаларининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш барча поғонадаги командирларнинг энг муҳим вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Мазкур Мурожаатда қўйилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан алоҳида дастур ишлаб чиқилди.

Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Республика Ҳарбий прокурори генерал-майор Ш. Узаков раислигида бўлиб ўтган мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида шу ҳақда сўз борди. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Қуролли Кучларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида 2008 йилда амалда оширилган ишлар таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. 2009 йилда Қуролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш борасида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Кенгашда ҳарбий прокурорларга Қуролли Кучлар олдига қўйилган вазифалар ижроси юзасидан назорат ўрнатиш ҳамда бу борада қисм командирлари, ташкилот, муассаса бошлиқлари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш, маънавий ва ахлоқий фазилатларининг таркибий қисми ҳисобланган ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳарбий хизматчиларни конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилиш сўнгида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Аллия подполковниги
Фарҳод ОМОНОВ.



КУЧИГА КУЧ ҚЎШИЛСИН, ЙИГИТНИНГ

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Воҳиджон Йўлдошев ҳақида мақола тайёрлаяпман-у, улуғ аллома Ҳаким Термизий бобомизнинг ўгитларидан бири хаёлимга келди: «Ҳеч нарсани йўқотишдан қўрқманг, ниятни йўқотишдан қўрқинг». Ҳа, эзгу ният инсоннинг йўлдоши экан, у кўзлаган мақсадига эриша олади. Айниқса, Ватан ҳимоячиси бўлишга қодирлик аввало мана шу туйғуга узвий боғлиқ. Шу юртга муносиб фарзанд, уни асрашга қодир ўғлон бўлиш учун йигитларимизнинг юрагида улуғ ният бўлиши лозим.

Воҳиджоннинг ота-оналари Баҳрулло ака ва Назирахон опалар ўқитувчи. Зиёлилар оиласида ўсган қаҳрамонимиз ўз олдига мустақил Ватаннинг муносиб ҳимоячиси бўлишни мақсад қилиб қўйди. Ва бу мақсадга эришиш йўлида қатъий ҳаракат қилди.

Мана, тўққиз йилдирки у жанговар сафда. Тарбиячи офицер Баҳромжон Зулфиқоров аълочи сержантлар ҳақида гапирганда, унинг номини биринчилардан бўлиб тилга олгани ҳам бежиз эмас.

– Сержантлар армиямизнинг суянчи ва таянчи, дея бежиз таъкидланмайди. Бу уларнинг олдига қўйилган бурч ва масъулият юксаклигидан далолат. Йўлдошев ҳам мана шу сафдан муносиб жой эгаллаган ҳарбий хизматчилардан, – дейди тарбиячи офицер қўл остидаги посбон ҳақида фикрлар билдирар экан. – У синовларда етакчиликни қўлга киритиб келмоқда. Айниқса, жанговар тайёргарлик бўйича аълочи сержантлардан ҳисобланади. Қўмондонлик томонидан фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Бундай малакали сержантлар аскарларнинг жонкуяр устози, миллий армиямизнинг фахри, десак арзийди.

Воҳиджон ҳарбий санъат сирларини эгаллашида яқиндан ёрдам берган устозлари офицерлар – Санжар Азизов, Иномжон Ибрагимов, Ҳасан Ботировлар ҳақида меҳр билан тўхталиб ўтди.

– Ҳарбий хизмат бу тинимсиз изланиш ва тажриба алмашишдан иборат жараён десам тўғри бўлади, – дейди суҳбат чоғида лавҳамиз қаҳрамони – Бунда ҳар бир тайёргарликнинг катта ўрни бор. Масалан ҳарбий хизматчилар нафақат ҳарбий соҳада етарли билимга эга, моҳир, балки жисмонан бақувват, интеллектуал салоҳиятда устувор бўлишлари ҳам шарт. Албатта бунга эришиш осон эмас. Шунинг учун устозларим берган сабоқлардан унумли фойдаланиб имкон қадар ўз устимда кўпроқ ишлашга ҳаракат қиламан. Бу борада сафдош дўстларим шартнома бўйича хизмат катта сержантлари – Абдувоҳид Эргашев, Низом Зияев, Алижон Абдурашидов, Одил Муродовлар билан мусобақадошмиз.

Воҳиджон Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманига қарашли Эскижума қишлоғида вояга етган. Қишлоқдошлари ҳам у билан фахрланишади. Чунки юрт тинчлигига камарбаста бўлишдек эзгу иш борми! Гўзал рафиқаси Райҳона, фарзандлари Севара ва Темурбеклар эса унинг ҳаёти мазмуни. Севган касби, севимли оиласи бор ҳар қандай йигитнинг эса кучига куч, қудратига қудрат қўшилаверади.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Воҳиджон Йўлдошевнинг юрт ҳимояси йўлидаги залворли одимлари ҳали олдинда. Унинг ёниқ юрак билан танлаган касби ҳаётига фахр, умр саҳифаларига мазмун бахш этишига шубҳа йўқ.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Твои герои, Узбекистан!

ПО ЗАСЛУГАМ И ЧЕСТЬ

Почти три десятка лет в послужном списке полковника Файзиева Бахтиёра Алимовича. За эти годы у него было немало учеников, для которых он был не только начальником, но и старшим товарищем, и наставником. Быть за все, чем занимаешься, в ответе, всегда подчинять себя интересам службы и постоянно идти вперед – таково правило его жизни.

И вот она – высокая оценка вложенного им труда: в канун Дня защитников Родины указом Президента Республики Узбекистан за большие заслуги в обеспечении национальной безопасности страны, проявленные мужество, отвагу и самоотверженность при исполнении служебного долга, полковник Б. Файзиев награжден орденом «Шон-шараф» II степени.

Первые годы службы молодого офицера прошли в Высшей школе, где его оставили после окончания начальником кабинета общеинженерных дисциплин. Затем более полутора десятка лет трудной, беспокойной службы на других должностях. Приходилось часто бывать в служебных командировках, в том числе и за пределами страны, постоянно совершенствовать свое профессиональное мастерство.

В самое сложное для страны время, когда особенно активизировались бандитские вылазки международных террористов, офицер Б. Файзиев на переднем крае борьбы: сознательно идет туда, где труднее, действует смело и решительно, и своим личным примером ведет за собой подчиненных. И, как результат, в 1996 году его труд и умелые действия были отмечены заслуженной государственной наградой – медалью «Жасорат».

Семь лет назад офицеру Б. Файзиеву доверено отвечать за организацию боевой службы в каждой части и подразделении, надежность охраны всех объектов, правильный подбор и расстановку личного состава и караулов, его подготовку к службе, обучение и воспитание начальников караулов. Обязанности эти объемны и многоплановы и требуют постоянной затраты значительных сил и времени, хорошего знания штабной работы, оперативно-служебной обстановки и других особенностей. И сегодня он, как говорят многие его сослуживцы, профессионал своего дела, успешно выполняет возложенные на него обязанности.



... А дома у Бахтиёра Алимовича два любимых внука. Пусть они еще совсем маленькие, но всегда ждут и рады его приходу, с большим интересом и удовольствием примеряют военную фуражку. И кто знает, может быть, через много лет, они, когда повзрослеют, пойдут по стопам деда, будут им гордиться и продолжать его верное служение Родине, беспредельную преданность своему народу.

Николай ЧУРСИНОВ,
полковник в отставке.

Для вас, офицеры-артиллеристы!

ЗАДАЧИ ВТОРОЙ СЕРИИ

Задача №1

При полной подготовке точность учета метеорологических условий стрельбы в дальности характеризуется срединными ошибками:

баллистического ветра a=55 м;

баллистического отклонения температуры воздуха b=45 м;

наземного отклонения давления атмосферы c=10 м.

Определить срединную ошибку метеорологической подготовки.

Задача №2

Определить координаты огневой позиции, если известны координаты контурной точки X = 82060, У = 19178, с промежуточной точки измерен дирекционный угол на контурную точку 12–50 и определена дальность 330 м, и измерен дирекционный угол на привязываемую точку огневой позиции 55–93, и определена дальность 286 м.

Задача №3

Батарея 122-мм гаубиц Д-30 заняла боевой порядок. Старший офицер батареи доложил: «Батарея к стрельбе готова».

X=42150, У=11245, H=120 м, основное направление стрельбы 45–00, снаряды ОФ-462, партия зарядов 7–0–02, температура зарядов +5 градусов, суммарное отклонение начальной скорости снарядов минус 1,5% Vo.

Из штаба дивизиона передали:

Метео 1103–03233–0170–51559–02–582804–04–603004–08–603006–12–603008–16–623109–20–643210–24–643312–30–653312–40–653312.

Рассчитать поправки на отклонение баллистических и метеорологических условий стрельбы в основном направлении на заряде, уменьшенном на 8, 10, 12 км.

Задача №4

Артиллерийский дивизион 122-мм ГД-30 занял боевой порядок:

1 батарея: X=11165, У=17350, H=190 м;

2 батарея: X=11075, У=17785, H=200 м;

3 батарея: X=11340, У=17275, H=210 м;

КНП адн: X=10720, У=14850, H=280 м.

Командир бригады поставил задачу командиру дивизиона поставить НЗО «Терак» на заряде втором. Основное направление стрельбы 43–00, полярные координаты НЗО: левая a=43–49, Д=5792, правая a=45–14, Д=5550, высота 270 м.

Определить установки для стрельбы с трех огневых позиций при подготовке НЗО дивизионом.

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ 1-Й СЕРИИ

Задача №1

Уровень меньше 0–06.

Задача №2

Расстояния треугольника: AC=2246, BC=2230.

Задача №3

В начале следует определить астрономический азимут на Луну. Летом полная Луна находится на юге в 2 часа, на часах же КГУ было: 1 час 12 минут. Как известно, угловая скорость движения небесных светил, в том числе и Луны, равна одному градусу за четыре минуты. Следовательно, за оставшееся время до 2.00 Луна совершит путь, равный 48:4=12 градусов. Отсюда: азимут на Луну равен 180 град. –12 град. =168 град.

Астрономический азимут движения колонны составит: 168 град +47 град. =215 град.

Задача №4

1. «Бурон» стой. Цель 101-я пехота укрытая, ОФ взрыватель О и Ф заряд полный, шкала тысячных, прицел 270, уровень 30–12, основное направление – 5–33, веер 0–04, основному 1 снаряд зарядить, начальнику сопряженного наблюдения обслужить пристрелку цели 101-й пехоты укрытой, порядок доклада левый правый.

2. Прицел 286 левее 0–21, огонь.

3. Прицел 288 правее 0–01. Батарее 2 снаряда, беглый огонь.

4. Прицел 285 разделить огонь от основного 0–02. 4 снаряда, огонь.

5. Прицел 284 правее 0–01, огонь.

Стой, записать: цель 101-я, пехота укрытая, расход 62.

ЧАҚИРУВ–2009

ЭЛИНГГА МУНОСИБ БЎЛ, ЎҒЛОН!

Мамлакатимизнинг турли жойларида чақирилувчиларни Ватан хизматига кузатиш тантаналари давом этмоқда. Мазкур жараён ҳам йилдан йилга такомиллашиб, мукаммаллашиб бормоқда. Ундаги янгиланишлар, ўзгаришлар ҳар бир юртдошимизни қувонтириши шубҳасиз. Чақирув жараёнининг ўзидаёқ ёшларимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик акс этиб турибди.

Ҳар бир чақирилувчига тақдим этилаётган кундалик эҳтиёж воситалари эҳтимол, энг оддий нарсалардир. Аммо ана шу оддийликда халқимизнинг эътибори, меҳри мужассам. Ҳарбий либосларни олиб кўрайлик-а. Ўтган йиллар давомида чақирилувчиларни ёшларбоп спорт либосларида кузатар эдик. Янги йилдан эса чақирилувчилар йиғин пунктининг ўзидаёқ ҳарбий либослар билан таъминланмоқдалар.

Пойтахтлик ўғлонларни тантанали кузатиш маросими. Тадбирнинг расмий қисми бошланиши керак. Йигитлар саф тортдилар. Уларни ўзларига ажратилган ўриндиқларда меҳру ифтихор-ла кузатиб ўтирган ота-оналар ва бошқа кузатувчилар ёнига шоша-пиша ёш бир аёл ҳам келиб қўшилди ва тезгина ён-веридагилар билан сўрашиб олгач, сафдаги йигитларга бир қур кўз ташлаб олди.

– Опа, булар орасида жияним Бекзод кўринмаяпти-ку, – деб сўради ўзидан ёши каттароқ аёлдан.

– Ҳазиллашяпсанми, ана у, чап тарафдан учинчи бўлиб турибди, – кулганича синглисига жавоб қилди аёл.

– Вой-й, унинг бирпасда ўзгариб кетганини қаранг-а, – аёлнинг овозида қувонч ва ҳайрат оҳанглари уйғунлашиб кетди. – Опа, шу ўзимизнинг Бекзодми, улғайиб қолибди-а... – аёлнинг ҳайрати чексиз эди.

Сафда турган ўктам, норғул ўғлонларга қараб кўпчиликнинг шу тариқа ҳайратлангани рост. Кузатувчилар орасида нуроний аёл эътиборимни тортди:

– Опа, сиз кимни кузатяпсиз?

– Набирам Шуҳратжонни кузатяпмиз, – дедилар онахон. – Қаранг, Шуҳратжон ҳаммадан ажралиб турибди, ҳарбий либоси ўзига бирам ярашган... Кап-катта йигит бўлиб қолганини эндигина сезиб турибман. Юрт ҳимоясига бел боғлаган ўғлимнинг йўллари кўнгли каби оқ бўлсин.

Билмадим, онахоннинг кўзи билан қараса, эҳтимол Шуҳратжон ҳаммадан ажралиб тургандир, аммо сафда турган ўғлонларнинг барчаси кўзлар қувончи, халқнинг ишончи, она юртнинг эртанги ёрқин кунидирлар.

ҚАДДИ БАЛАНД, ҚАДРИ БАЛАНД ФАРЗАНДИМ!

Чақирилувчи Абдунажим Абдусаматов оиланинг кенжа фарзанди. У зиёлилар оиласида улғайган. Отаси Абдуҳаким ака ўттиз йилдан зиёд фаолиятини геология соҳасига бағишлаган. Онаси Қундузхон опа ҳам бир неча ўн йиллардан буён пойтахтдаги 242-умумтаълим мактабида инглиз тилидан сабоқ бериб келади.

Опанинг ҳаяжони юз-кўзларида очиқ-ошкора акс этиб турарди. Ўғли ҳақида барча оналарга хос меҳр билан шуларни сўзлаб берди:

– Абдунажимда тил ўрганишга қизиқиш катта. У рус, инглиз тилларини мукаммал билади. Компьютер техникаларига қизиқади. Болалигидан спорт билан шуғулланади. Ҳозир мудофаа ишлар бўлимида ёшларни маҳаллаларга бориб ўрганишларини ўғлим мисолида кўрдим. Ўғлим ҳақида улар томонидан айтилган фикрларни тинглаб бениҳоя хурсанд бўлдим. Унинг муддатли ҳарбий хизматга лойиқ топилганини айтганларида фарзандим билан фахрландим. Чунки, ёшларимиз бунинг учун жиддий синовлардан ўтишлари лозимлиги бугун кўпчиликка аён. Мен Абдунажимга ишонаман, бугун ҳеч бир соҳани компьютер технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. У ҳарбий хизматда бу соҳада олган билимларини муваффақият билан амалда қўллаши мумкин. Фарзандимнинг эгнида ҳарбий либосни кўриб ҳаяжонланиб кетдим. Беихтиёр укаларимни армияга кузатган кунларимиз ёдимга тушиб кетди. Шовқин-сурон, йиғи-сиғи, умуман, бир неча кунгача кетмайдиган руҳий тушкунлик ҳолатини эслайман. Ва эслаганим сари бугунги кунларимизга шукур қиламан. Она Ватан ҳимояси ёшлар учун шон-шараф ишига айланган. Бугун уларнинг қадди баланд, қадри баланд!

«ЭЗГУ НИЯТЛАРИМ КЎП»

Абдунажим яқиндагина ўн саккиз ёшга тўлди. У муборак истиқлолнинг хуш насимларидан баҳраманд бўлиб улғайган ёш авлоднинг вакилидир.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда спортга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳатто маҳаллаларда ҳам спорт ишларига жиддий аҳамият берилади. Бу борадаги ишлар пойтахтнинг Обод маҳалласида ҳам яхши йўлга қўйилган. Маҳалланинг ёшлардан иборат футбол командаси Собир Раҳимов туманида анчагина машҳур. Абдунажим эса маҳалланинг энг яхши спортчиси деб тан олинади.

Йигит ҳарбий хизматга қадар Тошкент шаҳар газ тармоқлари корхонасида монтёр бўлиб ишларди. Ёш ишчини бу ерда тармоқ раҳбари Искандар Солиҳов илиқ қарши олди. Ва тажрибали ишчилар жамоасига таништирди. Камгап, тўғрисўз йигит тез орада барча билан тил топишиб кетди.

– Катта ёшли инсонлар билан ишлаш мени бироз чўчитган эди, – дейди у. – Аммо улар мени ўз фарзандларидек қабул қилдилар, билмаганларимни сабр-тоқат билан ўргатдилар. Мен ҳам уларнинг эътибор ва ғамхўрликларига муносиб жавоб беришга интилиб, ўзимга биркитилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилдим. Кўп йиллик тажрибага эга Маҳмуд ака, Fофир ака каби инсонлар мени ёш бўлганлигим сабабли ҳар томонлама қўллаб-қувватладилар. Улардан ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиш лозимлигини, ҳар доим бошқаларга сидқидилдан ёрдам қўлини узатиш лозимлигини ўргандим. Катталар билан ишлаганда кўп нарсаларни ўрганар экансан. Ҳарбий хизматга кетаётганимни эшитиб, улар ҳам хурсанд бўлишди, ҳаммалари менга оқ йўл тилашди.

Абдунажим Абдусаматов аскарлар орасида ҳам энг ёши бўлиши мумкин. У улуғ истиқлолнинг тенгдоши. Истиқболи порлоқ ёшларимиздан бири. Бунинг нечоғли улкан масъулияти борлигини у яхши англайди. Чақирув жараёнида синовлардан муваффақиятли ўтиши ҳам унинг бу борада муваффақиятли одимлар отаётганидан далолатдир. Барча ёшлар каби унинг ҳам орзулари мўл. Келажакда хорижий тиллар бўйича етук мутахассис бўлишни ният қилган. Келажак режалари ҳақида у шундай дейди:

– Халқимизда тил билган эл билади, деган нақл бор. Бугун улуғ мустақилликдан баҳраманд бўлиб улғайган кўпдан кўп тенгдошларимиз юртимиз шаънини кўкларга кўтариб, халқаро майдонларда турли соҳаларда ўзларини кўрсатишмоқда. Мен ҳам улар сафида бўлишни орзу қиламан. Хориж тилларини мукаммал ўрганиб, ёшларга шу тиллардан сабоқ берсам дейман. Дунёга чиқиш учун, дунёни билиш учун тилнинг аҳамияти беқиёсдир. Албатта, дилимда эзгу ниятларим кўп. Энг аввал Ватан олдидаги фарзандлик бурчимни ёруғ юз билан ўташим керак. Бу эса ҳар бир йигитнинг мақсадидир.

Ҳа, ёшларнинг орзу-интилишлари, мақсадлари ҳам ёшликка хос тароватли, мусаффодир. Истиқлол фарзандларини ана шу мусаффолик ва жўшқинлик ҳеч қачон тарк этмасин.

Инобат ЗИКИРИЛЛАЕВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



ҚАЛҚОН БЎЛАРМАН, СЕНГА ВАТАНИМ

Президентимизнинг жорий йил 6 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги қарорига асосан Сурхондарё вилоятида ҳам йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтмоқда.

– Чақирув мавсумига пухта ҳозирлик кўрдик, – дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими офицер А. Авизов. – Барча чақирув пунктларимизда тиббий ҳамда чақирув комиссияларининг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Мавсум бошланишидан олдин ҳар бир шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқларининг маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлари ташкил этилиб, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун ҳамда Президентимизнинг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилди, маҳалла ва ўқув муассасаларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Бундан ташқари вилоят, туман ва шаҳар чақирув комиссиялари аъзолари – врач-мутахассислар учун ўқув машғулоти ва кўргазмали-амалий семинарлар ташкил этилди.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, шахсий мослашув имкониятлари, интеллектуал билим даражалари синовдан ўтказилиб, улар орасидан энг муносиблари танлаб олинди.

Вилоят йиғин пунктида ўтган навбатдаги тантанали маросимда мана шу босқичлардан муваффақиятли ўтган, ҳар жиҳатдан етук ва соғлом йигитларнинг бир гуруҳи муддатли ҳарбий хизматга кузатилди. Унда вилоятнинг давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, ота-оналар ва ҳарбийлар иштирок этишди.

Тантанали кузатиш маросимида сўз олганлар мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчиларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор, берилаётган имтиёз ва имкониятларни алоҳида эътироф этишди. Хусусан, Юртбошимизнинг Фармонига биноан эндиликда муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг йилда бир марта амалга оширилиши фуқаролар учун яратилган яна бир қулайлик эканлиги алоҳида таъкидланди.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА.

ASKAR

SHARAFLI SOHANING ILK SABOQLARI

Qurolli Kuchlarimiz saflariga chaqirilgan yosh askarlar ayni kunlarda yig‘in mashg‘ulotlarida harbiylikning ilk ko‘nikmalarini egallashmoqda. Ularga yetarli tajribaga ega bo‘lgan o‘z kasbining ustalari – serjantlar va ofitserlar saboqlar berishmoqda. Jismoniy, saf tayyorgarligi, «Umumharbiy nizomlar»ni o‘rganish, ijtimoiy-siyosiy, taktik, otish tayyorgarligi, harbiy topografiya va boshqa fanlardan o‘tilayotgan mashg‘ulotlar shular jumlasidandir.

– Mudofaa ishlari bo‘lim va boshqarmalaridagi barcha sinovlardan muvaffaqiyatli o‘tib, armiya hayotiga qadam qo‘ygan yigitlarda harbiy xizmatning ilk ko‘nikmalarini shakllantirish uchun jiddiy harakat qilinmoqda, – deydi tarbiyachi ofitser Asqar Safarov. – Yig‘in dasturiga muvofiq o‘g‘lonlar shu kunlarda Mashg‘ulot jadvalida belgilab qo‘yilgan barcha tayyorgarlik turlari bo‘yicha nazariy bilimlarni o‘rganishayapti. Ofitserlar Hikmatulla Toxtaboyev, Ilhom Barnoyev, Ilhom Mamajonov, kichik komandirlardan Furqat Ortiqaliyev, Botir Toirov, Naim Esonov, Azamat Nazarov va Sobir Turniyozovlar yosh askarlarga harb ilmi saboqlarini chuqur o‘rgatib kelishmoqda. Hademay amaliy mashg‘ulotlar ham boshlanadi. Shu tariqa yangi dasturga asosan saboqlar uzluksiz, yil davomida o‘tib boriladi. Bundan esa tabiiyki, yurt himoyachilarining malaka va mahoratlari yanada shakllanadi.

– Dam olish kunlarida rejaga muvofiq badiiy-ko‘ngilochar tadbirlar, intellektual o‘yinlar va sport tadbirlari o‘tkazib turiladi, – deydi ofitser Ilhom Mamajonov. – Bundan ko‘zlangan maqsad, askarlarning bo‘sh vaqtlarini mazmunli o‘tkazishga hamda jamoaviy birlikni shakllantirishga e’tibor qaratishdir.

Shuni ham ta’kidlash joizki, posbonlarni harbiy qism va bo‘linmalarda kutib olish tadbirlariga puxta hozirlik ko‘rilgandi. Yotoqxonalar issiq, ozoda va shinam. Keng va yorug‘ mashg‘ulot o‘tish xonalari yangi mebellar, zamonaviy o‘quv qurollari va zarur texnik vositalar bilan ta’minlangan. Harbiy xizmatchi bo‘sh vaqtlarini maroqli o‘tkazishi uchun dam olish xonalarida barcha qulayliklar yaratib qo‘yilgan. Ularda shaxmat-shashkadan tortib televizor, videoapparatura va musiqiy markazlargacha bor. Kutubxonalarda turli badiiy va o‘quv adabiyotlari bilan birga vaqtli matbuot nashrlarini ham mutolaa qilish mumkin.


– Men chaqiruvga qadar boshlang‘ich tayyorgarlik fani mashg‘ulotlari orqali professional asosda shakllanayotgan milliy armiyamiz haqida muayyan tasavvurga ega edim, – deydi Buxoro viloyatidan harbiy xizmatga chaqirilgan oddiy askar Alisher Muxtorov. – Qo‘l jangi bilan shug‘ullanaman. Armiyada ham mazkur sport turi bilan shug‘ullanishimga barcha imkoniyatlar yetarli. Komandirlarimizning mehribonligi, jonkuyarligini doimo his qilib turamiz. Safdoshlarimiz bilan samimiy, do‘stona munosabatdamiz. Yigitlik burchimni munosib o‘tab, aloqa sohasi bo‘yicha o‘qimoqchiman. O‘ylaymanki, astoydil intilsam, albatta maqsadimga yetaman.

– Men xizmatga chaqirilganimdan, el koriga yaroqli topilganimdan xursandman, – deydi oddiy askar Jamol Hoshimov. – Maqsadim, askarlik xizmatidan so‘ng shartnoma asosida qolish. Ishonchim komilki, bu yo‘lda menga komandirlarimning beminnat ko‘magi va yo‘l-yo‘riqlari asqotadi.

Navbatdagi suhbatdoshlarim – oddiy askar Murod Mirahmedov huquq-tartibot sohasida xizmat qilishni ko‘zlasa, uning yana bir safdoshi oddiy askar Buzruk Mahkamov ofitser bo‘lmoqchiligini bildirdi.

Xullas, suhbat asnosida o‘g‘lonlarning har biri o‘z mustaqil fikriga egaligi va maqsad yo‘lida astoydil olg‘a intilishayotganining shohidi bo‘ldim. Ha, ular o‘z nomlariga munosib, saralar ichra eng sara shunqorlar sifatida saflarga chaqirilgan mardlardir, degan fikrlar o‘tdi xayolimdan.

Katta leytenant Yoshin HAKIMOV,
«Vatanparvar» muxbiri.
Bahrom ABDURAHIMOV suratga olgan.



SEN BUYUK QO‘RG‘ONIM, O‘ZBEKISTONIM!

Vatan! Ajdodlarimiz e’zozlagan, aziz bilgan buyuk qo‘rg‘on – u. Shu bois uni jon qadar qadrlagaylar, qo‘riqlagaylar.

Vatanni asrash, uni ko‘z qorachig‘i kabi qo‘riqlash har bir insonning burchi. Yurt himoyachisi bo‘lish – sharaf. Aynan posbonlarning sarhadlarimizni sergak turib qo‘riqlashlari, zimmalaridagi vazifani sidqidildan ado etishlari, burchlariga sadoqati sabab yurtimizda tinchlik hukmron. Men ham milliy armiyamiz saflarida xizmat qilayotganimdan, mamlakatimizni himoya qilishga hissa qo‘shayotganimdan faxrlanaman.

Oilada kenja farzandman. Bolaligimda harbiy bo‘lishni, yurt himochisi degan sharafga erishishni juda-juda orzu qilganman. Ayniqsa, uyga tog‘am kelganlarida uning furajkasini kiyishni, unga taqlidan qo‘limni chekkamga qo‘yib, harbiycha salomlashishni juda yaxshi ko‘rardim. Mendagi qiziqish, havasning qat’iy maqsadga aylanishida tog‘am – mayor Baxtiyor Alimovning xizmatlari katta bo‘lgan.

Men tug‘ilib o‘sgan Bo‘ka tumanida muddatli harbiy xizmatni o‘tab qaytgan yoshlar talaygina. Darslardan bo‘sh vaqtlarimda ular bilan suhbatlashishga, armiya haqidagi tasavvurlarimni boyitishga harakat qilardim. Bu suhbatlar orqali bugun Qurolli Kuchlarimiz safida xizmat qilish har bir er yigit uchun eng yuksak orzuga aylangani, bunga har tomonlama yetuk, bilimli, ilg‘or yoshlargina muyassar bo‘layotganidan boxabar bo‘ldim. Bu esa menga belgilangan sinovlarga puxta tayyorgarlik ko‘rishimda kuch bag‘ishladi.

Maktabni bitirgach, muddatli harbiy xizmatni – Vatan oldidagi yigitlik burchimni o‘tashga qaror qilganim haqida aytganda ota-onam quvonib, menga omad tilashgan edi. Mana, sinovlardan muvaffaqiyat bilan o‘tib, mustaqil yurtimning posbonlari safidan joy oldim. Endigi maqsadim – namunali xizmat qilib, eng ilg‘or posbon degan nomga sazovor bo‘lish.

Armiyaga kelganimga hali uncha ko‘p bo‘lgani yo‘q. Ammo shu qisqa davrda ko‘p narsalarni o‘rgandim, harb ilmi bo‘yicha ilk saboqlarni oldim, «Umumharbiy nizomlar» bilan tanishdim. Bu yerda posbonlarning ta’lim olishi, sport bilan shug‘ullanishi, xizmatdan bo‘sh vaqtlarini maroqli o‘tkazishlari uchun barcha shart-sharoitlar yaratilgan.

Niyatim – muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatini o‘tab, oilam, ustozlarim bag‘riga yorug‘ yuz bilan qaytish.

Ibrat SALIMBOYEV,
oddiy askar.

Serjantlar – armiyamiz suyanchi va tayanchi



Yurtboshimiz – Qurolli Kuchlar Oliy Bosh qo‘mondoni Islom Karimov serjantlar haqida fikr bildirarkan, «Qurolli Kuchlarimizda xizmat qilayotgan serjantlarimiz shaxsiy tarkibning yuksak jangovar va siyosiy tayyorgarligini ta’minlash, harbiy qism va bo‘linmalarda sog‘lom ma’naviy-axloqiy muhitni, harbiy tartib-intizomni saqlashning chindan ham muhim omiliga, muxtasar aytganda, armiyamizning asosiy o‘zagiga aylandi, desak, ayni haqiqatni aytgan bo‘lamiz» deya ta’kidlagandi. Ayni kunlarda saflarga qo‘shilgan yosh askarlarda dastlabki harbiy ko‘nikmalarni shakllantirishda o‘z yordamlarini ayamayotgan va ularga akalarcha g‘amxo‘rlik ko‘rsatayotgan, shaxsiy tarkibni shonli harbiy an’analarga sadoqat ruhida tarbiyalashga hissa qo‘shayotgan serjantlar faoliyatini kuzatganda, mazkur fikrlarning naqadar haqqoniy ekanligiga yana bir bor amin bo‘lasan, kishi.

Shahriyor KOMILOV. Bahrom ABDURAHIMOV suratga olgan.

ОИЛА ГУЛШАНИ

МУҲАББАТДАН ЯРАЛГАН РИШТА

Оилавий бахтга эга бўлиш ҳар бир инсон учун жуда муҳим. Бироқ бунга осонгина эришиш мушкул. Турмуш остонасига қадам қўйган эр ва хотин оилада аввало меҳру муҳаббат, сабру қаноат, ҳурмат, садоқат каби энг юксак туйғуларни қадрласагина бахт сари дадил қадам ташлашади. Бунда эса бир-бирини тушуниш, рўзғор ташвишларини бирга баҳам кўриш каби жиҳатлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, оила қўрғонининг ўз қонун-қоидаси, тошу тарозуси бор. Унга риоя қилмоқ эса ҳар бир хонадон соҳиб ва соҳибасининг ҳаётий бурчидир.



Навоий вилояти, Қизилтепа туманида вояга етган бу икки ёш бир-бирига кўнгил беришди. Дастлаб икки оила катталарининг дўстона борди-келдиси, меҳр ришталари бора-бора йигит ва қиз қалбида муҳаббат куртакларини ёзишга сабабчи бўлди. Бу орада шарафли соҳага кўнгил қўйган Хуршиджон Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти бўлишдек бахтга мушарраф бўлди. Машҳурахон ҳам Навоий давлат педагогика институтига кириб, талабалар сафидан жой олди. Энди улар дил кечинмаларини фақат Хуршиджон таътилга келган пайтдагина баён этар эдилар. Уларнинг бир-бирига қай даражада садоқатли эканлиги айнан мана шу дамларда синовдан ўтди, десак хато қилмаймиз.

Вақтни оқар сув дейишади. Ҳаш-паш дегунча тўрт йил ҳам ўтиб, Хуршиджон офицер сифатида илк хизмат фаолиятини бошлади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Хуршиджоннинг Машҳурахон билан тўйлари бўлиб ўтди. Мана тўрт йилдирки, улар бир-бирига суяниб, ишониб яшаб келишаяпти. Ишончни оиланинг энг мустаҳкам устуни дейишади. Қўрғон ҳам метин ва мустаҳкам бўлиши мана шу устунга боғлиқ.

Катта лейтенант Хуршид Ходиевнинг хонадонидамиз. Бу даргоҳда ҳукм сураётган осойишталик ва эр-хотиннинг бир-бирига бўлган самимий муносабатини кўриб тўғриси, ҳавасимиз келди. Шинамгина уй, замонавий жиҳозланган хоналар бу оиланинг тўкис яшаётганидан далолат. Бизни қувонч билан қарши олган хонадон бекаси Машҳурахоннинг сариштали, ораста аёл эканлигини уй тутишидан ҳам билиш мумкин. Аёл борки, ўзи истиқомат қилаётган хонадонни яшнатгиси келади, тоза ва озода тутишга ҳаракат қилади. Машҳурахон ҳам ана шундай аёллар сирасидан. Суҳбатимиз давомида билдикки, Хуршиджон ҳам турмуш ўртоғидаги шу фазилатни жуда қадрлар экан.

– Хизматдан ҳориб уйга келганингизда очиқ юз билан қарши оладиган аёлингиз ва хонадонингиздаги тозалик, саранжом-саришталик кўнглингизни тоғдек кўтаради, – дейди у. – Шу боисдан ҳам турмуш ўртоғимни ҳурмат қиламан. Биласизми, эркак киши ҳаловатни оиласидан топса, бу унинг энг катта ютуғи. Бу борада мен ўзимни бахтлиман, деб айта оламан. Чунки севган ёрим ва жондан азиз фарзандларим менинг бахтим ва ҳаловатимдир. Тақдир менга Машҳурахондек бағрикенг, оқила аёлни рўбарў қилганидан миннатдорман.

Дарҳақиқат, оила фарзандлар билан тўкин. Йиллар давомида бирин-кетин бу хонадонни тўлдирган Саиджон ва Жамшиджонлар ота-онасининг толеи. Ахир фарзанд кўзнинг қароғи, оила ришгасини бир умрга боғловчи кўприк вазифасини ўтайди.

– Аёлнинг бахти оила билан, – дейди хонадон бекаси.– Ҳаётимни фарзандим ва турмуш ўртоғимсиз тасаввур қилолмайман. Ҳарбий хизматчига рафиқа бўлишнинг масъулияти улкан. Ҳарбийнинг аёли бўлишнинг шарафли ва масъулиятли томони машаққатларни сабр, сабот билан енгишида. Ўзаро ишонч ва ҳурматни асраш, сабр ва садоқатга эгалик қилиш, оилани эл ҳурматига етказади, албатта. Биз умр йўлдошим иккимиз ҳам ҳаётнинг мана шу мезонига амал қилишга доимо интилиб яшаймиз. Шу боисдан ҳам ҳаётимдан жуда мамнунман.

Ҳа, Хуршиджон ва Машҳурахонлар ҳамма вақт иноқликда, бир-бирларини тушуниб яшамоқдалар.Хулоса сифатида шуни айтмоқчимизки, илоҳим оила бахтига кўз тегмасин. Хонадон фарзандлари ота-оналарига муносиб, элу юртимизнинг ишонган тоғи бўлиб вояга етишсин.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

АЁЛЛАРИМИЗ ҲАМИША ОМОН БЎЛСИН

Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ҳарбийларнинг турмуши, маданий-маиший шароитларини янада яхшиланаётганлигини намойиш этмоқда. Зотан, Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, тинч-осойишта ҳаёти, бунёдкорона меҳнати ва хавфсизлигининг кафолатидир. Истиқлол йилларида миллий армиямиз фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънан тарбиялайдиган, чиниқтирадиган ҳақиқий маҳорат мактабига айланди. Ёш авлодга таълим-тарбия беришда мавқеи янада ортди.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига қаратилаётган эътибор эса янада ўзига хос.

Бугунги кунда Мудофаа вазирлигида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими фаолият юритмоқда. Ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳам унинг бўлинмалари мавжуд бўлиб, бўлинма етакчилари фаолиятлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Вазифамиз ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш, маданий-маърифий тадбирлар орқали уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилиш ва турли хил тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиб, ҳуқуқий, тиббий билимларини оширишга кўмаклашишдан иборатдир. Шу мақсадда, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда низом ишлаб чиқилган. Мазкур Низом асосида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Оила – жамият негизи ҳисобланиб, у кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчга эга. Оиладаги соғлом муҳит соғлом онгни, соғлом эҳтиёжларни, ҳаётга тўғри муносабатларни шакллантириш манбаидир. Ҳарбий хизматчиларнинг оилалари тинчлиги ва фаровонлиги учун олиб бораётган саъй-ҳаракатларимиз замирида эса озод ва обод Ватанга муносиб ўғил-қизлар тарбиялашда таянч бўлишдек эзгу мақсад мужассам. Бу борада бўлинма етакчилари томонидан олиб борилаётган ишларга узоқ тўхталиш мумкин. Республика Ҳарбий прокуратураси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўлими бошлиқлари учун мана икки йилдирки, илмий-амалий семинарлар ташкил этилиб, бу орқали ишгирокчиларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий билимларини ошириш, иш фаолиятида яхши натижаларга эришиш ҳамда жойлардаги муаммоларни бартараф этиш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик ишлари ва бошқа масалалар юзасидан ижобий натижаларга эришилмоқда.

Мана, юртимизда хотин-қизлар байрами катта тантаналар билан нишонланди. Мустақиллик юртимиз аёллари тақдирида катта ўзгаришлар ясади, десак тўғри бўлади. Истиқлол берган имкониятдан оқилона фойдаланаётган аёллар бугун жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқдалар. Ютуқлар самарасида, тараққиётда аёлларнинг ҳам ўз ўрни, овози бор.

Бугуннинг аёли ўз ақл-заковати билан дунёни ҳайратга солмоқда. Бугуннинг аёли олима, у илм-фанда кашфиёт қилмоқда. Бугуннинг аёли санъаткор, у жаҳон саҳнасида мумтоз қўшиқлар билан ўлмас қадриятларимизни тараннум этмоқда. Бугуннинг аёли спортчи, у жаҳон аренасида Ўзбекистон байроғини баланд кўтармоқда.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларнинг ёнларида турган Бибихоним, Гавҳаршодбегим, Хонзодабегим каби оқила аёлларни биламиз. Улар давлат ишларида, сиёсатда тенгма-тенг иштирок этганлар ва юрт, миллат тақдири учун жавобгарлик ҳиссини юрак-юракдан англаганлар.

Яна менинг қалбимни фахр ва ифтихорга тўлдирадиган бир жиҳат борки, у узоқ гарнизонларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг аёлларидир. Улар умр йўлдошларига муносиб елкадош бўлиб келмоқда. Бундай аёлларнинг мустаҳкам иродасига ҳавас қилса арзийди.

Юртимизга фасллар келинчаги баҳор ташриф буюрди. Бежиз баҳорни аёлга қиёсламайдилар. Чунки унинг ўзига хос файзу таровати, гўзаллиги бор. Бир қўлида бешик, бир қўлида дунёни тебратаётган муҳтарама аёлларимиз ҳамиша омон бўлсинлар.

Ойнисо НОДИРОВА,
Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи.

ГУЛПОЁНДОЗ ЭГАЛАРИ

Ҳазрати АЁЛ... Сизнинг туриш-турмушингиз мўъжиза. Туриш-турмушингиз сеҳрга ўхшайди. Баҳорнинг бошланиш кунларида Сизнинг байрамингиз бўлди.

Нима дейсиз? Баҳор Сизнинг байрамингизни бошлаб келдимикин ёки Сизнинг байрамингизга эргашиб баҳор келдимикин? Ҳар иккиси ҳам тўғридек-а?

Қаранг, қишдан зериккан уйларнинг деразаси очилганда этни жунжиктирувчи совуқ изғирин эмас, кўпчиган тупроқ ҳидини елкалаган баҳорий насим, кўкламий сабо кириб келди. Кўнгиллар тўрт деворни хоҳламай қолди энди. Айнан шу кунда эса остона ҳатлаб кўчага чиққанларнинг битта истаги ҳамма истакларидан устуворроқ туюлади. Бу Сизга тақдим этиш учун гул истаги. Болакайлар аллақачон қишни йиғиштириб қўйишган. Қайси бири варрак учиряпти, қайси бирлари бойчечак излаб кетди, топса қўшиқ бошлаб эшикма эшик юриб, суюнчилайди.

Сизнинг эса... сизнинг, «менинг байрамим», дея оромда ўтирадиган майлингиз йўқ. Юмушингиз ҳар дамгидан ҳам кўпайган. То айвонгача келган йўлагингизга райҳон, жамбил уруғини сепасиз. Келинингиз, қизларингиз учун ўсма экиш ҳам ёддан чиқмайди. Эрта-индин бодраб чиқса, кўнгилга қандоқ ёқишини биласиз.

Катта қизингиз келинойиси ёнида юриб аллақачон супра тахта юмушларини ўрганиб олган. Баҳор таомларини қойилмақом пиширишга ҳадисини олган. Иккинчи қизингиз сал ўйинқароқ, кўл тутадиган инжиқ ишларни унча хушламайдиганига ҳам бариб бир ўргатиш зарурлигини эслаб, исмалоқ теришни кўнгиллайсиз. Урганса яхши-да, узатиладиган қиз келин бўлиб борган жойида туртки еб хижолат бўлмайди, раҳмат эшитди. Қолаверса ўзбакий миллий қадриятларимизни, миллий таомларимизни, урфу одатларимизни ўрганса, буям маънавият деган гап.

Сиз қишлоқда яшайсизми, жуда яхши. Аслида республикамизнинг саксон фоиз яшаш майдонлари қишлоқ-да. Юртбошимиз 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», деб аташни таклиф қилганида шуни назарда тутганлиги рост. Зап яхши бўлди. Тараққиёт – бу ҳар жабҳада юксалиш дегани-ку. Маънавиятимиздаги тараққиёт, соғлиқ-саломатликдаги тараққиёт, маданият, санъатдаги, спортдаги тараққиёт. Энди қишлоқларимиз янада обод бўлади, ёшларимиз шаҳарга бориб ўқишни тамомлагач, шаҳарда қолиб яшаш йўлларини қидирмай қўя қоладилар.

Кечагина қишлоқ врачлик пунктидаги ҳамшира қизлар барча хотин-қизларни муфассал тиббий кўрикдан ўтишга таклиф қилиб кетишди-а. Маъқул иш. Ҳазрат Ибн Сино айтганлар-ку, касални даволашдан кўра олдини олган афзалроқ.

Дарвоқе, бўлажак келинчакларимиз, куёв бўлмиш йигитларимизнинг тўй олдидан тиббий кўрикдан ўтишлари ҳам қатъий белгилаб қўйилди. Ажаб қилишади. Яқинда бир ҳамкасбимиз маҳалласида бўлган бир воқеани афсус билан айтиб берди. Орзу-ҳавас билан ўтган катта тўйдан етти кун ўтибоқ келиннинг бемор эканлигини билиб қолибдилар. Касалини яширсанг иситмаси ошкор қилади, дейдилар-ку. Уёққа чоп, буёққа чоп бўлибди. Домла, қорига ҳам ўқитишибди, шифокорлардан ҳам маслаҳат олишибди, ҳар ҳолда икки ой деганда бу ёш оила бузилибди. Ҳолат ҳаммага аён, ҳам моддий, ҳам маънавий бу йўқотиш кимга ёқади, ахир.

Қизингизга қараб туриб унинг сулувгина бўй етганидан қувонасиз. Аммасининг келин қилгиси келаётганини эшитгансиз. Опангиз –холасида ҳам бу истак йўқ эмас.

Аммо иккаласига ҳам узр айта қолинг, замонавий тиббиёт қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳни рад этяпти-ку. Бу бежиз эмас. Буни бир-биримизга имкон борича тушунтирганимиз яхши. Буям тараққиёт. Фикрдаги, дунёқарашдаги, бахтнинг не эканини англашдаги тараққиёт. Миллатнинг маънавий олами, соғлом турмуш тарзи, фарзандларимизнинг бенуқсон туғилиши, вояга етиши ҳаммаси тараққиёт дегани. Шунда фаровонлик ўз-ўзидан келади чоғи.

Лекин сизу биз тараққиётни ҳар ким ҳар хил тушунишини ҳам унутмаслигимиз керак. Биласиз, бизда авваллари эркакларимиз, куёв йигитларимиз ойда бир гап-гаштак ер эди. Бу гапу гаштакда уйдаги аёлларнинг пазандалиги, саранжом-саришталиги, меҳмоннавозлиги синовдан ўтиб ҳам оларди. Ҳозир эса... Бу «гап»лар бирор ошхонада, чойхонада ёки ресторанларда ўтиши тобора одатга айланиб қолянти. Муҳими бу эмас, «гап ошти»ни эркакларимиздан кўра аёлларимиз кўпроқ ейишянти. Шаҳардаги «жўжа кабоб» ресторанларига бир кириб кўринг. Баъзан биронта эркакни учратмасангиз ҳайрон бўлманг. Энди эса алоҳида саккиз, ўн кишилик хоналари безатилган чойхоналарда ҳам аёллар «гап» ейдиган, кеч оқшомдан кейингача бемалол «ҳангомалашиб» ўтирадиган бўлишибди. Бу аёлларнинг айнан мана шу оқшомларда уйида не гап экан? Болалари, эри кечки овқатни уддалашдимикан?! Хонадон эркагининг кайфияти қанақа экан?! У ўз аёлининг «буям цивилизация» деган таъкидини тўғри тушундимикан?! Бўй етган ўғли, бўй етган қизи бўлса, бу унинг тарбиясига қандай таъсир қилянти экан?! Сизнингча, тараққиёт деган атама бу ҳолатни ўзига сиғдирадими? Менинг назаримда, сиғдирмайди. Аёлнинг аёл бўлгани, ҳаё, одоб, андиша чегарасида тургани маъқул эмасми?!

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йили дастурлари ишлаб чиқилиб, ижрога киришилмоқда. Бу дастурга асосан ободончилик ишлари янада кўпаяди. Эл соғлиғи, маънавий камолоти ҳақида кенг қамровли ишлар амалга ошади. Таълим-тарбиянинг миллий, маънавий даражаси янада ортади. Ўшанда анчамунча камчиликларимизни бартараф қилиб олишимиз аниқ. Чунки жойларда хотин-қизлар қўмиталари ташаббуси билан турли баҳслар, фикр алмашувлар, шонру шуаролар, фозилу фузалолар билан учрашувлар бўлиб ўтаяпти. Юракларимиз фаровонликдан, эзгу истаклар рўёбидан янаям кенгаяди ҳали. Қишлоқларимизнинг кўрки, чиройи ортади, дам олиш масканлари, спорт мажмуалари элни чорлаб, юксалтиради.

Сиз эса, Ҳазрати Аёл, ҳамма яхши ишларнинг бошида турасиз. Байрамларнинг тўрига файз тугасиз. Ахир ҳамма яхши кўрган баҳор Сизнинг байрамингиз, Сизнинг кунингиз билан бошланади. Баҳор фақат табиатнинг баҳори эмас, кўнгилларнинг, фикрларнинг, улғайишларнинг ҳам Баҳори ахир. Унинг ёқимлилиги, соғинтиришлари шундандир, эҳтимол. Ҳар ҳолда баҳор Сизга ўхшайди, худди баҳорга гул ярашгандай, сизга гул ярашади.

Замира РЎЗИЕВА.

МАСЛАҲАТ

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

Ўз ҳаётини шарафли ва масъулиятли соҳа – Ватан ҳимоясидек эзгу́ касбга бағишлаган, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишга бел боғлаган ҳарбий хизматчиларимиз доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг эътиборида. Президентимизнинг Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида ҳам ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.

Шуни қувонч билан айтиш лозимки, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш кабиларни таъкидлаш ўринли.

Ҳарбий хизматчиларнинг аризаси ва Мудофаа вазирлигининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига илтимосномаси бўйича ҳарбий хизматчиларга ажратиладиган уй-жой ўрнига уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун бепул асосда ер участкаси белгиланган тартибда берилиши мумкин. Ер участкасини ўзлаштириш даврида икки йилгача бўлган муддатда ҳарбий хизматчилар ва унинг оила аъзолари хизмат квартираси сақлаб қолинади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарорида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳозирги кунда ҳарбий хизматчилардан узоқ муддатли ипотека кредитлари ёрдамида квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари олиш нияти билдирилган аризалар келиб тушмоқда. Тошкент шаҳри ҳудудидаги олий ўқув юртларининг ҳарбий кафедраларида фаолият юритаётган офицер ўқитувчилар ҳам узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари олиш мақсадида уй-жой комиссиясига тегишли ҳужжатларни топширишмоқда. Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари ҳарбий кафедраларининг уй-жой комиссияси ҳарбий хизматчиларимизда бу борада туғилаётган саволларга доимо жавоб бериб боради.

Бир сўз билан айтганда, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича тасдиқланган, 2015 йилгача мўлжалланган давлат дастури доирасида амалга оширилаётган бу чора-тадбирлар давлатимизнинг ҳарбий касб эгаларига ғамхўрлиги ва эътибори ифодасидир.

Майор Қамбарали АЗИЗОВ.

ТЕПКИ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

Тепки – ўткир вирусли юқумли касаллик бўлиб, сўлак безларининг, баъзида эса қулоқ ости, ошқозон ости безлари, тухумдон, уруғдон ва кўкрак безларининг яллиғланиши билан кечади.

Касаллик вируси ўта юқувчан бўлиб, биноларнинг тирқишлари, ҳаво алмашиш йўллари орқали бир неча соат ичида бошқа хонадонларда яшовчи инсонларга ҳам тарқалиши мумкин. Аммо у ташқи муҳит таъсирига чидамсиз. Масалан, хона ҳароратида 4 кунгача сақланади, ультрабинафша нурлари ва зарарсизлантирувчи воситалар эса вирусни тез ўлдиради.

Инфекция манбаи – тепки билан оғриган бемор одам бўлиб, у касалликнинг клиник белгилари пайдо бўлишидан 1-2 кун олдин ҳамда касалликнинг биринчи 5 кунида атрофдагилар учун хавфли ҳисобланади.

Касаллик асосан ҳаво-томчи йўли орқали юқади, йўталганда, аксирганда ҳамда гаплашганда бемор сўлаги билан ташқи муҳитга чиқади, қолаверса унинг сўлаги билан зарарланган буюмлар (идиш-товоқлар, ўйинчоқлар) орқали ҳам вирус юқиши мумкин.

Тепки билан кўпинча ёш болалар касалланади. (Ҳозирги кунда мамлакатимизда бир ёшли ва олти ёшли болаларни тирик вакцина ёрдамида тепкига қарши эмлаш йўлга қўйилганлиги сабабли, болалар ўртасида касалланиш даражаси кескин камайишига эришилган). Унинг келиб чиқиши ва тарқалиши асосан куз ва қиш ойларида кўп кузатилади. Совуқ кунларда, уюшган жамоалар ўртасида (болалар боғчаси, ўқув юртлари ҳамда ҳарбий қисмларда) тез тарқалади. Касалланишнинг мавсумийлигига таъсир этувчи асосий омиллар: ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши, намликнинг юқорилиги, қиш фаслида одамларнинг ёпиқ хоналарда ишлашлари, очиқ ҳавода кам бўлишлари, вентиляциянинг етишмаслиги ва бошқа сабаблардир.

Касаллик соғлом одамга юққандан сўнг унинг белгилари пайдо бўлгунга қадар бўлган давр (яширин даври) 11 кундан 23 кунгача (кўпинча 21 кун) давом этиб, одатда енгил ҳолда, тана ҳароратининг 38-38,5°С гача кўтарилиши, дармонсизлик ва қулоқ ости соҳасида енгил оғриқ белгилари билан кечади. Бунда бемор 10-12 кундан кейин соғайиб кетади. Лекин касалликнинг оғир турларида бўшашиш, уйқусизлик, мускулларда оғриқ, тана ҳароратининг 38-40°С гача кўтарилиши, қулоқ ости безларининг катталашиши ва оғриши кузатилади. Шунингдек, яллиғланиш жараёни танадаги бошқа безларга ҳам ўтиб кетиши мумкин.

Сўлак безларининг яллиғланиши оқибатида оғиз қуриди, овқат еганда, гапирганда қулоқ соҳасида кучли оғриқ сезилади. Агар ўз вақтида даво чоралари кўрилмаса, тепки юрак, қон-томир ва асаб тизимида асоратлар келтириб чиқаради. Энг оғир асоратлардан бири карлик ва бепуштликдир.



Касалликни вақтида аниқлаб, даво чоралари кўрилса, тепки асоратсиз ўтиб, бемор кўпи билан 2 ҳафтада батамом соғаяди. Шунингдек, касаллик аниқланган жамоада бемор билан мулоқотда бўлганлар 21 кун давомида тиббий назоратга олинадилар. Кузатув давомида уларнинг соғлигига шикоятлари сўраб-суриштирилади, тана ҳарорати ўлчанади ҳамда қулоқ ва бўйин соҳалари пайпаслаб текширилади. Касалликда гумон қилинган шахсларни эса дарҳол бошқалардан ажратиб, шифохона шароитида даволаш лозим.

Тиббий хизмат катта лейтенанти Одил КУДАЯРОВ,
Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази бўлинмаси катта врач-мутахассиси.

Безаварийная эксплуатация

ПРЕДУПРЕЖДАЯ ДТП

Вождение в условиях столичных будней имеет свои объективные трудности. Дорожное движение, как и свойственно мегаполисам, характеризуется высокой интенсивностью, перенасыщенностью транспортными средствами. Вот почему военному водителю, учитывая вышесказанное, надо уметь хорошо ориентироваться в любой возникшей ситуации, мгновенно принимать решения по предупреждению дорожно-транспортного происшествия.

Все это требует от человека за рулем досконального знания и строгого следования Правилам дорожного движения, высокой личной ответственности и бдительности. Твердое знание устройства вверенной машины, умение быстро обнаруживать и устранять возможные неисправности является фактором профессионализма водителя. Эти меры гарантируют безаварийную эксплуатацию автомобильной техники.

– Среди водителей, которые по итогам первых месяцев добились образцовых результатов безаварийной эксплуатации вверенной автомобильной техники подразделения, могу назвать младшего сержанта Акмаля Жавгарова, служащих Вооруженных Сил Бахрома Зокирова, Саттора Зияева, Бахтияра Бакишева и Улугбека Алиева, – говорит в беседе офицер Ихтияр Худайназаров.

По итогам последнего месяца данные водители за безаварийную эксплуатацию техники, содержание ее в образцовом состоянии завоевывали передовые позиции и были поощрены командованием, что, несомненно, придало новый импульс, стимулируя здоровую конкуренцию у водителей.

Немаловажную роль в успехах данного подразделения по итогам безаварийной эксплуатации автомобильной техники послужило и наличие качественной учебно-материальной базы подготовки водительского состава. Например, класс инструктажа водителя насыщен наглядной информацией, плакатами по правилам дорожного движения, что, безусловно, помогает закреплению знаний и доведению всех навыков до автоматизма.

В целях профилактики дорожно-транспортных происшествий здесь регулярно проводятся инструктажи водителей, выходящих в рейс, включая владельцев личного автотранспорта. Каждый водитель подвергается тщательному медицинскому осмотру непосредственно в части.

Немало значит в деле обеспечения безаварийной эксплуатации и строгий контроль, который проходят автомобили перед выходом в путь на КТП парка. Значительную методическую и практическую помощь им оказывают сотрудники ХАН Ташкентского гарнизона.

В коллективе стала хорошей практикой организация встреч водительского состава с представителями органов ХАН, Управления безопасности дорожного движения г. Ташкента.

На состоявшемся лектории ответственные работники столичного УБДД Баходир Зиявуддинов и Назим Рахимов рассказали аудитории о проводимых мероприятиях, направленных на снижение ДТП. Значимый акцент в ходе дискуссии был обращен на ход реализации задач в свете Постановлений Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по обеспечению безопасности дорожного движения», «О мерах по обеспечению безопасности водителей и пассажиров транспортных средств», Закона «Об обязательном страховании гражданской ответственности владельцев транспортных средств». Безусловное соблюдение требований нововведенных норм, отраженных в Правилах дорожного движения, имеют единую цель: обеспечить максимальную безопасность граждан на дороге.

Представитель ХАН Ташкентского гарнизона майор Равшан Таджибаев в ходе своего доклада представил примеры отдельных случаев ДТП, имевших место за отчетный период. Показы и комментарии к снимкам с мест ДТП свидетельствовали о последствиях несоблюдения скоростного режима, вождения автомашины в нетрезвом виде, игнорировании знаков и сигналов светофора, разговора по мобильному телефону во время вождения, неисправности транспортного средства.

Необходимо помнить, что у человека, управляющего транспортным средством, имеются не только права, но и обязанность: строго следовать Правилам дорожного движения. Это гарантия собственной безопасности водителя и жизни окружающих.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».



ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ХИЗР КЎРГАН БОЛА

Хизматим ҳам охирлаб қолди. Бугун дадамдан хат олдим. Қувониб кетдим. Дадамни жуда соғинганман. Шоша-пиша хатни очиб кўз югуртира бошладим. Аҳволларимни сўрабдилар, дўстларимга салом айтибдилар. Хуллас, одатдаги, аммо кўнгилга яқин гаплар. Охирини ўқий туриб, кўзим тиниб кетай деди: « Кеча Хизр буванг 90 ёшларида оламдан ўтдилар. Мени кечир, бу шумхабарни ёзишни истамасдим. Аммо сен энди кап-катта йигитсан. Мулла бувангни қанчалик ардоқлашингни мен жуда яхши билардим. Ўғлим, у киши жуда яхши яшадилар. Чуқур қайғуга берилма, илтимос. Мен у инсондан беҳад миннатдорман, ўзимни ҳамиша у киши олдида қарздор деб биламан. Бунинг сабабини сен ҳаммадан кўра яхшироқ биласан...»

Хатнинг давомини ўқишни истамай қолдим. Ғижимлаб чўнтагимга тиқдим. Ётоқхонамизнинг орқаси қуюқ дарахтзор. Ҳеч кимга билдирмай секин ўша томонга кетдим. Кўздан нари бўлган улкан дарахт орқасига ўтиб ўтирдим. Ичимдан ихтиёрсиз йиғи бўғиб келди. Бошимни тиззаларим устига қўйганча ҳўнграб йиғлаб юбордим. Энтикиб йиғлаганим сари анча енгил тортдим. Ўзимга келиб, энди турмоқчи бўлган эдимки, кимдир елкамдан тутди. Командиримиз Азамат ака экан. Унинг ўткир нигоҳларидан ҳеч нарса пинҳон қолмайди-да. Йиғлаганимни сезиб қолган бўлса-я, деб ўйлаб хижолат тортдим.

– Хатни олиб ўқий бошлаганингдаёқ кўзим сенга тушганди, – деди у одатдаги вазмин овози билан. – Нима гап, кўринишингдан тинчликка ўхшамайди. Бирор ёрдамим тегиб қолар-а?

– Дадамдан хат олдим. Хизр бувам оламдан ўтибдилар.

– Дадангни оталарими?

– Йўқ, у киши билан ҳеч қандай қариндошчилигимиз бўлмаган.

– Унда нега бунчалик хафа бўлдинг?

– Бу жуда узун ҳикоя.

– Гапиравер, мен сенинг ҳикоянгни тинглашга тайёрман, – Азамат ака шундай деб бемалол дарахт тагига ўтирди ва менга ёнидан жой кўрсатди.

Кичкинтой Шукуржон ойиси билан бобосиникига келганидан жуда хурсанд эди. Аммо негадир бундан ойиси қувонмасдида. Болакай ойисининг йиғидан қизарган кўзларини кўриб қолганида бирданига дадасининг олдига кетгиси келиб қоларди. Улар бобосиникига олис қишлоқдан машинага ўтириб келишганди. Ойиси ўшанда ҳам йўл бўйи йиғлаб келган. Бугун ҳам боғ четида катта йўлга маъюс термулиб қолган онасини кўриб, дадасини қўмсади.

– Ойижон, дадам қачон келадилар, мен уларни соғиндим, – шундай деб Шукуржон ойисининг пинжига тиқилди.

Ойиси унинг ипакдек майин сочларини силаб туриб зўрға деди:

– Билмадим, болажон, билмадим, балки умуман келмас...

Болакай қўрқиб кетди ва жонҳолатда сўради.

– Нега билмайсиз, ахир мен дадамни соғиняпман, – шундай деганича ер тепиниб йиғлаб юборди. Онаси ҳам тўлиб турган экан, боласини қучоқлаб, пиқ-пиқ йиғини бошлади.

– Ие, ие, бу нима йиғи-сиғи, – қўшни боғдан оппоқ яктакларини ҳалпиллатиб Сиддиқхон бобо чиқиб келди ва Шукуржонни онасининг қучоғидан ўзига қараб тортди. Онаси ҳам у кишини кўриб шоша-пиша кўз ёшларини артди-да дарҳол салом берди.

– Дадасини сўрайвериб, одамни қон қилиб юборади, бу бола, – деди онаси ўзини оқлагандек бўлиб.

– Энди қайтмас эканми, қизим? – сўради ҳамдардлик билан бобо.

– Ўшани деб ота-онасидан ҳам кечиб кетди, мулла бобо. Мен эса яна юклиман, – шу гапларни айта туриб аёлнинг кўзларида яна ёш айланди.

– Сабр қил қизим, бир куни эсини йиғиб олади-да, ўзи қидириб келади сизларни. Қани полвон, сен юр мен билан, иккаламиз бир мириқиб шафтолихўрлик қиламиз.



Шу-шу бўлди-ю, Шукуржон Сиддиқхон бувасининг боғидан бери келмай қолди. У ота соғинчини ҳам унутгандек эди гўёки. Сиддиқхон бобони қишлоқда катта-ю кичик мулла бобо деб чақирар эди. Болакай ўзининг камгап бобосидан кўра кўпроқ қўшниси мулла бобога ўрганиб қолди. Бобонинг қизиқарли эртаклари роса кўп эди. Унга айниқса, Хизр бобо ҳақидагилари кўпроқ ёқарди.

– Мулла бобо, уни ростдан ҳам кўрса бўладими?

– Кимни айтаяпсан, полвон? – болакайнинг саволларидан гоҳ завқланиб, гоҳ ўйланиб сўрайди чол.

– Хизр бувани-да!

– Албатта, аммо бу ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди.

– Менга-чи, менга насиб қиладими?

– Бу сенинг нима сўрашингга боғлиқ, – шундай деб болакайга синчиклаб қарайди. Шукуржон миттигина муштчаларини иягига тираганича катталардек ўйланиб қолди.

– Полвон, сен уни жудаям кўришни хоҳлаяпсанми, – сўради бобо ундан.

– Жудаям хоҳлардим... – жимиб қолди болакай,

– Борди-ю, кўриб қолсанг, нимани сўрардинг? Болакай бирдан жонланди. Кўзлари чақнаганича деди:

– Мен ундан дадам тезроқ келиб бизни олиб кетишларини сўрардим, – шундай деди-ю, яна маъюсланиб қолди. – Бувимни соғиняпман, уйимизни, олапар итимизниям соғиндим. Ҳаммадан кўпроқ дадамни соғиндим. Мулла бобо, агар яхши бола бўлсам, Хизр бува боғимиздан ўтадими?

Мулла бобо бир зум ўйланиб турди-да, сўнг ишонч билан деди:

– Ўтади, албатта ўтади, бугун бизникида қол, супада гаплашиб ётамиз, эрта тонгда у сени йўқлаб келади. Ухлаб қолмасанг бўлгани.

– Сиз буни қаердан биласиз?

– Чунки сен дунёдаги энг ақлли ва энг яхши боласан.

Шукуржон мулла бобосининг сўзларидан мамнун илжайди. Икковлари супага жойлашдилар. Тонг ғира-ширасида болакайни кимдир меҳр билан уйғотди. У кўзларини зўрға очди ва ... унинг қаршисида мулла бобоси таърифлаган оппоқ кийимли нуроний Хизр бува жилмайиб турарди. Болакай унга қараб талпинди ва тиззаларидан қучоқлаб олди:

– Бобожон, мен дадамни соғиндим, улар келиб бизни олиб кетишсин, бобожон...

– Хўп-хўп, албатта, фақат сен йиғлама, даданг албатта келади, – шундай деб Хизр бува болани ўзидан зўрға ажратиб, шоша-пиша уй орқасига ўтиб кетди.

Боланинг йиғисидан айвонда ётган кампир уйғониб, хавотир билан ҳовлиққанича унинг олдига келди:

– Момонг айлансин, полвоним, нимадан қўрқдинг?

– Моможон, мен ҳозиргина Хизр бувани кўрдим, – деди болакай йиғидан энтикканича кампирни жажжи қўлчалари билан қучоқлаб. Шу пайт қўлида офтоба билан мулла бобо ҳам пайдо бўлди.

– Отаси, шу ривоятларингиз ҳам бор бўлсин-эй, гўдаккинанинг тушларига ҳам кириб чиқаяптими дейман, – жавранди кампир.

– Мулла бобо, мен ростдан ҳам уни кўрдим, – боланинг уйқуси батамом ўчганди.

– Сен унга тилагингни айтдингми?

– Ҳа-ҳа, айтдим, энди дадам бизни олиб кетадилар-а, – сўради Шукуржон бобога умидвор термулиб.

– Албатта келади, – деди у ҳам ишонч билан. Эрталаб болакай шоша-пиша нонушта қилди-ю, ойисининг олдига югурди. Йўл-йўлакай мулла бобосига дадаси уни қидириб келганида онасининг олдида бўлиши кераклигини айтиб улгурди.

...Катта йўл бошида кутавериб, чарчаган бола секин орқасига қайтди. Узоқдан келаётган машинага қарашга ҳам ҳафсала қилмади. Наҳотки Хизр бува алдаган бўлса? Дадам келмадилар... Итнинг ҳургани эшитилди. Олапар ити ёдига тушиб, беихтиёр ортига қаради... Олапар-ку, орқасидан... Дадажон... Болакай отаси бағрига отилди. Машинадан оқсоқланганича Сиддиқхон бобо тушиб келди. Шукуржоннинг қувончи чексиз эди. У отасидан бошқа ҳеч кимни кўрмас, сезмас эди. Мулла бобосининг оқсоқланганини билмади ҳам.

Орадан йиллар ўтиб, Шукуржон оқ-қорани таний бошлаганида отаси унга Хизр бува воқеасини ошкор қилди. Ўшанда мулла бобо Хизр бува бўлиб кўрингач, жонҳолатда кўздан ғойиб бўламан деб, уй орқасидаги ариққа тушиб кетган ва оёғи қаттиқ зарб еган экан. Оёғи қаттиқ оғриб туришига қарамасдан ўша куниёқ Шукуржоннинг дадаси олдига бориб оталарча панду насиҳатлар қилиб, уни оиласи бағрига қайтарган эди.

– Ўғлим, – деганди у, – сен Шукуржон учун ҳам қайт. Бир кун келиб мендек мўйсафиднинг бу ишидан қувонасан, у бир йигит бўлсинки, пешонаси ярқираган бола, ҳамма яхшиликларни фақат сенга боғлаб, сени кутаяпти...

Оиласи бағрига қайтиши учун йўл тополмай турган йигит учун Сиддиқхон бобо халоскордек бўлди, гўё. Бошим гина-ю таъналардан чиқмай қолади деб ўйлаб, қаттиқ янглишганини сезди. Уни қувонч билан кутиб олдилар ва ҳеч ким ҳеч қачон унинг хатосини қайтиб эсламади. У буларнинг барчаси учун гўдак ўғлидан, яна «Хизр бува»дан ҳам миннатдор эди.

– Ҳа-а, қандай оқил инсон экан-а, ҳикоянги эшитиб, Хизр бувага менинг ҳам ҳурматим ошди, – деди Азамат Шукурнинг елкасига қоқиб қўяр экан. – Тан олиш керак, сенда ўша меҳрибон ва танти одамларнинг тарбияси кўриниб туради. Анча енгил тортдинг, юр энди, машғулотларга кеч қолмайлик.

Икковлон дадил қадамлар билан ўқув биноси томон йўл олишди.

Назокат ҲОДИРШОҲОВА.

НОН ВА ҲАЁТ

«Кўпдан буён аёнки, биз ғоят ажойиб воқеаларга ҳам бефарқ қарайдиган бўлиб қолганмиз. Чунки булар кундалик воқеаларга айланиб қолгани учун ҳам шундай қиламиз. Ахир бўрсилдоққина пишган бугдой нонни синдириб еяётганда, мана шу неъмат ҳам инсоният донолигининг буюк кашфиётларидан бири эканлиги ҳамманинг ҳам ёдига келавермайди», – деб ёзган эди буюк табиатшунос олим. Дарҳақиқат, нон – инсониятнинг улуғ кашфиёти. Унинг улуғлигининг энг биринчи сабаби – тўйимли озуқа эканлигида. Шу боисдан ҳам ҳаммамиз нонни эъзозлаймиз. Ерга тушган ушоғини ҳам кўзимизга суриб тўтиё қиламиз. Аслида нонинг вужудга келиш тарихи ҳам ўзи каби ажойиб ва ғаройибдир. Балки унинг азизлиги ҳам шундадир.

Кенг далада Буғдой билан Какра бирга ўсарди. Буғдойзорда ўроқ бошланди. Какра Буғдойга ачингандек бўлиб дебди:

– Фарзандни бошга кўтарганнинг аҳволи шу. Ўзингни ўйламадинг, мана энди нима қиласан, илдизинг ҳам йўқ. Энди келажагинг нима бўлади? Мени ҳам сенга қўшиб ўришаяпти. Аммо мен қўрққаним йўқ. Чунки илдизим ерда қолаяпти. Шу боис келаси йил албатта бош кўтариб чиқаман.

Буғдой эса индамади. Йўқ, қўрққанидан эмас. Унинг гапига парво қилмаганини билдириш учун индамади. Ёзнинг иссиқ кунларида айни пишиб, олтинрангга кирган буғдойни ўрдилар.

Уни хирмонга келтириб ҳўкизлар оёғи остига ташландилар ва унинг бошини янчиб донларидан ажратишди. Жуда кўп дон йиғилди. Шунда хирмонга йиғилган оломон уни қопларга солиб от араваларда аллақаёқларга олиб кетдилар. Шунда ҳам буғдой индамади. Чунки бу жараён унга ҳар йили такрорланган учун ҳам таниш эди...

Айни қишнинг қаҳратон кунларининг бирида уни иссиқ жойидан қўзғатишди. Яна араваларга ортиб тоғ яқинидаги сой бўйига қурилган лойсувоқ кулбага олиб боришди. Бу ердаги сувнинг ва ғичирлаётган каттакон тошнинг шовқинига унинг қулоқлари битгудек бўлди. Бир чапдастгина йигит келиб қопларни бирин-кетин аллақандай қудуққа ўхшайдиган хирмонга ағдара бошлади. Қоплар бўшаганидан кейин аввалига ғичирлаган ёғоч товуши эшитилди ва хирмон ичидаги буғдой донлари айлана бошлади. Шунда буғдойга уни эзиб янчиётган тош сўз қотди:

– Эй буғдой, сени минг йиллардан буён янчамиз. Номингдан ҳатто нишон ҳам қолмайди. Сени янчишга бизни одамлар мажбур қилишади. Раҳмимиз келади. Аммо на илож, биз ўз ишимизни қилишимиз керак. Аслида бизга сендан ҳеч наф йўқ. Чунки ён-атрофимизга қўнган гардларингни ҳам супуриб кетишади. Сенинг норози «ғичир-ғичиринг» бизни адойи тамом қилади. Ўрнимизга бошқа тошни олиб келиб алмаштиришади. Сен эса ҳеч қачон тамом бўлмайсан. Бунинг боиси нима?

Унинг гапларини эшитган буғдой шундай деб жавоб берибди:

– Хафа бўлмасанг, бир гап айтаман. Сен лоқайд ва дангасасан. Сени тегирмончи келиб қўзғатмаса ётаверасан. Қўлга олиб отсалар, бош ёрасан, кўз чиқарасан. Менга айтган гапларингдан тушундимки, бу ерга сени йўниб, тарашлаб олиб келишган, оғиримизни енгил қилсин деб. Сен ҳиссизсан. Чунки мени унга айлантираётганингда роҳатланиб куйлаганимни сен «ғичир-ғичир» деб ўйлаяпсан. Сен мени бошоқларимдан айириб, майдалаганлар эртага менга ҳаёт бағишлашларини билмайсан. Биласанми, мени бошқа ўсимликларга ўхшаб баҳорда эмас, улардан анча олдин, кузда экиб эъзозлашади. Кўрдингми, одамлар менинг яшашим учун куздаёқ ерни текислаб шудгорлайдилар. Куз офтобида обдон пиширишади. «Ер бағрига қаттиқ ботмасин», деб молалайди. Эрта баҳорда мени ерга меҳр билан сепадилар. Баҳор қуёшининг сахий нури заминни илитади. Бу нур менинг танамга жон бағишлайди ва мен яна ердан бош кўтараман. Кўкламда эса аллақачон кўм-кўк майсага айланган бўламан. Ана шундай қилиб худди инсонлар каби туғиламан. Майин оромбахш шабадалар мени беланчакка солиб тебратадилар. Худди меҳрибон оналар сингари. Мен эса табиат меҳридан яралган фарзандларимни бошимга кўтараман. Фарзандларим эса ҳаётимнинг давомчилари. Улар инсонларни тўйдиради, уларга лаззат бахш этади. Мен эса бундан бахтиёр бўламан. Шуни унутмагинки, бошқаларга яхшилик қилмай, яхшилик кутиш нодоннинг иши. Сен ҳам бунга амал қилсанг, кам бўлмайсан. Мана менинг тамом бўлмаслигимнинг боиси.

У жуда камтар эди. Бўлмаса, айтмасмиди ун бўлиб қопга тушишини, хамир бўлиш учун одамлар унга иссиқ сув қуйишини, туз ва ачитқидан бағри шишишини, ошгандан кейин нон шаклига келтирилиб юзини чакич билан ўйишларини, лаҳча чўққа айланган тандирга ёпиб пиширишларини, пишгандан кейин эса дастурхонга қўйиб бурда-бурда қилинишини. Ва ниҳоят, буғдой-ун, хамир-нон, нон эса ҳаёт эканлигини...

Гулнора МУРОДОВА.

ТУРФА ОЛАМ

БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?!

Бремен шаҳрида бўлиб ўтган қуёнлар кўргазмасида Вухань Руди лақабли узунқулоқ жонивор дунёда энг момиқ қуён деб тан олинди. Унинг вазни 9 килограммга яқин, бўйи эса орқа оёқларида тик турганида бир метр келади. Одатда, асосан мўйнаси учун етиштириладиган қуёнларнинг вазни беш килограммдан ошмас эди. Рудининг хўжайини Вагнернинг айтишича, бунда ҳеч қандай сир йўқ. У жониворга кўпроқ салат берган, холос. Аммо салат семиртирувчи егулик ҳисобланмайди. Қизиғи, қуён ҳамон семиришда давом этмоқда. Ёки гап мутациядамикан-а?...

●

Керале қишлоқ хўжалиги университети (Ҳиндистон) генетика лабораторияси ходимлари пакана сигирлар зотини яратишди. Уларнинг бўйи 90 сантиметрдан ошмайди. Янги зот сигирлар касалликларга чидамли бўлиб, кам ем-хашак истеъмол қилади. Ҳар куни икки ярим литргача серёғ сут беради. Маълумки, ҳиндлар сигирларни муқаддас жонивор деб ҳисоблашади.

Янги зотдаги сигирларни бир мунча кўпайтиришга ҳам муваффақ бўлинди. Ҳозир уларнинг сони юз бошга яқинлашди.

●

Томас Бреер бошчилигидаги ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти ходимлари Конгодаги миллий боғда горилларни кузатишаётган эди. Улар Лиа лақабли она горилла нариги қирғоққа ўтиш олдидан калтак ёрдамида сув ҳавзасининг чуқурлигини ўлчаб кўрганига гувоҳ бўлишди. Сувнинг ўрталарига борганида у анҳорнинг чуқурлигини кўриб, болаларининг олдига қайтиб келди. Тадқиқотчилар илгари горилла сувнинг чуқурлигини аниқлаш учун ёрдамчи воситалардан фойдаланганлигини пайқашмаган эди.

Япониялик олимлар эса турли ҳудудларда яшовчи маймунлар турлича «шева»ларда мулоқот қилишларини аниқлашди. Киото университети қошидаги илмий-тадқиқот институти этнологлари турли хил макакаларнинг овозларини ўрганишди. Шунда Якушима оролида яшовчи макаканинг овози Марказий Японияда яшовчи маймуннинг товушидан баланд эканлиги маълум бўлди. Олимларнинг тахминича, оролда яшовчи жониворлар ўрмонда дарахтлар тиғиз ўсганлиги боис ўзаро баланд овозда, қичқириб «гаплашиш»га мажбур бўлишар экан.

●

Берлин институтларидан бирининг биолог олим, профессор Мэтью Харрис тишларидан айрилган қушларга нисбатан бўлган эволюцион шафқатсизликни бартараф этишни мақсад қилди.

Археологларнинг тасдиқлашича, бундан миллион йиллар аввал қушларнинг ҳам ҳайвонлар сингари кучли жағ тишлари бўлиб, ўлжасини тишлаб, чайнаб-чайнаб ҳазм қилган. Аммо даврлар ўтиб, қушларда тишга бўлган эҳтиёж йўқола борган. Эндиликда улар ошқозондаги емишни майдалаш учун майда тошчалар ва шиша синиқларини ютади.

Институт ходимлари жўжаларнинг икки ҳафталик эмбрионларини махсус моддалар билан қориштирдилар ва маълум вақт ўтгач, бир неча тишли жўжалар етиштиришга эришдилар. Харриснинг айтишича, улар тишлари нима учун кераклигини дарров тушунишган ва егуликни чайнаб истеъмол қилишяпти.

«Агарда, – дейди Харрис, – кучли мутация таъсир қилса, осмонда худди динозаврлар даврида бўлганидек, жағли-тишли йиртқич қушлар пайдо бўлиши мумкин».

САБАБИ АНИҚЛАНДИ

Тадқиқотчилар сўнгги муз даврида иқлимнинг кескин исиб кетиш сабабини аниқлашди. Nature журналида олимларнинг бу борадаги илмий изланишлари хусусида мақола чоп этилди.

Тадқиқотдан асосий мақсад бундан 15-13 минг йил муқаддам ҳукм сурган сўнгги муз даврининг иккинчи ярмида иқлимнинг кескин ўзгариб кетиши сабабларини ўрганиш эди. Таъкидлаш ўринлики, мазкур оралиқ даврда Шимолий Атлантикада сувнинг шўрлик даражаси бир неча марта ўзгариб турган, шунингдек, Гренландиядаги ўртача ҳарорат даражасида ҳам жиддий ўсиш юз берган (ҳарорат Цельсий бўйича 16 даражага етган).



Денгиз оқимларининг иқлим ўзгаришида етакчи роль ўйнаши мумкинлигини олимлар аллақачон тахмин қилишганди. Мазкур гипотезани янада аниқлаштириш учун олимлар ўша давр иқлимининг компьютер моделини яратишди. Тадқиқотчилар бунинг учун океан оқимларининг ҳозирги бўлинишларини олишди ва ҳароратни муз давридаги кўринишга туширишди. Шундан кейин тадқиқотчилар моделга керагидан ортиқча чучук сувни қўшиб, мавжуд бўлган геологик маълумотларга тўлалигича мос келувчи иқлим ўзгаришини кузатишди.

Олимларнинг фикрича, ўша даврда Евроосиё ва Канадани қоплаб олган музликлардан ажралиб чиққан айсберглар чучук сув манбаси бўлган. Сўнгги тадқиқот натижалари ҳам оқимлар иқлим ўзгаришида муҳим роль ўйнашини тасдиқлади.

ЙИҒЛАШ ҚАНЧАЛИК ФОЙДАЛИ?

Кўз ёш тўкаётган инсонни кўрганимизда кўпчилигимизнинг кўнглимиз ғаш бўлади. Ундаги тушкун кайфият бизга ҳам ўтиб, маҳзун бўлиб қоламиз. Хўш, аслида йиғлаш киши соғлигига қандай таъсир қилади?..

Йиғлашнинг физиологик нуқтаи назардан фойдалари талайгина. Буни мутахассислар эътироф этишган. Колумбия университетида «Генетика ва кишиликнинг тараққиёти» деб номланган мавзу бўйича ўтказилган илмий анжуманда профессор Эшли Монтегю йиғи киши ҳаёти учун муҳим омиллардан бири эканини тасдиқлади.

Олимнинг эътироф этишига кўра, инсон наслини давом эттириб келувчилар йиғлай олиш қобилиятига эга бўлганлардир. Профессор бу фикрларини гўдаклар устида ўтказган кузатиш ва тадқиқотларидан олинган таҳлиллар билан исботлайди.

Кўз ёши, одатда, чақалоқ дунёга келгач, олти ҳафталик бўлганида пайдо бўлади, – дейди у. – Лекин биз биламизки, гўдаклар бу давргача ҳам тинмай йиғлайдилар. Бироқ унинг бу йиғисида ёш бўлмайди. Чақалоқнинг бу даврдаги қуруқ йиғиси унга нафас олиш ва нафас чиқаришга ёрдам беради.



Энг эътиборлиси, бу «йиғи» чақалоқ бурнининг пардаларини қотиради ва шу билан ҳар хил юқумли касалликлар бактерияларининг бола ичига «йўл олиши»ни «тақиқлайди».

– Бундан ташқари, кўз ёши оддий сувдан иборат эмас, – дейди Монтегю. – Унинг таркибида микробларни ўлдирувчи «лицоцим» моддаси мавжуд. Бу модда кўзни жуда яхши дезинфекция қилади. Шу боис одамнинг кўзида деярли микроб бўлмайди.

Мансур СОБИРҚУЛОВ тайёрлади.

ШАМОЛ «РЕКЛАМА»СИ ВА ДАРОМАД

Ҳайкалтарош Петрик Бремер ёғочдан бир неча юз баробар катталаштирилган турли ҳашаротларни ўйиб ясайди. Унинг ўймаларидан улкан чумолилар, ўргимчаклар, ниначилар, чаёнлар, қирқоёқлар ва шунга ўхшаш ҳашаротлар ҳосил бўлади. Ноёб ёғочлардан фойдаланган учун Бремер ясаган нарсаларига ўзига хос табиийлик ҳамда эластиклик бахш эта олади. У яқинда ўзининг «ҳашаротлари»ни Мексика шаҳарларидан бирида намойиш қилиш учун олиб келди. Ҳайкалчаларни кўргазма зали эшиги олдига тушираётганларида кучли шамол кўтарилди. Натижада чумолию қирқоёқ, ниначию чаёнлар бўрон билан осмонга кўтарилди. Улар шаҳар кўчаларидан унча баланд бўлмаган юқориликда учишди. Уларнинг кўриниши шу даражада ғайриоддий эдики, одамлар чинакам ваҳимага тушиб, ўзга сайёраликлар учиб келяпти, деб ўйлашди. Полиция ва телевидение жуда катта қийинчилик билан уларни тинчлантиришди. Кўргазма очилганидан сўнг эса уни шаҳарликларнинг деярли барчаси келиб томоша қилишди.



Натижада бундан тушган даромад шунчалик катта бўлдики, ҳайкалчалар муаллифи ҳам, ташкилотчилар ҳам жуда хурсанд бўлишди.

БАЙРОҚЛАР ХАБАР БЕРАДИ



Швейцариянинг Деникон шаҳри ҳокимияти биноси олдида байроқ ўрнатилган учта баланд ёғоч устун қад кўтариб турибди. Улар мазкур шаҳарда янги фуқаро туғилганини маълум қилади. Агарда ўнг томондаги байроқ кўтарилса, шаҳарда ўғил бола дунёга келганидан дарак беради. Ўртадаги байроқнинг кўтарилиши билан шаҳар аҳолиси бир қизалоққа кўпайганидан хабар топади. Чап томондаги байроқ эса бирмунча кам кўтарилади, чунки унинг вазифаси эгизаклар туғилганидан хабардор этиш. Лайлак рамзи туширилган бу хабарчилар янги туғилган чақалоқларни уч кун шарафлаб ҳилпирайди.

АНТИҚА ОШҚОЗОН



Францияниng Гренобль шаҳрида яшовчи Мишель Лотито қирқ уч йилдан буён фақат металл ва ойна парчаларини еб умр кечиради.

Мутахассислар ҳақиқатан ҳам бу жаноб бир кунда 900 грамм металл ва ойна бўлакларини истеъмол қилишини исботладилар. Қизиғи шундаки, Мишелнинг ошқозони тухум, гуруч, балиқ, банан ва бошқа мева, сабзавотлардан тайёрланган овқатларни ҳазм қилолмайди. Бу ғаройиб инсоннинг жумбоғини ечиш учун жуда кўп тиббиёт мутахассислари уриниб кўрдилар. Аммо бу сирни ҳалигача ҳеч ким еча олгани йўқ.

Ф. АЛИЕВА тайёрлаган.

TV ДАСТУР

16 МАРТ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий сериал: «Юсуф ва Зулайҳо».
7.40 «Икки дарё оралиғида».
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайёраси».
9.40 «Изҳор».
9.45 «Болалар дунёси».
10.05 «Покахонтас».
11.00 «Ахборот».
11.15 «КиноТеатр».
11.40 «Бир ўлка-ки...»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий кино: «Пари момо».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ватанпарвар».
15.00 «Маънавият» дастури.
16.00 «Икки дарё оралиғида».
16.25 «Бир кун».
16.50 «Наврўз наволари».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ҳаёт ва қонун».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Чақмоқ чақнаган тунда». Фильм.
18.35 «Олтин мерос».
18.50 «Очун».
19.00 «Камолот остонаси».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
20.45 «Ватанимни қуйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Парламент вақти».
21.50 «Қиш сонатаси».
23.00 «Иқлим».
23.05 «Мерос». Фильм.
00.25 «Ватанпарвар».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Kinomaniya».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 «Умр манзаралари».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Бир ўлка-ки...»
05.50 Тонги наволар.

ЁШЛАР

14.00 «Камолот».
14.10 «Келажак эгалари».
14.20 «Қишлоқдаги қадрдон».
14.30 «Афсона ва ҳақиқат».
15.20 «Олтин тупроқ».
15.30 «Ёшлар баҳори».
15.35 «Ўзбегим матолари».
15.55 «Юртим юраги».
16.00, 19,00, 22.00 «Давр».
16.10 «Келажакка интилиб».
16.25 «Миллий мерос».
16.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
16.55 «Илҳом қанотлари».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.35 «Сумалак, сумалак!»
18.40 «Хисор тоғларида».
18.55 «Кўклам парвози».
19.30 Миллий сериал: «Меҳмонжонлардан айланай».
20.10 «Навбатчи».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Кўклам навоси».
20.45 «Жумонг».
21.55 «Тошкент оқшоми».
22.30 «Табассум қил!»
22.40 «Етти гўзал».
23.00 «Ҳаёт-мамот».
23.45 «Юрт тинчлиги».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультсериал «Сеними, шошмай тур!»
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкент—2200».
18.25 «Анонс».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Анонс».
18.55 «Эсмеральда». Телесериал.
19.20 Бизнес-«Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.45 «Анонс».
19.50 «Саломат бўлинг» (рус.).
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
20.25 «Милагрос» (рус.).
20.55 «Интервью» (рус.).
21.05 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Анонс».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.15 «Лёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
22.50 Кино: «Путешествие к центру земли».

СПОРТ

7.00 «Талқин».
7.30 Интерфутбол.
9.00 «Версия».
9.30 «Малахов +».
10.20 Белбоғли кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
10.50 Футбол. Чемпионат Италии. «Интер» — «Фиорентина».
12.25 «Профринг».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.50 «Сайис». Хужжатли фильм.
19.10 «Азия лото».
19.45 Теннис.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.50 Интерфутбол.
23.25 Конькобежный спорт.
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

17 МАРТ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий сериал: «Юсуф ва Зулайҳо».
7.40 «Икки дарё оралиғида».
8.00 «Ахборот».
8.35 «Олам ва одам» дастури: «Коинот».
9.25 «Изҳор».
9.30 «Ўйла! Изла! Топ!»
10.35 «Эзгулик».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Умр манзаралари».
11.50 «Ахборот» (инглиз).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Қиш сонатаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.00 «Маънавият» дастури.
16.00 «Икки дарё оралиғида».
16.25 «Тезкор хабарлар».
16.40 «Камолот остонаси».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ҳудудлар ҳаёти».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «ТВ-бизнес хабарлари».
18.00 Миллий кино: «Алпомиш». 1-қисм.
18.40 «Наврўз наволари».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Навоийни англаш».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 «Умр манзаралари».
20.45 «Соз сеҳри».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Ўғрини қароқчи урса...»
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Қиш сонатаси».
23.10 «Иқлим».
23.15 «Мерос». Фильм.
00.15 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 «Умр манзаралари».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Навоийни англаш».
05.50 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00, 13.30 «Ёшлар майдони».
7.30 «Мультипанорама».
7.40 «Каминанинг оиласи».
7.55 «Зумрад баҳор».
8.00, 19.30 «Меҳмонжонлардан айланай».
8.35 «Рақслар гулдастаси».
8.40 «Yoshlar-FM».
9.00, 17.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Навоий набиралари».
9.20 «Капалаклар». Фильм.
9.55 «Ассалом, Наврўз!»
10.00, 13.00 «Давр».
10.10 «Ошин».
11.00 «Ватанпарвар».
11.40 «Ватан хизматида».
12.00 «Мўъжизавий дунё».
13.10 «Ватаним менинг».
13.25 «Онажон Тошкентим».
14.00 «Чорраҳадаги уй».
14.30 «Афсона ва ҳақиқат».
15.20 «Олтин тупроқ».
15.35 «Ўзбегим дўппилари».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Келажакка интилиб».
16.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.30 «Сувни асранг!»
18.40 «Қишлогимиз қаҳрамони».
20.10 «Келажак эгалари».
20.20 «Автопатруль».
20.45 «Жумонг».
22.30 «Табассум қил!»
22.40 «Уйимдаги фариштам».
23.00 «Ҳаёт-мамот».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультсериал «Сеними, шошмай тур!»
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкент—2200».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.55 «Эсмеральда». Телесериал.
19.20 Бизнес-«Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Ҳимоя».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
20.20 «Тошкент-2200» (рус.).
20.25 «Милагрос» (рус.).
20.55 «Репортаж».
21.05 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Ягонамсан, Тошкентим!»
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.15 «Всемирный мобильный конгресс-2009». (Специальный репортаж из Испании). 2-я часть.
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
22.50 Кино: «Ты песня моя».

СПОРТ

7.00 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
7.20 Интерфутбол.
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.25 «Малахов +».
10.20 «Тет-а-тет».
10.30 Белбоғли кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
11.00 «Вилоят спорти».
12.00 Биатлон. Кубок мира.
16.55 Футбол. Осиё чемпионлари Лигаси. «Пахтакор» — «Ал Ҳилол» (Саудия Арабистони).
18.50 «Хабарлар» (рус тил.).
19.10 Юнон-рум кураши. Ўзбекистон чемпионати.
20.10 Теннис.
21.00 «Футбол шарҳи».
21.30 «Хабарлар» (узб. тил.).
21.50 Интерфутбол.
23.25 Футбол ОФК кубоги. «Нефтчи» — «Ал Тилал» (Яман).

18 МАРТ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий сериал: «Юсуф ва Зулайҳо».
7.40 «Икки дарё оралиғида».
8.00 «Ахборот».
8.35 «Олам ва одам» дастури: «Коинот».
9.25 «Изҳор».
9.30 «Зумрад ва Қиммат». Видеофильм.
10.10 «Бизнинг кутубхона».
10.25 «Ҳудудлар ҳаёти».
10.45 «Чорраҳа».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Умр манзаралари».
11.55 «Эски альбом».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Қиш сонатаси».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Рангин дунё».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.00 «Маънавият» дастури.
16.00 «Икки дарё оралиғида».
16.20 «Ҳамон ёдимда...»
17.00 «Ахборот».
17.15 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 Миллий кино: «Алпомиш». 2-қисм.
18.40 «Наврўз наволари».
18.50 «Очун».
19.00 Тошкент—2200. «Саёҳатга марҳабо!»
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.00 ТВ-анонс.ф
20.05 «Умр манзаралари».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ-анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
21.50 «Қиш сонатаси».
23.00 «Иқлим».
23.05 «Мерос». Фильм.
00.05 «Истеъдод».
00.20 «Ҳамон ёдимда...»
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 «Умр манзаралари».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Қишлоқ ҳаёти».
05.50 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00, 13.30 «Ёшлар майдони».
7.30 «Мультипанорама».
7.40 «Каминанинг оиласи».
7.55 «Наврўзи олам».
8.00, 19.30 «Меҳмонжонлардан айланай».
8.35 «Тошкент таронаси».
8.40 «Автопатруль».
9.00, 17.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Яна баҳор!» Мультфильм.
9.20 «Қўнғизчалар». Фильм.
10.00, 13.00 «Давр».
10.10 «Ошин».
11.00 «Рўзғор мактаби».
11.30 «Эверест».
12.00 «Мўъжизавий дунё».
13.10 «Ватаним менинг».
13.25 «Онажон қишлогим».
14.00 «Чорраҳадаги уй».
14.30 «Афсона ва ҳақиқат».
15.20 «Олтин тупроқ».
15.35 «Ўзбегим матолари».
16.00, 19.00, 22.0 «Давр».
16.10 «Келажакка интилиб».
16.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.40 «Қишлоқдаги тенгдошим».
18.55 «Кўклам парвози».
20.10 «Навбатчи».
20.20 «Тасвир ва таассурот».
20.45 «Жумонг».
21.55 «Тошкент оқшоми».
22.30 «Футбол—2009».
23.00 «Ҳаёт-мамот».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 «Эсмеральда».
9.00 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Ҳимоя».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45 «Репортаж».
9.55 «Ўйларим».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.25 «Тошкент—2200».
10.30 «Пойтахт» (рус.).
10.40 «Милагрос» (рус.).
11.10 «Интервью» (рус.).
11.20 «Мысли вслух».
11.25 «Тошкент-2200» (рус.).
11.35 Кино: «Ты песня моя».
17.55 «Сеними, шошмай тур!»
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкент—2200».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.55 «Эсмеральда».
19.20 Бизнес-«Пойтахт».
19.50 «Дурдона».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент-2200» (рус.).
20.25 «Милагрос» (рус.).
20.55 «Интервью».
21.05 «Жозиба».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.15 «Эртамиз эгалари».
22.50 Кино: «Помпей». 1-қисм.

СПОРТ

7.00, 21.00 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
7.20 Футбол. Осиё чемпионлари Лигаси. «Пахтакор» — «Ал Ҳилол» (Саудия Арабистони).
9.00, 18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
9.25 «Малахов +».
10.20 «Тет-а-тет».
10.30 Самбо. Ўзбекистон биринчилиги.
11.10 Футбол ОФК кубоги. «Нефтчи» — «Ал Тилал» (Яман).
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Олимп сари йўл».
18.50 Юнон-рум кураши. Ўзбекистон чемпионати.
19.50 «Спортлото».
20.00 «Зазеркалье побед». Документальный фильм.
20.20 Футбол. Англия чемпионати шарҳи.
21.25 Футбол. Осиё чемпионлар Лигаси. «Ал Шабаб» (БАА) — «Бунёдкор».
23.20 Интерфутбол.

19 МАРТ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий сериал: «Юсуф ва Зулайҳо».
7.40 «Икки дарё оралиғида».
8.00 «Ахборот».
8.35 «Олам ва одам» дастури: «Коинот».
9.25 «Изҳор».
9.30 «Чинор». Видеофильм.
10.35 «Мулкдор».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Умр манзаралари».
11.50 «Ахборот» (инглиз).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Қиш сонатаси».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Одамлардан бири».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.00 «Маънавият» дастури.
16.00 «Икки дарё оралиғида».
16.25 «Ҳаёт манзаралари».
16.35 «Бойсуннинг бир куни».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Маҳалла».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
18.00 Миллий кино: «Алпомиш». 3-қисм.
18.40 «Наврўз наволари».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 Тошкент—2200. «Тарих кўзгуси».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 «Умр манзаралари».
20.45 «Соз сеҳри».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Хонадон».
21.55 «Қиш сонатаси».
23.05 «Иқлим».
23.10 «Мерос». Фильм.
00.10 «Одамлардан бири».
00.30 ТВ-анонс.
00.35 «Хонадон».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 «Умр манзаралари».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Тарих кўзгуси».
05.50 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00, 13.30 «Ёшлар майдони».
7.30 «Мультипанорама».
7.40 «Каминанинг оиласи».
7.55 «Зумрад баҳор».
8.00, 19.30 «Меҳмонжонлардан айланай».
8.35 «Рақслар гулдастаси».
8.40 «Автопатруль».
9.00, 17.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Навоий набиралари».
9.20 «Бизонлар». Фильм.
9.55 «Наврўзи олам».
10.00, 13.00 «Давр».
10.10 «Ошин».
10.55 «Тошкент таронаси».
11.00 «Футбол—2009».
11.30 «Сумалак».
11.50 «Келажак эгалари».
12.00 «Мўъжизавий дунё».
13.10 «Ватаним менинг».
13.25 «Онажон Тошкентим».
14.00 «Чорраҳадаги уй».
14.30 «Афсона ва ҳақиқат».
15.20 «Олтин тупроқ».
15.30 «Кўклам навоси».
15.35 «Ўзбегим либослари».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Тасвир ва таассурот».
16.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.30 «Кўклам навоси».
18.40 «Сувни асранг!»
20.05 «Камалак йўли».
20.45 «Жумонг».
21.55 «Миллий мерос».
22.30 «Табассум қил!»
22.40 «Чемпион».
23.00 «Ҳаёт-мамот».

TV ДАСТУР

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.35, 18.55 «Эсмеральда».
9.00 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Камер оркестрининг концерти».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45 «Интервью».
9.55 «Ўйларим».
10.25 «Тошкент—2200».
10.30 «Пойтахт» (рус.).
10.40 «Милагрос» (рус.).
11.10 «Саломат бўлинг» (рус.).
11.20 «Всемирный мобильный конгресс-2009». (Специальный репортаж из Испании). 2-я часть.
11.30 «Тошкент-2200» (рус.).
11.40 Кино: «Помпей». 1-қисм.
17.55 «Сеними, шошмай тур!»
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкент—2200».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
19.20 Бизнес-«Пойтахт».
19.50 «Иқтисод-ревю» (рус.).
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент-2200» (рус.).
20.25 «Милагрос» (рус.).
20.55 «Интервью» (рус.).
21.05 «Жозиба».
21.50 «Ягонамсан, Тошкентим!»
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.15 «O'zbektelefilm» намойиш этади: «Тоғларда баҳор».
22.50 Кино: «Помпей». 2-қисм.

СПОРТ

7.00 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
7.20 Футбол. Осиё чемпионлар Лигаси. «Ал Шабаб» (БАА) — «Бунёдкор».
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.25 «Малахов +».
10.20 «Тет-а-тет».
10.30 Самбо. Ўзбекистон биринчилиги.
11.10 Интерфутбол.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Спорт салтанати».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.50 Юнон-рум кураши. Ўзбекистон чемпионати.
19.50 Теннис.
20.30 Европа футбол хафталиги.
21.00 «Ринг қироллари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.50 Биатлон. Кубок мира.
22.25 Футбол. УЕФА кубоги. «Шахтер» — ЦСКА.
00.20 Интерфутбол.

20 МАРТ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий сериал: «Юсуф ва Зулайҳо».
7.40 «Икки дарё оралиғида».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Изҳор».
8.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбегим ҳаёти».
9.15 «Бойчечак». Видеофильм.
9.50 «Болалар дунёси».
10.15 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
10.35 «Бекат».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Умр манзаралари».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Қиш сонатаси».
14.00 «Ахборот».
14.15 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Икки дарё оралиғида».
15.00 «Маънавият» дастури.
16.00 «Ўйла! Изла! Топ!»
17.00 «Ахборот».
17.15 «Саломатлик дастури».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.50 «Наврўз наволари».
18.00 «Алломиш». 4-қисм.
18.40 «Байрамингиз кўнгилли ўтсин!»
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 «Умр манзаралари».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Бир ўлка-ки...»
21.50 «Қиш сонатаси».
23.00 «Иқлим».
23.05 «Мерос». Фильм.
00.05 «Бир ўлка-ки...»
00.25 «Бекат».
00.50 «Наврўз наволари».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 «Умр манзаралари».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Бойсуннинг бир куни».
05.50 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00, 13.00 «Ёшлар майдони».
7.30 «Мультипанорама».
7.40 «Каминанинг оиласи».
7.55 «Наврўзи олам».
8.00, 19.30 «Меҳмонжонлардан айланай».
8.35 «Тошкент таронаси».
8.40 «Умр баҳори».
9.00, 17.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Тутиқушлар». Фильм.
9.40 «Қишлоқдаги тенгдошим».
9.55 «Ассалом, Наврўз!»
10.00, 13.00 «Давр».
10.10 «Ошин».
11.00 «Эверест».
11.30 «Уйимдаги фаришта».
11.50 «Қишлоғимиз қаҳрамони».
12.00 «Мўъжизавий дунё».
13.10 «Ватаним менинг».
13.30 «Ёшлар майдони».
14.00 «Чорраҳадаги уй».
14.30 «Афсона ва ҳақиқат».
15.20 «Олтин тупроқ».
15.30 «Наврўз илҳомлари».
15.35 «Ўзбегим матолари».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Тасвир ва таассурот».
16.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.40 «Ўрик гуллаганда».
20.10 «Бугун».
20.45 «Жумонг».
21.55 «Тошкент оқшоми».
22.30 «Табассум қил!»
22.40 «Чемпион».
23.00 «Ҳаёт-мамот».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 «Эсмеральда».
9.00 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Дурдона».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Эртамиз эгалари».
9.55 «Ўйларим».
10.25 «Тошкент—2200».
10.30 «Пойтахт» (рус.).
10.40 «Милагрос» (рус.).
11.10 «Интервью» (рус.).
11.20 «Иқтисод-ревю».
11.30 «Тошкент-2200» (рус.).
11.40 Кино: «Помпей». 2-қисм.
17.55 «Афиша» (рус.).
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкент—2200».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.55 «Дил пайванди». Миллий сериал. 1-қисм.
19.20 Бизнес-«Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент-2200» (рус.).
20.25 «Милагрос» (рус.).
20.55 «Репортаж» (рус.).
21.05 «Жозиба».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.15 «Менинг шаҳрим».
22.50 Кино: «Фериде».

СПОРТ

7.00 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
7.20 Интерфутбол.
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.25 «Малахов +».
10.20 «Тет-а-тет».
10.30 Самбо. Ўзбекистон биринчилиги.
11.10 «Снукер».
12.10 Футбол. УЕФА кубоги. «Шахтер» — ЦСКА.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.50 Юнон-рум кураши. Ўзбекистон чемпионати.
19.50 «Эшкакли қайиқда сузиш». Ҳужжатли фильм.
20.00 «Гол».
20.45 Футбол. Испания чемпионати шарҳи.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.50 Интерфутбол.
23.25 Биатлон. Кубок мира.
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

21 МАРТ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 ТВ-анонс.
7.10 Миллий кино: «Нотаниш полвон». 1-қисм.
7.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Наврўз тонги».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Байрамингиз кўнгилли ўтсин!»
8.50 «Кўкламой». Мусиқий фильм.
9.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Наврўзи олам».
10.00 «Ассалом, Наврўз!» Байрам тантаналари.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Созлар сеҳри».
«Қорақалпоқфильм» маҳсулоти.
13.20 «Очиқ дастурхон».
14.10 Миллий кино: «Тенгалик болалар».
15.25 «Томоша»да Наврўз».
15.55 «Яна баҳор». Мультфильм.
16.20 ТВ-анонс.
16.25 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
17.10 Миллий кино: «Чавандоз».
18.35 ТВ-анонс.
18.40 «Оҳанрабо».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
20.35 «Наврўз наволари».
20.50 ТВ-анонс.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Ассалом, Наврўз!» Байрам тантаналари.
23.40 Миллий кино: «Чимилдиқ».
00.55 «Очиқ дастурхон».
01.40 «Наврўз наволари».
01.50 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
02.35 Миллий кино: «Паноҳ».
05.15 «Оҳанрабо».

ЁШЛАР

НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!
7.00, 13.30 «Ёшлар майдони».
7.30 «Мультипанорама».
7.40 «Каминанинг оиласи».
7.55 «Ўрик гуллаганда».
8.00 «Меҳмонжонлардан айланай».
8.35 «Кўклам навоси».
8.40 «Ўзбегим бешиги».
9.00 «Болалар давраси».
9.30 «Миллий мультфильм».
9.50 «Сумалак, сумалак!»
10.00 «Ассалом, Наврўз!» Байрам тантаналари.
12.00 «Тошкент таронаси».
12.10 «Аразлама». Фильм.
14.00 «Ўзбегим таомлари».
14.20 «Наврўз нашидаси».
14.40 «Камалак йўли».
15.20 «Қадрдон қўшиқлар».
15.30 «Олтин тупроқ».
15.35 «Етти гўзал».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Сумалак базми». Видеофильм.
17.10 «Мешполвон». Фильм.
18.10 «Юртим юраги».
18.20 «Наврўз мушораси».
18.40 «Айём муборак!»
18.55 «Ассалом, Наврўз!»
19.30 «Айланай».
19.50 «Ёшлар парвози».
20.20 «Келгинди қайнона». Фильм.
21.50 «Наврўзи олам».
22.30 «Шабнам». Фильм.
00.10 «Ассалом, баҳор!»
00.30 «Унутилмас оҳанглар».
01.10 «Танка». Фильм.
02.20 «Табассум қил!»
03.30 «Чашма». Фильм.
04.40 «Маслаҳат». Ҳажвия.
05.50 «Ёр-ёр». Фильм.
06.50 «Юрт тинчлиги».

ТОШКЕНТ

«АССАЛОМ, НАВРЎЗ!»
7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 «Ассалом, янги кун».
8.30 «Пойтахт».
8.45 «Дил пайванди». Миллий сериал. 1-қисм.
9.10 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Ягонамсан, Тошкентим!»
9.30 «Пойтахт» (рус.).
9.45 «Байрам ошхонаси».
9.55 «Ассалом, янги кун».
10.00 «Ассалом, Наврўз!»
БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ.
12.00 «Ассалом, янги кун».
12.05 «Милагрос» (рус.).
12.35 «Афиша» (рус.).
12.45 «Открытая дверь».
13.15 «Репортаж» (рус.).
13.25 Кино: «Супер келинчак».
15.10 «Кинотақдим».
15.35 «Байрам ошхонаси».
15.45 «Болаликка қайтиб».
16.00 «Афиша».
16.10 «Телекурьер-маркет».
16.30 «Байрам ошхонаси».
16.40 «Нима учун?»
17.25 «Тошкентда Наврўз».
18.30 «Пойтахт» (рус.).
18.55 «Репортаж». Байрам сони.
19.05 «Дил пайванди». Миллий сериал. 2-қисм.
19.35 «Байрам ошхонаси».
19.45 «Истеъдод».
20.00 «Пойтахт».
20.20 «Сумалакдан тош топдим». Фильм-концерт.
21.35 «Ассалом, янги кун».
21.45 «Телекурьер-маркет».
22.00 «Тошкентда латифа».
22.05 «Байрам ошхонаси».
22.15 Миллий кино: «Сени излаб». 1-қисм.

СПОРТ

8.00 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
8.20 «Наврўзи олам». Ҳужжатли фильм.
8.45 «Тет-а-тет».
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.20 «Маҳалламиз паҳлавонлари».
9.50 «Беллашув». Ҳужжатли фильм.
10.00 «Ассалом, Наврўз!» Байрам тантаналари.
12.00 «Тоғларда баҳор». Ҳужжатли фильм.
12.20, 14.20, 17.20 «Наврўзи олам муборак». (Вилоятлардан репортаж).
12.30 «Азиз». Художественный фильм.
13.40 «Шундай маскан бу». Ҳужжатли фильм.
14.00, 18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
14.10 «Кўпкари». Ҳужжатли фильм.
14.30 «Очарован тобой». Художественный фильм.
16.00 «Хабарлар». (Тошкент шаҳри майдонларидан ва байрамга бағишланган мусобақалардан репортаж).
16.10 «Қорақалпоғистонда Наврўз».
16.30 «Спорт — менинг ҳаётим».
16.50 «Халқ ўйинлари».
17.30 «Тақдир чизгилари».
17.55 «Жиззах тулпорлари».
18.50 «Спортимиз маликалари».
19.20 «Бойсунда баҳор».
19.55 Футбол. Англия чемпионати.
22.00 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
22.20 «Осмондаги болалар». Бадиий фильм.

22 МАРТ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 ТВ-анонс.
7.10 Миллий кино: «Нотаниш полвон». 2-қисм.
7.50 «Наврўз наволари».
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 «Бизнинг кутубхона».
8.50 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
9.10 ТВ-анонс.
9.15 «Қуроқ». Видеофильм.
10.15 «Минг бир ҳунар».
10.30 ТВ-анонс.
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.20 «Наврўз наволари».
11.30 «Азизим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 ТВ-анонс.
13.10 Миллий кино: «Кичкина табиб».
14.40 «Шарқ тароналари».
15.40 «Тандир нон». Мультфильм.
16.10 Миллий кино: «Муҳаббат синовлари».
18.20 «Ҳандалак» бисотидан.
18.45 ТВ-анонс.
18.50 «Наврўз наволари».
19.00 «Буюк аждодларимиз». Мирзо Улуғбек.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус.).
20.05 ТВ-анонс.
20.10 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
20.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ-анонс.
21.50 «Заковат».
22.55 «Шахмат сеҳри». Фильм.
01.00 «Таҳлилнома» (рус.).
01.30 «Заковат».
02.35 «Шарқ тароналари».
03.35 «Буюк аждодларимиз». Мирзо Улуғбек.
04.00 «Таҳлилнома».
04.40 Миллий кино: «Қора ёл».
05.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «Наврўз нашидаси».
7.20 «Якшанба нонуштаси».
7.40 «Яшаш сирлари».
8.00 «Улфатлар». Фильм.
9.35 «О, баҳор!»
9.40 «Соғлик — бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Мультипанорама».
12.00 «Даврнинг боласи».
12.10 «Болалар давраси».
12.30 «Эртаклар оламида».
14.00 «Янги бой». Фильм.
15.25 «Олтин тупроқ».
15.30 «Ассалом, баҳор!»
15.50 «Камолот».
16.00 «Эверест».
16.30 «Тасвир ва таассурот».
16.50 «Унутилмас оҳанглар».
17.30 «Кавказ асираси». Фильм.
18.45 «Ёшлар баҳори».
18.55 «Ассалом, Наврўз!»
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
19.30 «Тараннум».
20.10 Ҳинд киноси: «Вир ва Зара».
23.10 Жаҳон киноси: «Қўнғироқсоч Сью».
00.50 «Юрт тинчлиги».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 «Ассалом, янги кун».
8.35 «Дил пайванди». Миллий сериал. 2-қисм.
9.00 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Ягонамсан, Тошкентим!»
9.30 «Пойтахт».
9.55 «Тошкентда латифа».
10.25 «Ассалом, янги кун!»
10.30 «Пойтахт» (рус.).
10.40 Индийское кино: «Папа». 1-я и 2-я серии.
13.30 «Телекурьер-маркет».
13.45 «Саргузаштлар ороли».
14.10 Миллий кино: «Сени излаб». 1-қисм.
15.55 «Болаликка қайтиб».
16.10 «Сумалакдан тош топдим». Фильм-концерт.
17.30 «Телекурьер-маркет».
17.45 «Тошкентда Наврўз».
18.45 «Репортаж».
18.55 «Дил пайванди». Миллий сериал. 3-қисм.
19.25 «Ассалом, янги кун».
19.35 «Телекурьер-маркет».
19.50 «Ассалом, янги кун!»
20.00 «Кинотақдим».
20.25 «Ассалом, янги кун».
20.30 «Репортаж» (рус.).
20.40 «Открытая дверь».
21.10 «Мысли вслух».
21.20 Миллий кино: «Сени излаб». 2-қисм.

СПОРТ

8.00 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
8.20 Теннис.
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.20 Футбол. Англия чемпионати.
11.00 «Паҳлавонлар беллашуви». Экстремал спорт биринчилиги.
11.50 «Военное дело».
12.10 Биатлон. Кубок мира.
16.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Локомотив». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
18.20 «Кўпкари олдидан». Телефильм.
18.30 «Версия».
19.00 «АВТОграф».
19.20 «Спорт уик-энд».
19.50 «Школа выживания». Художественный фильм.
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.00 «Профринг».
22.55 Интерфутбол. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»


Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

ХОНАДОН

Пазанда маслаҳати

КЎК ЧУЧВАРА

Қиймаси отқулоқ, жағ-жағ, йўнғичқа, шўра, ялпиз, исмалоқ, момақаймоқ (қоқиўт), кашнич, кўк пиёз, оқпиёз, жизза ёки думба ёғ аралашмасидан тайёрланади. Ҳамма масаллиқни майдалаб чопасиз, туз ва қалампир қўшиб мижғиб, қизиб турган қозонга солиб қовуриб оласиз. Хамирни қаттиқроқ қилиб қорасиз, зувала ясаб, ўраб, 10 минутча дам берасиз. Сўнгра зувалани ўқлоғ билан нафис (қалинлиги 1-2 миллиметр) қилиб ёясиз. Ёймани 10х10 см катталикдаги квадрат бўлакчаларга кесиб, ҳар бир жилдга тайёрланган кўк қиймани солиб чучвара тугасиз. Чучвара қайноқ сувга солиб пиширилади. Мойда ҳам қовуриб олиш мумкин.



Қайнаб пишиб чиққан чучварани лаганга солиб, устига сариёғ суркаб дастурхонга тортасиз.

Кўк чучваранинг хамири учун: 500 г ун, 1 дона тухум, 1 чой қошиғида туз керак бўлади.

Қиймасига: жами кўклардан 1 кг, 500 г пиёз, 1 боғ кўк пиёз, 150 г думба ёки жизза, 1 ош қошиғида туз ва 1 ош қошиғида қалампир ишлатилади. Устига суртиш учун 2 ош қошиғида сариёғ кетади.

ЧАЛОП



2 огурца, 1 пучок редиса, по 1 пучку зелени укропа и петрушки, 0,5 пучка зеленого лука, 4 стакана кислого молока, 8 стаканов холодной кипяченой воды, соль и красный молотый перец по вкусу.

Овощи и зелень моют и мелко нарезают. Кислое молоко разводят водой, добавляют овощи, перемешивают, солят и перчат. Затем охлаждают и подают к столу.

САЛАТ «БАХОР»



Необходимые продукты: баранина или говядина – 500 г, помидоры – 3 шт., огурца – 2 шт., лук репчатый – 1 шт., чеснок – 3 зубчика, яйца – 3 шт., лук зеленый, зелень кинзы и укропа по 1 пучку, уксус – 5 ч. ложек, майонез – 1 ст., 1 ст. ложка растительного масла, перец черный молотый, соль по вкусу.

Способ приготовления: Мясо промыть, зачистить от пленок и сухожилий, отварить. Огурцы, помидоры, репчатый лук и отварное мясо нарезать тонкой соломкой, зеленый лук, чеснок и зелень мелко порубить. Перемешать, заправить солью, перцем, майонезом, маслом и уксусом. Уложить в салатницу горкой, оформить дольками вареных яиц, кусочками отварного мяса, зеленью.

САБЗАВОТ ВА ОШКЎКЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН САЛАТ



Редиска, кўк пиёз, кашнич ва укропни майда қилиб тўғрайсиз. Бодрингни майда кубик шаклида тўғраб, ҳамма масаллиқни туз, қалампир ёки туйилган мурч сепиб мижғиб аралаштирасиз. Тайёр салатни идишларга солиб безатасизда, дастурхонга тортасиз. Бундай салат катта калорияли овқатларнинг ҳазм бўлишини енгиллаштириш учун истеъмол қилинади.

Бунинг учун: 1 боғ редиска, 1 боғ кўк пиёз, ярим боғ кашнич, ярим боғ укроп ва 2-3 дона бодринг керак бўлади. Туз ва бошқа зираворлар таъбга қараб солинади.

Bolajonlar, sizlar uchun!

DANGASA CHUMCHUQLAR



(Ertak)

Qadim zamonda bir qishloq bor ekan. Bu qishloqning nomi Qo‘nji ekan. Qo‘nji qishlog‘ining bir tomoni tog‘ etagiga, bir tomoni mevazoru terakzorga tutashgan ekan. Qishloq o‘rtasidan o‘tgan tiniq soy suvi shovullab, tez oqar ekan. Bog‘larida biri-biridan mazali mevalarni ko‘rgan kishining ko‘zi quvnarkan.

Har yili bahor faslida janubdan uchib kelgan turli xil qushlar shu qishloqda qo‘nim toparkan – in qurib, polaponlar ocharkan. Bahor kunlarining birida tog‘ qaldirg‘ochlari ham uchib kelishibdi. Ulardan ikkitasi o‘tgan yili qurgan inlariga kelib joylashmoqchi bo‘libdi. Ammo inlariga ikkita chumchuq joylashib olibdi.

– Bu bizning uyimiz, o‘tgan yili biz qurganmiz, palaponlarimizni ham shu inda katta qilganmiz. Bu yil ham palaponlarimiz uchun hozirlik ko‘rishimiz kerak. Uyimizni bersalaring, – deyishibdi qaldirg‘ochlar.


– Bu inni biz kuzda oldik. Qishni shu inda o‘tkazdik. In kerak bo‘lsa o‘zlaringga boshqa qurib olinglar. Biz inimizni bermaymiz, – debdi chumchuqlardan biri.

– Churq, churq, bermaymiz, – debdi ikkinchi chumchuq ham.

Qaldirg‘ochlar qanchalik urishmasin, chumchuqlar inni berishmabdi. Qaldirg‘ochlar do‘stlarining yoniga ketishibdi va bo‘lgan voqeani so‘zlab berishibdi. Ularning do‘stlari ham kelib, chumchuqlar bilan murosa qilmoqchi bo‘lishibdi. Ammo ular yuzlarini teskari qilib, inni bermasliklarini aytishibdi. Shunda qaldirg‘ochlarning jahli chiqib, xas va loydan qilingan qorishma bilan inning hammayog‘ini suvab tashlashibdi. Chumchuqlar inning ichida qolib ketishibdi.

БЕКАТ

СКАНВОРД



ГАЗЕТАНИНГ 10-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Нодира. Гажак. Фахрим. Лента. Нафис. Ли. Амин. Дуд. Тафт. Ди. Нома. Раиса. Сув. Қатлама. Жо. Оби. Етук. Гул. Ибо. Танбур. Ёл. Оми. Хина. Тўр. Зуннунова. Па.

БЎЙИГА: Жаннат. Афифа. Нафс. Дахл. Аҳмедова. Интиқ. Одат. Рид. Сабо. Туб. Тамара. Улоқ. Садо. Лос. Малика. Умида. Сита. Тарз. Гулбаданбегим. Ўн. Неон. Уйқу. Оро.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП



Осталось приложить чуть-чуть усилий для достижения цели – и эта неделя принесет ожидаемые плоды. Можно осуществлять даже самые смелые замыслы. Прекрасный момент для встречи с друзьями и теплого общения. Желательно к концу недели привести дом в порядок.



Наступает время подведения итогов и переоценки ценностей. Близится благоприятный момент для реализации ваших замыслов. Можете рассчитывать на помощь друзей. Конец недели благоприятен для плодотворного общения. В выходные вероятны поездки за город.



Если стоящая перед вами задача кажется слишком сложной, поделите путь достижения цели на мелкие части – и все получится. Вы можете получить известие от человека, оказавшегося вдали от вас. Можно отважиться на рискованные предприятия.



Успех в профессиональных делах будет вас сопровождать всю неделю. Постарайтесь решить любые возникающие вопросы с перспективой для своей карьеры. Проблемы, связанные с детьми и родителями, могут поглотить все выходные.



Грядут заметные перемены в отношениях с деловыми партнерами. Будьте осторожнее с заманчивым предложением новой работы или приработка. Не стоит ничего планировать, так как все может измениться в одно мгновение. Выходные проведите на природе.



В первой половине недели проявите осторожность в профессиональной деятельности. Не торопитесь принимать предложения, кажущиеся, безусловно, выгодными. Прежде чем принять окончательное решение, необходимо все хорошенько взвесить.



На этой неделе может поступить информация, которая откроет перед вами новые перспективы и горизонты. В середине недели ситуация благоприятна для проведения исследовательской работы. Друзья порадуют вас своим вниманием.



Неделя может оказаться интересной и насыщенной событиями. Середина недели – удачна для дружеских встреч. Благоприятны всевозможные перемены, привнесение нового и избавление от старого. Выходные посвятите небольшому ремонту дома.



Напряженная работа в начале недели может ослабить ваши силы, но финансовые перспективы станут для вас яснее и приятнее, что окупит все тяготы. В выходные самое время сделать то, что вы давно себе обещали, но ранее не могли позволить.



Достигнуть желаемого успеха помогут прямота и целеустремленность. Не отказывайтесь от помощи друзей, но в тоже время постарайтесь не форсировать события. Желательно не подвергать себя неоправданному риску, даже если вам кажется, что все может обойтись.



Неделя может принести большой успех в профессиональной сфере. Придется принимать серьезные решения. Вам необходимо объективно оценить собственные способности и возможности. Вас может ждать триумф на работе. Желательно выходные провести с детьми.



В начале недели не стоит ничего покупать. Будьте осмотрительнее и не верьте пустым обещаниям. Стоит поразмыслить над рациональным использованием бюджета. В выходные дни вам, скорее всего, захочется всюду навести красоту и уют.

Ҳажвия



«ЗЎРИДАН БОР»

Харидор соатлар дўконига кириб деди:

– Менга эрталаб яхшилаб уйғотадиган соат керак.

– Жуда яхши. Бизда сизбоп, зўридан бор. Аввалига жиринглайди. Уйғонмасангиз, сиренаси ишга тушади, кетидан замбаракдан отилган снаряд портлаши эшитилади. Шунда ҳам уйғонмасангиз, устингиздан совуқ сув қуяди. Шундан кейингина бошлиғингизга қўнғироқ қилиб, касаллигингизни айтади...

ОТАСИНИНГ ЎҒЛИ

Ота ўғлини тарбиялаш мақсадида шахсий ҳаётидан мисол келтирди:

– Мана мен, кеча кўчада беш минг сўм топиб олдим. Бировнинг ҳақига хиёнат қилмайман, деб пулларни милиция бўлимига топширдим. Сен менинг ўрнимда бўлганингда нима қилардинг?

– Худди сизга ўхшаб, – деб жавоб берди ўғли, – ёлғон гапирар эдим...

ТАКЛИФ

Жиноят қидирув бошқармаси бошлиғининг қабулхонаси. Котиба қабулга келган кишига деди:

– Афсуски, бошлиғимиз зарур иш билан кетган эдилар. Аммо сиз ўз бармоқ изларингизни қолдириб кетишингиз мумкин...

МАСЛАҲАТ

Аёл ўз эрини врач қабулига олиб келиб, сўнгги вақтларда унинг қон босими ошиб кетаётганлиги, тез-тез асабийлашиб турганини айтди.

Мижозни текширувдан ўтказган врач аёлга деди:

– Умуман айтганда, жиддий бирор касаллик йўқ, аммо эрингизга осойишталик, тинчлик керак. Мана бу кучли тинчлантирувчи дори рецепти. Даволашни бугунданоқ бошлаш зарур.

– Доктор, унга қанча таблеткадан ичиришим керак?

– Унга – ҳеч қанча, аммо ўзингиз эрталаб, кундузи, кечқурун ва кечаси икки таблеткадан ичиб турсангиз, эрингиз тезда соғайиб кетади.

«КАМГАПЛИК»

Икки аёл йигирма кун мобайнида бир сиҳатгоҳда, бир хонада, биргаликда дам олишди. Даволаниш муддати тугаганидан сўнг бирга йўлга чиққан «дугоналар» сиҳатгоҳ эшиги олдида яна олти соат суҳбатлашиб туришди.

БИРОЗ КЕЧ ҚОЛДИ

Она ўғлига деди:

– Болам. Сен дискотекама-дискотека юришни бас қилсанг бўларди, ахир бунақада кар бўлиб қолишинг мумкин.

– Раҳмат, ойижон, мен нонушта қилиб бўлдим...

С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.

Рекорды Книги Гиннесса



117 человек учащихся из начальной школы Усигомэнакано, их учителя и родители в Токио побили Рекорд Гиннесса по бегу со связанными ногами.



Флэтмобиль попал в Книгу рекордов Гиннесса, как самый низкий автомобиль в мире. Его высота всего лишь 48см. Флэтмобиль создал Пэри Уоткинс.



Это бычок по кличке Чили! На данный момент занесен в Книгу рекордов Гиннесса как самый большой бык на планете!



Был побит рекорд продолжительности телефонного разговора. Некто Тони Райт говорил не переставая более 40 часов.

ДУНЁ НАФАСИ

ИМО-ИШОРАГА ҚАРАБ ИШЛАЙДИГАН МОСЛАМА

Япониянинг Осака университети олимлари инсон имо-ишорасига қараб ишлайдиган мосламани яратишди. «Mimi Switch» ёки «Ear Switch» дея номланувчи мослама ташқи томондан қараганда наушникни эслатади. Лекин шуни ҳам айтиш лозимки, унга сенсор ва кичик компьютер монтаж қилинган.

Маълум бўлишича, сенсор юз мушакларидаги ҳар қандай қисқариш натижасида қулоқда бўладиган энг кичик ҳаракатгача илғаб олади. Компьютер эса бу ҳаракатни «англаган» заҳоти уни сигналга айлантиради ва инфрақизил алоқа орқали мосламага йўллайди.

Шу тариқа дейлик, қовоқни уйиб кир ювиш машинасини ишга туширишингиз мумкин.

«Бу мослама орқали лабни шунчаки қимирлатиб, хонадаги чироқни ўчиришингиз ҳам мумкин», –дейди университет мутахассиси Казухиро Танигучи.



Мутахассислар мазкур мосламанинг айниқса, ногиронлар учун жуда қўл келишини таъкидлашмоқда.

МЕТРОДА – «ЭЛЕКТРОН БУРУН»

Швециянинг Стокгольм шаҳри метросига «электрон бурун» ўрнатилди, дея хабар тарқатилди Интернет сайтларида.

Янги мониторинг тизими метро ҳавоси ва уни заҳарлаши мумкин бўлган ҳолатларни кўрсатиб туради.

Тадқиқотга «Мир» фазовий станциясида қўлланилган тизим асос қилиб олинган. Яъни илк бор «электрон бурун» мазкур станцияда ишлатилган эди.




«РАҚСГА ТУШАЁТГАН» ҚОРА ТУЙНУКЛАР

«Фазода қора туйнуклар рақсга тушмоқда», деган сарлавҳада интернетда хабар тарқатилган.

Маълум бўлишича, астрономлар фазода улкан қора туйнукларни кузатишган. Галактикалар қўшилиши натижасида атрофида айланиб турувчи қора туйнуклар ҳосил бўлаётган экан.

Ҳаддан зиёд улкан қора туйнукларни фазо кенгликларида нур сочишига қараб билиш мумкин. Бироқ улар ҳеч қандай нурланишга сабабчи бўлмайди.




АЛОҲИДА МОЛЕКУЛАДА ЭЛЕКТР ЎТКАЗУВЧАНЛИГИ СИНАЛДИ

Франциядаги «Centre National de la Recherche Scientifique» миллий маркази, Берлин университети ва Гумбольдта университети физиклари илк бор жуда узун алоҳида молекуланинг электр ўтказувчанлигини синаб кўришди.

Туннел микроскопи ёрдамида сканер қилиб, мазкур экспереметни амалга оширган олимлар эндиликда алоҳида полимер занжирини характерлай оладиган маълум узунлик – 20 нанометргача бўлган масофада тадқиқот ўтказиш имконига эга бўлишди. Бу эса истиқболда электрон микросхемалар индивидуал молекулалардан тайёрланишига замин яратиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Сбор информации о подлодках судном «Impeccable»

Исследовательское судно ВМС США «Impeccable», ставшее участником инцидента в Южно-Китайском море, занималось сбором информации о подводных лодках. Это признали официальные лица Пентагона, передает ИТАР–ТАСС. Представители Пентагона не стали уточнять, с какой конкретной задачей был направлен в данный район «Impeccable».



Уч кун муҳлат берилди

Мадагаскар ҳарбийлари мамлакат сиёсатчиларига тўрт ойдан буён давом этаётган сиёсий инқирозни бартараф этиш учун 72 соат ажратдилар. Агар томонлар шу муддат ичида бир тўхтамга келиша олмасалар, армия «миллат манфаатлари ва миллий бирликни сақлаб қолиш мақсадида мамлакат бошқарувини ўз қўлига олади». Бу ҳақда миллий телевидение орқали чиқиш қилган мамлакат қуролли кучлари бош штаби бошлиғи бригада генерали Эдмонд Расоломахандри баёнот берди, деб хабар қилади ИТАР-ТАСС.

Осколки спутников начинают падать

Осколки от первого в истории человечества столкновения на орбите начинают падать на Землю. Об этом передает РИА Новости, ссылаясь на Стратегическое командование США, которое осуществляет слежение за околоземным пространством. Напомним, над Сибирью 10 февраля столкнулись российский спутник «Космос-2251» и американский «Iridium 33». Однако размер фрагментов не превышает сантиметра, и они не несут никакой угрозы.



Бутун бир қишлоқ аукционга қўйилди

Буюк Британияда крикет майдони, темирчилик устахонаси ҳамда қўрғонга эга бўлган бутун бир қишлоқ сотиш учун аукционга қўйилди. Ким ошди савдоси келаси ҳафтада ўтказилади. Аукцион ташкилотчилари мазкур қишлоқ савдосидан 25 млн. фунт-стерлинг ундириш ниятидалар, деб хабар қилади BBC. Хэмпшир графлигининг хушманзара қисмида жойлашган Линкелхолт қишлоғи Blagrave Charitable траст-компаниясига тегишли. Савдога, шу жумладан, 22 та коттеж ва тураржой уйлари, қишлоқ дўкони, 1,5 минг акр ер майдони ва 450 акр ўрмонзор ҳам қўйилган.



Какой автомобиль в подарок кукле Барби

В канун 8 марта gazeta.ru подготовила обзор «автомобильных» подарков, которые получили самые «звездные» представительницы слабого пола. В числе счастливых обладательниц оказалась и кукла Барби. Итальянская компания «Fiat» на этот раз подготовила особый подарочный «Fiat 500» к 50-летию Барби. Этот автомобиль выкрасили снаружи и внутри в приторно-розовый цвет. Кузов также украсили блестящими стразами. В салонные коврики добавили шелк и блестящие вискозные нити. Зеркало заднего вида украсили светодиодами.



Президент стипендиясига сазовор бўлган болакай

Гондураслик 4 ёшли истеъдод соҳиби Элвис Лосано эндиликда чет элда таълим оладиган бўлди. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, болакай мамлакат раҳбари Мануэл Селая билан учрашган ва у Элвисга хорижда таълим олиши учун президент стипендиясини ҳамда шахсий портатив компьютер топширган. Уч ёшидаёқ ўқишни ўрганиб олган қобилиятли болакай базавий математик операцияларни амалга ошира олади ҳамда мамлакат ва дунё тарихи бўйича ўз ёши учун етарли даражада кенг билимларга эга.

(www.NEWSru.com)

НАВРЎЗ

КЎНГИЛДА ОБОДЛИК, ЭЛДА ОБОДЛИК

Саҳарда барвақт уйғониб, чопсам, бироз жисмоний машқ қилсам, енгил тортаман. Стадион атрофида чопиб юриб, бир гуруҳ аскарларни кўриб қолдим. Қўлларида белкурак, аллақанча кўчат. Билсам, терак кўчати экан. «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлдик. Уйимизга кетишдан олдин шаҳарча атрофига кўчатлар экмоқчимиз», дейишди улар. Бу эзгу иш, амални кўриб, кузатиб, руҳланиб кетдим. Юрак бир ажиб ҳис-туйғуларга тўлиб-тошди. Томирларимда ҳаёт қайтадан жўш ураётгандек бўлди. Тераклар ҳали бу ёшларнинг орзуларидек бўй чўзади. Бу юртни бунёдкорлик руҳи билан яшайдиганлар Ватан тутганидан фахрландим.

Булбул хонишидан уйғондим. Деразани очаман. Ўрик гулининг ифори, майсалар ҳиди хонага киради. Ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оламан. Янги, ҳаётбахш бир қўшиққа сингиб кетаман.

Ўғлим «дада, қачон варрак олиб берасиз», деб қолди. «Умримизнинг яна бир баҳорини қаршилабмиз-да», дедим хаёлан. Болалигимга қайтдим. Варрагини учираётган болага қўшилиб чопдим. Гўё у шамолга қасдма-қасд югурмоқда. Варрагини шамолдан-да тез, қушлардан-да баланд учирмоқчи. Варрак унинг орзуларидан яралганини англайман. Ҳа, болаликка хос ва мос бегубор орзулардан. Қани энди унинг варрагига қўшилиб учсам. Наврўзни қанчалар соғинганимни кўкка баралла айтсам.

Наврўзимизга ҳужумлар бўлганини биламиз. Урф-одатларимиз, қадриятларимиз сингари бу байрамимиз ҳам «қатағонга» учради. Аммо давр суронидан омон чиқиб, халқнинг юрак-юрагидан қайта жой олди. 1990 йилда Президентимиз Фармони билан Наврўз яна қайта тикланиб, ҳаётимизда янгича мазмун-маъно кашф этди. Бугун у янада жозибали, янада фусункор байрамга айланиб, бизни эзгуликларга, бунёдкорликка руҳлантирмоқда. «Наврўз халқимизнинг юрагини ва ёруғ туйғуларини, ўлмас руҳи ва маънавиятини ўзида ёркин намоён этадиган энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиздир, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз», деган эди Юртбошимиз.

Манбаларда Наврўзни байрам қилиш аҳамонийлар давридан бошлангани ва Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистон халқларида энг катта байрамлардан бири ҳисобланган қайд этилган.

Қадимий паҳлавий китоблардаги маълумотларга асосланиб, Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асарида Наврўз байрамининг пайдо бўлишини афсонавий шоҳ Жамшид номи билан боғлайди. Шунингдек, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асарларида ҳам мазкур байрам борасида турлича маълумотлар келтириб ўтилган. Бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғотит-турк» асарида Наврўзга бағишланган халқ қўшиқларини ифода этган. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида Наврўз, баҳор айёми ҳақида айтилган бўлиб, унда қуёш кеча ва кундузнинг тенглик нуқтаси – олам экваторига қайтиб, ўз ўрнига келиши ва Балиқ (ҳут) буржидан Қўзи (ҳамал) юлдузлар туркумига ўтиши таъкидланган. Астрономик манбалар ҳам буни бугун исботлайди. Тарихчи Наршахий эса «Бухоро тарихи» асарида Наврўз куни Сиёвуш қабри бошида одамлар хўроз сўйишларини ва бу одатга уч минг йилдан зиёд бўлганини таъкидлаган. Ана шу маълумотларнинг ўзи ҳам Наврўзимизнинг кўҳна, қадимий байрам эканлигини кўрсатиб турибди. Бу маълумотларга кўз югуртирар эканман, Наврўзни кекса бир донишмандга ўхшатаман.

Бу байрам орқали ўзлигимиз ҳам қайта тикланмоқда, қадриятларимиз бор бўй-басти билан ҳаётимизга ранг бермоқда.

Дошқозонда сумалак, ҳалим тайёрланмоқда, алпларимиз кураш, кўпкарида абжирлигини кўрсатиб, боболаридек мард, жасур эканликларини, улар анъаналарининг муносиб давомчилари эканликларини намоён этишмоқда.

Наврўз келганда сочларига толпопук таққан қишлоғим қизлари хаёлимдан ўтади. Хўроз, қўчқор уриштиришлар, кураш ва бошқа халқ ўйинлари кўз олдимга келади. Дунёнинг бетакрор сеҳри ва гўзаллигини янгидан англагандек бўламан, дилимда мудраб ётган ниятлар, орзу-умидлар майсадек ниш уради, гўё.

Наврўз ҳарбийча анъаналар билан уйғунлашаётгани кишини қувонтиради. Ҳар йили ҳарбий қисмларда бу умумхалқ байрами катта шодиёналар билан ўтиши, унда давлат, жамоат ташкилотлари вакилларининг иштирокини кузатиш мумкин. Буларни кузатиб туриб, Наврўз халқ ва армия якдиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, дегимиз келади. Ватан ҳимоячиси Наврўзимиз ҳимоячиси, миллий қадриятларимиз ҳимоячиси, дея баралла айтгимиз келади.

Наврўз билан боғлаб ижтимоий-сиёсий билимлар ягона куни ўтказилади. Режага мувофиқ жойларда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирокида учрашувлар, тадбирлар, «Очиқ эшиклар куни», маданий-маърифий кечалар, китоблар кўргазмаси, деворий газеталар тайёрланиши, посбонларнинг турли музейларга ташрифлари кўзда тутилган. Қисқаси янгиланиш, яшариш фасли аввало кўнгилларга ободлик олиб киради.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йилимизда кишиларимиз қалбларида бунёдкорлик руҳи янада баланд. Буни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авж олганида кўриш мумкин. Ҳа, янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси меҳр-оқибат, мурувват, одамийлик каби юксак хусусиятлардан озиқланиб, кишиларимиз кўнглига ёниқ туйғуларни сингдириб келмоқда.

Уйғониш, яшариш, яшнашдан далолат берувчи ҳаётбахш қўшиқ қалбларингизга нур, зиё олиб кирсин.

Ш. ТОЛМАСОВ.



БАҲОР ВА АЁЛ

Баҳор ва аёл опа-сингилга ўхшайди, назаримда. Эзгулик ва гўзаллик маликалари улар. Малоҳату нафосат, тиниқлигу илиқлик иккисига ҳам хос. Улар нафасидан диллар ёришади, қадамида гуллар очилади. Улар борки, ҳаёт гўзал, борлиқ мунаввар. Бу икки умидбахш сўздан байрамона руҳ ва шукуҳ таралади.

Дарҳақиқат, баҳор бошида аёлларимиз байрамининг нишонланишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, уларнинг меҳри баҳор сойларидек сертугён, бағри баҳор дарёларидек сертошқин, чеҳраси баҳор гулларидек гўзал, сўзлари баҳор нафасидек илиқ. Бир сўз билан айтганда, ҳаётимизга, рўзғоримизга баҳор аксинию файзини бахш этади, улар. Қалбимизда баҳорий ҳислар, руҳимизда баҳорий хушкайфият пайдо қилади, улар.

Аёл деганда, даставвал кўз ўнгимда она сиймоси намоён бўлади. Ул зотнинг меҳр балқиб турган офтобдек юз-кўзлари, айниқса оламни тутиб турган қўлларини тасаввур қиламан. Дарҳақиқат, бу қўллар бизни мурғак гўдаклигимиздан асраб-авайлаб балоғатга, камолотга етказади. Ҳамиша бизга паноҳ, суянч, тиргак бўлиб хизмат қилади. Шу қўллар бонс ҳаётимиз бардавом, дунё тинч-омон бўлса, не ажаб!

Қуйидаги шеър барча онажонларимизга аталган:

ОНАМНИНГ ҚЎЛЛАРИ

Келтирай бир таърифин онамнинг қўлларини.
Ҳам ҳабиб, ҳам табибим — онамнинг қўлларини.

Кўтарган рўзғор юкин, қилт этмай бирор туки.
Ҳам буюк, ҳам суюкли онамнинг қўлларини.

Кафтида тутган бизни — беш ўғил, икки қизни,
Қуёшдай иссиқ юзи онамнинг қўлларини.

Биз деб ўт-сувга кирган, нонлар ёпиб, кир ювган,
Қаттиқлиги темирдан, онамнинг қўлларини.

Гоҳ суюб, гоҳ алқаган, оқ ювиб, оқ тараган,
Кунимизга яраган онамнинг қўлларини.

Соябон паноҳ бўлган, кафтлари қадоқ бўлган,
Минг "садқа-садоқ" бўлган онамнинг қўлларини,

Гоҳо тушимга кирган, кўз ёшим артиб турган,
Сўранг мен мусофирдан онамнинг қўлларини.

Баргдай титрадим ёзиб, гўё бағримга босиб,
Новдадай озган, нозик онамнинг қўлларини.

Сизлар — ака-укалар,
Тизлар букиб — чўккалаб.
Кўзга суринг сийпалаб,
Хоҳи шом, хоҳ эрталаб,
Болангиздай эркалаб,
Онамнинг қўлларини,
Онамнинг қўлларини!

Дилшод РАЖАБ.

БОҒ-РОҒЛАР – ЮРТ КЎРКИ

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Зеро, яхши ният билан кўчат ўтқазиш, боғ-роғлар барпо этиш халқимизнинг азалий анъаналаридандир.

Шаҳару қишлоқларимизни, кўча ва хиёбонларни безаб турган дарахтлар, манзарали буталар ва гуллар асосан Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази томонидан етиштирилади ҳамда кўпайтирилади.

– Айрим ноёб манзарали дарахтларнинг кўчатлари хориждан олиб келинар эди, – дейди Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази бўлим бошлиғи Сотволди Дадаев. – Бундай кўчатларнинг юртимиз иқлимига мослашиши қийин кечарди. Мазкур марказ ташкил этилгандан сўнг ноёб дарахтларнинг уруғи ва қаламчаси олиб келиниб иқлим шароитимизга мос ҳолда ўстирилмоқда. Ҳозир марказ томонидан 3 миллиондан ортиқ кўчат парваришланаётир. Улар орасида баландлиги 30 метрга етадиган арчалар, компакт туя арчаси, липа каби қирқдан ортиқ турдаги кўп йиллик ноёб манзарали дарахт ва буталар бор. Айни пайтда асалчиликни ривожлантиришга хизмат қиладиган йўқолиб бораётган оқ акация кўчатларини ҳам кўпайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, марказда етиштирилаётган юлғун, кандим, саксовул, черкис, садақайрағоч каби кўчатлар чўлларда шўрланишнинг олдини олиш, қурғоқчиликни бартараф этиш, камайиб бораётган ўрмонларни қайта тикланда муҳим аҳамият касб этади. Доривор хусусиятга эга бўлган япон беҳиси халқ табобатида қанд касаллигини даволаш, қон босимини туширишда кенг қўлланилади.

Шу кунгача марказ томонидан ўсимликларнинг йигирма бешга яқин янги турлари аниқланди ва маҳаллийлаштирилди. Етиштирилган кўчатлар барча вилоят ва туманларга етказиб берилаётир.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎзА мухбири.

ЁШЛАР

АРМИЯ – МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Кейинги йилларда ҳарбий хизмат нуфузи салмоқли даражада юксалди. Изчил ислоҳотлар миллий армиямиз қиёфасини тубдан ўзгартирди. Мамлакатимиз ёшлари учун ҳарбий хизмат том маънода шон-шараф ишига айланди. Муҳтарам Юртбошимиз Қуролли Кучларимизнинг шонли ўн етти йиллик байрамига бағишланган мурожаатларида шундай таъкидлаган эдилар: «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун ишга жойлашиш ва олий ўқув юртларига ўқишга кириш бўйича қатор имтиёзлар тизими белгиланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида армия сафларида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган 22 минг нафардан зиёд ёшларимиз таълим олмоқда».

КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН ТАМАЛ ТОШИ

...Ниҳоят ҳаяжон билан кутилган лаҳзалар келди. Олинган тест натижалари ўқиб эшиттирилди. Юқори балл тўплаган оддий аскарларнинг исм-фамилиялари ўқилгани сари офицер Исомиддин Илёсовнинг юзлари қувончдан янаям ёриша борди. Қувонмай бўладими, булар унинг қўл остида хизмат қилган, ҳар бири бир олам бўлган, ўзига хос характерли, билимли, ўзига ишончи баланд ўғлонлардир. Шундан сўнг офицер йигитларнинг ҳар бирини табриклар экан, қувончини шундай ифодалади:

Сизларга ишонган эдим, ҳаммангизга ишонган эдим, баракалла, ҳаммангиздан хурсандман...

Ҳа, офицернинг ишончи бежиз эмас экан. Унинг қўл остида хизмат қилган чегарачилар Жаҳонгир Эргашев, Нурали Муҳаммадиев, Бахитбек Батирбеков, Умид Қирғизовлар бугун мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар.

Офицер Исомиддин Илёсовнинг ана шундай қобилиятли йигитларидан яна бири Жонибек Жовлиевдир. У муддатли ҳарбий хизматни шараф билан ўтади. Ҳарбий хизмат оддийгина қишлоқ боласини ҳар томонлама тоблади, чиниқтирди. Мардлик ва жасорат мактаби бўлган ҳарбий хизмат Жонибек учун кўплаб унутилмас лаҳзаларни бахш этди. Хизматнинг дастлабки кунлариданоқ тиришқоқ, дадил ўғлон командирларининг эътиборини тортди. Орадан кўп ўтмай унинг фидойилиги муносиб тақдирланиб, олис Чуброн қишлоғига, яъни, ёш чегарачи аскарнинг ота-онаси номига қисм қўмондонлигидан миннатдорчилик мактуби борди. Бу мактуб посбон йигитнинг онаси Ойша опани бениҳоя қувонтириб юборди. Опа ўн болани оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдилар. Оналар фидойилигининг чеки йўқдир. Қобил фарзандлар ана шу фидойиликка муносиб жавоб қилишга интилиб яшайдилар. Жонибек ҳам шундай фарзанддир.

Муддатли ҳарбий хизмат йигитнинг келажаги учун муҳим пойдевор бўлди. Намунали хулқи, аъло даражадаги хизмати, билими эътиборга олиниб, чегарачи Жонибек Жовлиев қисм қўмондонлигининг тавсияномаси билан тақдирланди. Ва бу билан ёрқин умидларга тўла келажагига ҳам тамал тоши қўйилди. Юртимиз пойтахти у вояга етган гўшадан анча олис. Унинг болалик орзулари ана шу сеҳрли ва улкан шаҳар билан боғлиқдир. Мана, ниҳоят беғубор орзулар ушаладиган лаҳзалар ҳам келди.

ЭНГ ЮҚОРИ БАЛЛ БИЛАН...

Жонибек Тошкент молия институтида таҳсил олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Мазкур даргоҳ мамлакатимизнинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан биридир. Талабгорлар ҳам шунга яраша ниҳоятда кўп. Бизнинг собиқ чегарачи ўғлон шунга яраша астойдил тайёргарлик кўрди. Бунинг учун у яна ҳаёт мактабидан миннатдор эканлигини изҳор қилади:


– Масъулиятли ҳарбий хизмат жараёнида ҳам бизнинг ўқишга тайёргарлик кўришимиз учун катта имкониятлар яратилган эди. Кўчма кутубхонамизда барча дарсликлар мавжуд бўлиб, бундан ташқари биз билан олий ўқув юртларининг ўқитувчилари белгиланган маълум бир вақтда машғулотлар олиб боришган. Ҳаёт мактаби биз ёшларга кўрсатган ана шундай ғамхўрликлар билан ҳам янада қадрлидир. Бугунги эришаётган ютуқларимнинг барчаси бевосита армия билан боғлиқ. Талабчан, қаттиққўл ва шунинг баробарида ғамхўр устоз офицерларнинг барчаларини бугун катта миннатдорчилик билан эслайман.

Ҳаяжонли кечган тест синовлари Жонибек учун муваффақиятли бўлди. У тенгдошлари орасида энг юқори балл билан институтнинг ҳисоб-иқтисод факультетига ўқишга қабул қилинди.

ТАЛАБАЛАР САРДОРИ

Ўқишлар ҳам бошланиб кетди. Бу ерда ҳам барча олий ўқув даргоҳларида бўлганидек, миллий армиямиз сафларида йигитлик бурчини ўтаб қайтган йигитларга ўзгача бир ҳурмат билан қараш мавжуд. Тез орада Жонибек ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намойиш этиб, аъло ўқиш билан бирга жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнаша бошлади. Унинг саъй-ҳаракатлари ва ташкилотчилик қобилиятини эътиборга олишиб, институтнинг уч юзга яқин талабаси яшайдиган ётоқхонага сардор этиб тайинладилар.

Толиб йигит ўзига билдирилган бундай юксак ишончни муносиб равишда оқлаб келмоқда. Бу ерда ҳам спортга катта эътибор қаратилади. «Молиячи» волейболчилар жамоасининг муваффақиятлари кўпчиликка аён. Бунинг учун талабалар ихтиёрида муҳташам спорт заллари, майдонлари мавжуд. Сардор ана шу имкониятдан барчанинг унумли фойдаланишига эришди. Шу мақсадда турли спорт мусобақалари ташкиллаштирила бошланди. Булар орасида энг қизиқарлиси институт ўқитувчилари ва талабаларига бўлинган жамоаларнинг футбол мусобақасидир.



Бу каби қизиқарли тадбирларга сардор бош-қошдир.

– Талаба Жонибек Жовлиев бошқалардан ташкилотчилиги, тенгдошларини ортидан эргаштира билиши билан ажралиб туради, – дейди факультет декани Матназар Раҳимов. – У келажакда ҳам ўз касбининг билимдон мутахассиси бўлиб, тараққиёт ва фаровонлигимизга шу юртнинг юртпарвар фарзанди сифатида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишига ишонаман.

– Талабалик даврининг мароқли томонлари кўп, – дейди Жонибек. – Қизғин ўқиш жараёнлари, турли вилоятлардан келиб, муштарак мақсад йўлида таҳсил олаётган дўстлар, қизиқарли тадбирлар – буларнинг барчаси талаба ҳаётининг асосий қисмини ташкил қилади.

Талаба Жонибек Жовлиев ҳаёт мактабини шараф билан ўтаган кўпдан-кўп ўғлонларнинг биридир. Жасорат, мардлик мактабини ўтаган бу каби йигитлар ҳамиша мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида фидойиларча хизмат қилишларига ишонамиз. Зеро, уларнинг интилишлари, саъй-ҳаракатлари шундай юксак ишончга асос бўлади.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Абитуриент – 2009

ЭЗГУ МАҚСАД САРИ

«Мен офицер бўламан!»Бугун ушбу сўзлар қалбида ватанпарварлик туйғулари, Ватанга меҳр-муҳаббат ҳисси жўш уриб турган ҳар бир ёш йигитнинг дилида жаранглamoқда. Ватан ҳимоячиси бўлиш, эл-юрт корига камарбаста бўлиб, мустақил диёримиз тинчлиги, осойишталигига ҳисса қўшишнинг нечоғли эзгу иш эканлигини кўпчилик ёшларимиз теран англаб етишяптилар.

Шу кунларда офицер сифатида Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилишни шараф ва бурч деб билган азамат йигитларимиз синов имтиҳонларига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Энг қувонарлиси, армия сафларида шартнома асосида хизмат қилаётганларнинг ҳам офицерликка бўлган улкан қизиқишларидир.

Шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари Умрбек Эшчанов, Жаҳонгир Маликов ва Жаҳонгир Ҳабибовлар билан Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий поликлиникасида учрашиб қолдик. Уларнинг ҳар бири олий ҳарбий билим юрти курсанти бўлиш мақсадида тиббий кўрикдан ўтишмоқда.

Умрбек Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топширишни ният қилган. Асли хоразмлик бўлган бу ўғлон тўрт йилдан буён шартнома асосида алоқачилар қисмида ҳайдовчи вазифасида хизмат қилиб келяпти. 2008 йилда учинчи умумармия спорт ўйинларида енгил атлетика бўйича иштирок этган посбон фахрли ўринга сазовор бўлган. Шу боис «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишони билан тақдирланган.

– Қалбимда ҳарбийликка қизиқиш муддатли хизматни ўтаб юрган кезларимда пайдо бўлди, – дейди у. – Хизматимни намунали якунлаб, ота-онам розилиги билан шартнома бўйича фаолиятимни давом эттириб келаяпман. Соҳамни, вазифамни жуда ардоқлайман. Кўп нарсани, ҳарбийликнинг сир-асрорларини офицерлардан ўргандим, уларга ҳавасим келарди. Ҳавасим орзуга айланиб, жорий йилда мақсадимга эришиш ниятида ҳаракатларимни бошлаб юбордим.

Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Жаҳонгир Маликов муддатли ҳарбий хизматни мотоўқчилар қисмида ҳайдовчи вазифасида ўтади ҳамда намунали хизматлари учун тавсияномага сазовор бўлди. Ҳозирда хизматини шартнома асосида давом эттириб келаяпти.

– Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ҳужжат топшириш ниятидаман, – дейди Жаҳонгир. – Армияда ҳар томонлама тобланиб, чиниқдим. Бизга яратилган шарт-шароитлар, қаратилган эътибор қалбимда шу касбга нисбатан ҳавас уйғотди. Мақсадим юртимга муносиб посбон бўлиб, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёт кечириши йўлида ўзимнинг ҳиссамни қўшишдир.

– Мен чегара қўшинларида ўқчи вазифасида муддатли ҳарбий хизматни ўтадим, – дейди шартнома бўйича хизмат оддий аскари Жаҳонгир Ҳабибов. – Ҳарбийликка қизиқишим анча ёшлигимдан бошланган. Бунга сабаб, акам сержант Собир Қурбонов ва тоғам офицер Дилшод Бекназаровларнинг шарафли касбда фаолият юритишларидир. Ҳужжатларимни Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига топшираяпман. Шу кунларда тиббий кўрикдан ўтиш билан бирга тест синовларига ҳам қизғин тайёргарлик кўраяпман.

Лавҳамиз қаҳрамонларининг орзулари ушалиб, Ватанимизнинг муносиб офицерлари бўлишларига ишончимиз комил.

Аҳрор НОЗИМОВ.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик

ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитилиши сифатининг оширилиши, ўқув моддий базанинг яхшиланиши, ёшларни ҳарбий соҳага яна ҳам кўпроқ қизиқтириш ва йўналтириш, бу борада амалга оширилаётган ишлар, бошланғич тайёргарлик билан боғлиқ зарур тавсиялар, ўқув-услубий маълумотлар ва фаннинг замонавий илғор технологиялар асосида ўқитилишига оид муҳим жиҳатларни ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида Мудофаа, Олий ва ўрта-махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг қўшма қарори асосида «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассасаси» кўрик танловини ўтказиш йўлга қўйилганидан хабарингиз бор.

Яқинда Чилонзор туманидаги ўқув муассасалари ўртасида мазкур танловнинг бу йилги туман босқичи бўлиб ўтди. Тумандаги чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитиладиган барча ўқув муассасалари фаол иштирок этган ушбу танловда 1-тиббиёт коллежи ғолибликни қўлга киритди. Маълумот учун шуни айтиш жоизки, ушбу билим масканида бошланғич ҳарбий тайёргарликка оид билимлардан пухта сабоқ берилади. Ёшларга соҳа сирларини ўргатишда эса «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими аълочиси» кўкрак нишони соҳиби Мансур Ортиқовнинг хизматлари таҳсинга лойиқ. Буни таълим муассасаси моддий ўқув базасининг мукаммал жиҳозланганлиги, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик машғулотлари ўтказиладиган синфхоналарнинг зарур кўргазмали воситалар билан таъминланганлиги, ёшларда бевосита ҳарбийча кўникмани ҳозирдан пухта шакллантириш учун шарт-шароитлар яратилгани, ўқувчиларда интилиш ва иштиёқ руҳи баланд эканлиги кабиларда ҳам кўриш мумкин.

Олиб борилган бу каби ишлар натижаси бўлиб ўтган танловда ҳам ўз самарасини яққол кўрсатди.


Шуҳрат ПОЛВОНОВ.



АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

ҚАЛБДА МУЖАССАМДИР ҚАТЪИЯТ ВА ШИЖОАТ

Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги маҳаллада бугун катта шодиёна. Билмаган одам бу ерда тўй бўлаяпти деб, ўйлаши турган гап. Аслида ҳам тўйдек гап, яъни ўз йигитлик ва конституциявий бурчини ўташга жўнаган маҳалланинг алп ўғлони Ҳайитвой Ҳикматов муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, ўз қадрдонлари олдига қайтиб келди.



Заҳро опа эрта тонгданоқ ҳовлини супуриб, сув сепиб чиқди. Бугун маҳалланинг барча оқсоқоллари, қариндош-уруғлар, ўғлининг дўстлари бу хонадонга аскар кўргани келишади. Ҳали бозорга тушиб, ул-бул харид қилиши лозим. Ҳовлининг озода ва саришталигини кўриб, Ҳайитвой онасига миннатдорона қараб қўйди. Нима қилганда ҳам она-да. Бугун посбон ўғли ёруғ юз билан улар бағрига қайтди. Ота-она учун фарзанди камолини кўриш, унинг қилган ишлари ортидан раҳмат эшитишдан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Заҳро опа чуқур уйга толар экан, ўғлини муддатли ҳарбий хизматга кузатгани кўз олдида гавдаланди. Сара ўғлонлар ичидан сараланиб, хизматга жўнаётган фарзандини бутун маҳалла кузатишга чиққан эди. Маҳалла кайвонилари «ой бориб омон қайт, эл-юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан ҳимояси йўлида белингни маҳкам боғлаб хизмат қил, ёруғ юз ила келгин, полвон йигит», дея дуо қилишганди. Ҳа, вақт оқар дарё экан. Ўғли эл-юрт корига камарбаста бўлиб, ўз конституциявий бурчини шараф билан ўтаб, жонажон маҳалласига қайтди.

Кенжа ўғли Муҳриддиннинг гапи онанинг хаёлини бўлди.

– Онажон эшикка қаранг, бобом қўй етаклаб келдилар.

Ҳа, айтмоқчи, ёдидан кўтарилибди. Бобоси Ҳикматилло ота неварасининг армиядан қайтишига атаб, қўй боқаётган эди.

– Ҳа қизим, тек қотиб ўтирибсан, тадорогингни кўрсанг-чи, ҳали замон менинг полвон неварамни кўргани бутун маҳалла аҳли йиғилади, – дея Ҳикматилло ота қўйни ҳовли тўрига қараб етаклади.

Тушгача хонадонда ҳамма жамул-жам бўлди. Ҳарбий либоси ўзига кўрк бериб, янада савлатли қилиб турган аскар йигит қадрдонлари бағрига ўзини отди. Барча посбон йигитни бир-бир қучоқлаб, белидан сиқиб қўйсам, дея талпинишар эди. Айниқса, ёш болалар хурсандчилигининг чеки йўқ. Улар аскар акаларининг атрофида айланишиб, «аскар акам армиядан келдилар», деб қичқиришарди. Кексаларнинг дуоси билан ҳамма уйга кирди. Аскар йигитни барча қутларди, унга ҳавас билан боқишарди. Айниқса, Ҳайитвойнинг армия ҳаёти, таассуротлари, ўрганган ишлари, орттирган дўстлари, у ерда яратилган шароитлар ва кўрсатилган ғамхўрликлар ҳақидаги гаплари унинг тенгдошларида армияга нисбатан катта ҳавас ўйғотди.

– Армия менга кўп нарсани ўргатди, ҳар томонлама тоблади, чиниқтирди, – дейди унинг ўзи. – Ҳам маънан, ҳам жисмонан шаклланишимда, камол топишимда, энг асосийси келажак ҳаётимда ўз йўлимни топиб олишимда армиянинг ўрни беқиёс бўлди. Шу билан бирга ушбу хизмат менга ҳарбийлик касбига ҳавас ва иштиёқ орттирди. Келажакда режаларим улкан, насиб этса олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, офицер сифатида Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш, менинг энг эзгу мақсадимдир.

Ҳа, Ҳайитвойдек азамат ўғлонларнинг барчаси ўз олдиларига мана шундай олий мақсадларни қўйишган. Ишончимиз комилки, ҳаёт мактабида тобланиб, баркамол инсон бўлиб етишган бу ёшлар қайси жабҳада фаолият юритишмасин, юртимиз иқтисодининг ривожланишида, Ватан равнақини оширишда энг илғорлар сафида бўлишади.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ОТА ИШОНЧИН ОҚЛАБ

– Ота, тезда уйга қайтаркансиз, сизни меҳмонлар кутиб ўтиришибди.

– Тинчликми, меҳмонлар ким экан?

– Ҳарбийлар. Туман мудофаа ишлари бўлимиданмиз, дейишди. Акам армиядан қайтаётган экан. Тез бораркансиз, айтадиган хушхабарлари бор экан.

Абдураҳим ака бу хабардан ширин энтикди. Бир йил олдин муддатли ҳарбий хизматга кузатган ўғли – Эркин армиядан қайтаётган эди-да! Кўз олдида уни армияга кузатган ҳаяжонли лаҳзалар гавдаланди, ўғлига айтган сўзларини ёдга олди: «Ўғлим, сен нафақат Ватан сарҳадларини, балки оиламиз шаънини ҳам ҳимоя қилишга кетаяпсан. Шуни ҳеч қачон унутма! Давлатимизнинг сенга билдирган ишончини оқлашга, ўз бурчингни шараф билан адо этишга, сафдошларингга ҳар томонлама намуна, ўрнак бўлишга интил! Ана шунда маҳалла-кўй, халқ, юрт олдида юзимиз ёруғ бўлади».

Комиловлар оиласи Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида истиқомат қилишади. Хонадон соҳиби – шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи. Қўни-қўшни, таниган-билганлар бу оилани ҳурмат билан тилга олишади. Сабаби, Абдураҳим ака ва рафиқаси фарзандларини эл корига камарбаста, одамлар оғирини енгил қилишни севадиган инсонлар қилиб тарбиялашаётганидадир.

Оиланинг тўнғичи Тоҳир – лейтенант, туман ички ишлар бўлимида хизмат қилади. Эркин эса, мана, армиядан қайтиш арафасида. Ота-она ўғилларидан мамнун. Улар туфайли бошлари тик, мағрур. Дунёда ота-она учун энг буюк бахт ҳам шу аслида.

Эркин «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишони ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг йигирма беш фоизи миқдорида қўшимча имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқини берувчи тавсияномани қўлга киритибди.

Ота ич-ичидан севинди. «Раҳмат болам, минг раҳмат. Ишончимни оқладинг. Эл-юрт ичида юзимни ёруғ қилдинг. Айтган ўгитларим, берган маслаҳатларимнинг барчасига амал қилдинг. Кам бўлма. Тилагим: келгуси йўлларинг ҳам шундай равон бўлсин!» – шундай дея у хаёлан ўғлига миннатдорчилик билдирди. Ахир у қувонмай, ифтихор қилмай, ким қувонсин, ғурурлансин?! Ўғли Ватан олдидаги бурчини шараф билан адо этиб қайтаётган бўлса, тағин энг сара посбонларгагина бериладиган имтиёзларга сазовор бўлган бўлса...

Юртимизда ҳарбийликни шунчаки иш эмас, улуғвор ва муқаддас касб деб биладиган, ҳаётини армиясиз тассаввур эта олмайдиган ёшлар талайгина. Маҳоламиз қаҳрамони Эркин Комилов ҳам шулар сирасидан десак, янглишмаймиз. Ана шундай мард, жасур, илғор посбонларимиз бор экан, юртимиз тинч, ҳаётимиз осуда кечаверади.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

«БЎЙЛАРИНГ ЧЎЗИЛИБ, ПАҲЛАВОН БЎЛИБСАН»

Айни кунларда Санчиқул қишлоғида истиқомат қилувчи бу оилада шод-хуррамлик ҳукмрон. Чунки ота-онасининг кўзу қароғи бўлган Элдоржон Бўтаев Ватан олдидаги муқаддас бурчини ёруғ юз билан ўтаб уйига қайтди. Нодира опа машқларда тобланиб, чиниққан, қарашлари ўткир, алпкелбат ўғлининг дийдорига боқиб тўймайди. У нури дийдасига қараб туриб, вақтнинг олий ҳакам эканлигига яна бир бор амин бўлаяпти. Чунки бундан бир йил муқаддам худди мана шундай кунда у ҳарбий хизматга отланган ўғлига оқ йўл тилаган эди. Мана, ҳаш-паш дегунчалик фурсат ўтиб, ўғли яна бағрига қайтди.

– Ўғлим, жигарбандим, онанг айлансин, – дейди у Элдорнинг юзига юзини босиб. – Кечагина сени ҳарбий хизматга кузатган эдик. Бугун яна ёнимиздасан. Шундай кунларга етказганига шукур. Бўйларинг чўзилиб, паҳлавон йигит бўлибсан.

Зарифбой ака эса ўғлининг ҳаракатларидаги қатъият, ишончни сезиб, кўнгли тоғдек кўтарилди. Унинг нигоҳларида ҳам фарзандига бўлган меҳр ва муҳаббат туйғуси мужассам.

– Баракалла ўғлим, сен менинг ишончимни оқлаб, юзимни ёруғ қилдинг. Мен сен билан фахрланаман, – дейди Зарифбой ака Элдорнинг елкасига қоқиб. – Мана энди ҳақиқий йигит бўлибсан. Анча чиниқибсан, билакларинг кучга тўлибди. Ҳарбий хизмат сенга бир умрга татигулик сабоқ берибди. Энди мустақил ҳаётда ўз ўрнингни топишингга ишонаман.

Шу куни кечқурун Элдорнинг тенгдош дўстлари, ёру биродарлари уни қутлаш учун келишди. Улар Элдорга ҳавас билан тикилиб, аскар йигитнинг армия ҳақидаги таассуротлари билан қизиқишди.

– Армияда ўтган кунлар ҳаётимдаги энг унутилмас, сермазмун давр бўлиб қолади. Мен ҳарбий қисмга келганимда посбонларга яратилган шарт-шароитларни кўриб, ҳайратланганман. Бўш вақтларимизда кутубхонага кириб китоб ўқирдик. Ёки бўлмаса спорт залида бирор бир спорт тури билан шуғулланардик. Шу боисдан ҳам армияда жисмонан ва маънан чиниқдим дея айта оламан. Биласизларми, армия ҳаёти менга кўп нарсани ўргатди. Ҳаётга кенгроқ назар ташлайдиган бўлдим. Энг муҳими, Ватанга бўлган меҳрим ошди. Мен энди асл фарзанд бўлиб, Ватанимиз тараққиёти учун хизмат қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим,– деди Элдор қатъий ишонч билан...

У Самарқанд вилояти, Ургут туманидан хизматга отланганида 2008 йилнинг баҳори эди. Йигитлик мактабида ўтган бир йил нафақат ҳарб илмидан, балки ҳаёт синовларидан ҳам сабоқ берди. «Умумҳарбий низомлар»га риоя қилиш, янги муҳит, янги дўстлар билан тил топишиш йигитдаги ғайрат, муомала, тартиб-интизом, масъулиятни ҳис қилишни янада шакллантирди. Элдор ҳарбий хизмат давомида назарий ва амалий машғулотларда ҳам аълочи аскарлардан ортда қолмасликка ҳаракат қилди ва синов машғулотларида юқори кўрсаткичларга эга бўлди, командирлар ишончини оқлаш учун машғулотлар давомида билимини ҳар томонлама оширишга интилди.

– Юксак мақсадни кўзлаб, қатъият билан ҳаракат қилган посбон албатта етукликка эришади, – дейди Элдор Бўтаев. – Хизматларим тавсияномага лойиқ топилганидан жуда хурсандман. Эндиги мақсадим, мана шу ишончга муносиб жавоб қайтариш. Яъни ҳарбий билим юртига ўқишга кирмоқчиман. Бунинг учун тайёргарликни ҳам пухта қилганман. Ўйлайманки, албатта ниятимга эришаман.

Иштиёқ бўлса инсон ўз орзусига албатта эришади. Орзу бор экан, эртанги кунга ишонч ҳам бор. Мақоламиз қаҳрамони Элдор Бўтаев ҳам қалбида эзгу ниятлар билан катта ҳаёт остонасига қадам қўймоқда. Биз унинг орзуларини амалга оширишига ишонамиз.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.

АДАБИЁТ

Эркин САМАНДАР

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

(Тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

УЧИНЧИ БОБ

1

Қорабайир хуноб. Сайисхонани ағдар-тўнтар қилгиси келади. Деворни ёриб чиқиб кетсам, дейди. Аммо на илож, девор қаттиқ, қозиқ пўлоддан.

Қўшни оқ от гижинглаб чиқиб кетганида, айниқса, унга алам қилади. Кун ботардами, ярим тундами тапир-тупир кириб келганида қора ёллари оқаргандай бўлади Қорабайирнинг.

Алам қилади. Бу гижингнинг нимаси ортиқки, ундан – Қорабайирдан афзал кўришар. Қорабайирни қўйиб султонни оқ отга мингизадиган бўлишди-я. Сабаб? Қорабайир савашга ярамай қолдими? Йўқ. Аксинча, куч-қуввати олдингидан ортиқ бўлса ортиқки, аммо кам эмас. Кўз-қулоғи аввалгидай, бош-оёғи аввалгидай, лекин ўзи қолиб, савашга оқ от кетади.

Ё Қорабайирдан ёшроқми, ўктамроқми оқ от. Ундай деб бўлмайди. Ёшлари теппа-тенг кўринади. Ёки султонга Қорабайирнинг қоралиги ёқмай қолдими, кўнгли оқ от истадими? Оқнинг қорадан нимаси афзал?

Хуллас, Қорабайир ҳайрон ва жиғибийрон. Унинг ғамини сайис (Қилич) тушунади. Вақти-вақтида келиб силаб-сийпайди. Бироқ силаб-сийпашнинг ўзи билан тинчиб қола қоларми Қорабайир. Унга, ахир, майдон керак, икки қулоғи орасидан шовуллаб шамол ўтмоғи, туёқларидан учқун сачраб турмоғи даркор. Дамини ичига солиб қандай яшайди, ахир. У ҳамиша ёв отларига даҳшат солиб, айқириб келган, бундан кейин ҳам айқирмоғи керак. Бусиз яшолмайди. Бусиз димиқиб қолади. Бусиз ўлади.

У кишнаб юборди. Яна ва яна кишнади.

У нола қилмоқда, ноҳақликка қарши исён кўтармоқда эди.

2

Қилич не деса Қорабайир тушунгувчи эди. Бугун ҳам тушунмай қолмас деган умидда силаб-сийпаб деди:

– Ўксима, Қорабайир. Ҳар нарсага фаҳминг етадир. Дўст-душманни, яхши-ёмонни англайдурсан. Фақат сенда забон йўқтур. Энди холисанилло эшит. Нечун сенга эгар урилмас, мен айтайин, сен англашга ҳаракат айла.

Сен, Қорабайир, от зоти қилолмайдиган ишни қилдинг. Султон ёғий қуршовида қолган чоғ жиловингни дарё сорига бурди. Сен довюраклик ила ўзни юқоридан пастга – шиддат ила оқадурган дарёга отдинг. Султонни эсон-омон гирдоблардан олиб ўтдинг.

Султон сени от зотидан юқори жонзот деди ва сенга энди эгар урмасликни амр айлади. Қорабайирни парвариш айла, деб менга топширди. Қайда яхши ем бор, емиш бор, келтирилди, ўзинг кўриб турибсан, еганинг олдингда, емаганинг ортингдадур.

Энди сенинг бор ҳаётинг роҳат-фароғатда ўтгай. Энди сен ҳеч қачон савашга кирмагайсан, қилич-найзаларга дучор бўлмагайсан, ўқ ёмғирлари остида қолмагайсан. Бемисл жасоратинг эвазига ҳаёт гаштини суриб, эмин-орқайин яшагайсан.

Бу султоннинг сенга кўрсатган улуғ марҳамати, бу бирор отга насиб айламаган беназир яхшиликдур. Сен буни тушун, Қорабайир, хунобликни йиғиштир, яйраб-яшна. Омадинг кепти, шатта урма. Е, ич, ёт, мазза қил.

Гапнинг рости шу, Қорабайир.

Қилич шу сўзларни айтиб, таъсир қилдимикан дея Қорабайирга разм солди. Унинг кийикнинг кўзидай қоп-қора кўзларидан ёш томчилади.

3

Уч юзгача отлиқ султон қароргоҳини кўзлаб Бақала тоғи томон келарди. Тоғ ёнбағрида султон соқчилари уларни тўхтатди. Отлар ҳорғин, суворийлар бамисоли сувга тушган мушукдек мунғайган, аксарияти ярадор, от устида аранг ўтиришарди. Улардан бир қадам олдинда турган отлиқдан соқчилар сардори сўради:

– Қайдин бўлурсен, мақсадинг недур?

Отлиқ жавоб бериш ўрнига соқчига тикилиб тураверди.

– Тилдан қолганмисен, гавир, – деди сардор ўдағайлаб.

– Мени танимадингми, сардор, – деди отлиқ ниҳоят тилга кириб, – Маликшоҳмен.

Сардор уни таниб, султонга хабар юборди.

4

Ўшанда, султон дарёни кечиб, Шатра вилояти ҳукмдорини мағлуб этгач, унинг овозаси яқин-йироққа яшин тезлигида ёйилган, кимлар тўғини тескари кийган, кимларнинг дилига қўрқув отлиғ қуш ин қурган эди.

Ҳайиққанлар орасида султон оёғига пояндоз тўшашга тайёр турганлардан бири Нандан ва Сакун шаҳарлари ноиби Қамариддин бўлди. У дарҳол султонга қимматбаҳо буюмлар ва совғалар юбориб, ўз хайрихоҳлигини билдирди. Унинг қалъалари Шатра вилояти билан чегарадош, султон Сакунга яқин келиб қолган. Қамариддин ўйича Жалолиддин биринчи бўлиб унга ҳужум қиладигандай эди.

Султон бундай қилмади. Сакунни ўз ҳолига қўйиб, бошқа томонга йўл олди.

Бунинг сабаби Бақала ва Ниқола тоғлари ва унинг атрофларида яшовчи ҳиндилардан иборат катта қўшин султонга қарши отланганида эди.

Уч кун давом этган қақшатғич савашлардан сўнг, ҳиндилар таслим бўлди. Боз устига, лак-лак тоғликлар ғолибларга келиб қўшилди. Султон қўшини ўн мингдан ошди.

Султон ўз қароргоҳини Бақалада ўрнатди. Тоғ ҳар жиҳатдан бунга мос эди. Аввало, у сарбаланд истеҳком, қолаверса, ҳавоси мўътадил, сув ҳам, отларга емиш ҳам сероб. Ҳиндистонга келганидан бери биринчи марта Жалолиддин енгил нафас олди. Нафасни ростлаш узоққа чўзилмаслигини султон яхши биларди. Ҳиндистондаги кўп султонлар ва ҳукмдорлар унга қарши тиш қайрамоқда эди.

5

Вазир Шамсулмулк дарёни кечишда чўккан деб ўйларди султон. Афсус ва надоматлар кўнглини ўртарди.

Унинг ўрнини босгувчи донишманд йўқ эди. Саркардалардан Жаҳон Паҳлавоннинг ақли кўпроқ тафаккурга мойил, лекин давлат ишларида тажрибасиз эди, шундай бўлса-да, умидворлик ила султон уни вазирликка тайинлади.

Янги вазир ҳеч иккиланмай ишга киришиб кетган, тизгинни султон ўйлаганидан маҳкамроқ ушлай олган эди.

Султон билан вазирнинг ҳозирги суҳбати эртаги йўриқлар ҳақида эди.

– Ҳинд улуғ эл, – деди султон. – Магар султонлари ила тил топишур эрсак, бизга иншооллоҳ, қўл бергайлар.

Жаҳон Паҳлавон ўйга толди. Султоннинг фикр кутаётганини кўриб дилидагини тилига чиқарди:

– Сўзингиз чин, олий ҳазрат. Аммо ҳинд султонлари бизни тўғри тушунгаймилар? Неки айттаймиз, тузоқ деб билмагаймилар?

– Нетмоқ лозим деб ўйларсен?

– Ўйларменким, вақт боринда оларга тазйиқ ўтказмоқ зарур.

– Савашибми?

– Керак бўлса савашиб.

– Бул йўл нусратга олиб бормас, – деди султон. – Ҳозир тил топишмоқдин ўзга йўл йўқтур. Ёғий орқамиздин қуюндек келур. Бу қуюнни Бақала тоғлари тўсолмагай. Минг-минг одамлар кўкси тоққа айланганидагина қуюннинг йўли тўсилгай. Султонларга мактуб тайёрласинлар.

Бу узил-кесил буйруқ эди. Шундай бўлса-да, Кубача қилиғини эслатишга журъат этди Жаҳон Паҳлавон.

– Кубача… Ўзингиз билурсиз, олий ҳазрат, аввалги мактубга ҳали-ҳануз ондин жавоб йўқтур.

Султон кескин деди:

– Они четлаб ўт. Элтутмишга ва бошқа ҳукмдорларга мактуб тайёрла. Айт, менким, султон Жалолиддин ўз элим, ўз юртимни ёғий чангалидан озод айламоққа бел боғлаб Ҳинд сори юзланганмен. Мен улуғ Ҳиндустонга ёв эмасмен, дўстмен. Кўлни қўлга бермоқликка, ёвуз босқинчи тўдаларга қарши бирлашмоққа Сизни даъват эттаймен. Зеро, ёғий чангали Ҳиндга ҳам қаратилгани сир эмасдур. Масал борким, бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар. Умид қилурменким, нусрат бизим бўлғай!

Вазир султон сўзларини қоғозга туширди.

6

Маликшоҳ султон олдида тиз чўкди.

Парвондаги сўнгги воқеа султон кўз ўнгидан ўтди. Зафардан сўнг «битта от устида» Амин Малик ила талашиб Ағроқнинг ва унга қўшилиб Маликшоҳнинг лашкарлари билан кетиб қолишгани султон кучини синдирмаганмиди ўшанда. Қўшин иккига бўлинмаганида Синд савашида Чингиз ғолиб келолармиди? Йўқ.

Битта от бўлишишга сабаб бўлиши мумкин эмасди, албатта. Фожиа орқасида Чингиз ялоқхўрлари тургани гумонсиз эди. Лекин кимлар эди улар? Ўшанда бу жумбоқ очилмай қолган. Маликшоҳ ер ўпиб турган ҳозирги дамда эҳтимол сирли тугун ечилар деган умидда султон деди:

– Тур ўрнингдин. Айт. Сени бунда етаклаб келган недур?

– Бир қошиқ қонимдин ўтгайсиз, султон. Адашдим. Саҳв-хато қилдим.

Маликшоҳ бошидан кечирганларини бир бошдан гапириб берди. Ағроқ билан икковини йўлдан урган шайтон – ўзини ғайб илмининг соҳиби деб таништирган, аслида эса Чингиз малайи Ибн Ҳожиб бўлиб чиққанини айтганида султон бенихтиёр ўрнидан туриб кетди.

Бир вақтлар падари бузруквори хизматида юрган, кейинчалик Чингиз юртдагига айланган Ибн Ҳожибни султон яхши билар, кўп кирдикорларидан огоҳ эди. Лекин у Парвонга суқулиб киради, ўртага нифоқ солади, деган гап етти ухлаб тушига кирмаганди. Ахир, уни Шамсулмулк ҳам танирди-ку. Ҳеч ким ва ҳеч нарсани кўздан қочирмасди-ку. Зукко вазир қўшинга ёғий аралашганини



сезмабдими, демак, риё ўта пухта ўйланган.

Султоннинг изтиробин кўрган Маликшоҳ:

– Ул баттол ўз қиёфатин буткул ўзгартган, одам зоти таний олмайдурган кўриниш олган, – деди бошини баттар эгиб.

– Давом айла, – деди султон Маликшоҳга орқа ўгириб турганча.

Парвондан кетганларидан сўнг бошларига тушган кўргиликларни, Ҳожиб уларни мўғул тузоғига тушириб, ҳадя этгани, олтинларни қайтариб олганию савашда Ағроқ ва унинг қўшини, Маликшоҳнинг аскарлари ҳам қарийб қириб ташланганини, ўзи бир тўп йигитлари билан қочиб қутулганини бир-бир айтиб берди у.

– Истанг, бошимни олинг, истанг, афв айланг, – деди Маликшоҳ ўзини дор остида сезиб.

Султондан жавоб бўлмади. Сукутдан сўнг ўзи-ўзигами, Маликшоҳгами гапиргандай аста деди:

– Одамзоддаги иллатларнинг энг ёмони иккиликдур. Ҳар мақомга йўрғалашдур. Худди кунгабоқар киби нафли томон бурилишдур. Буқаламун киби тусланишдур.

Аста айтилаётган бу сўзлар замирида бўрон етилиб келаётганини Маликшоҳ сезиб турарди.

Султон овозини кўтарди.

– Мен сенларни Парвонга чақиртирганим йўқ эрди. Ўзларинг келдинглар. Аёнки, ёғийдин чўчиб, мадад истаб келдинглар. Сенларни мен қучоқ очиб қарши олганмен. Сенларга ишонганмен. Эрк истагувчи мард йигитлар дея сенларга қабатимдин жой берганмен. Ёғий ила олишувларингни кўриб хато қилмаганимга даги ишонганмен. Надоматлар бўлғайким, адашган эрканмен, қарони оқ деб ўйлаган эрканмен. Бағримдан буқаламунларга жой берган эрканмен.

Султон жойига ўлтирди.

Маликшоҳ ўзини оқламоқчи бўлиб:

– Ул казоб бизни сеҳрламиш, султон, – деди бўғиқ овозда, – мен не қилғонимни ўзим билмаган эрдим.

– Ёлғон! – жеркди уни султон, – ҳали ўз тилинг ила айтдинг, сенлар тиллага учгансанлар. Сенлар дўстликдин, иттифоқдин тиллани устун қўйгансанлар. Оғмачидин дўст бўлмагай, оғмачи нағма кўрсатишин қўймагай.

– Хатоимни бўйнимга олиб, бир ният ила келганмен, султон, – деди бошини кўтариб Маликшоҳ. – Айтишга ижозат сўраймен.

– Не эрур… ниятинг?

– Эшитдимки, ул баттол… Ибн Ҳожиб шунда – Ҳинд ерида эрмиш.

– Ҳинд ерида?

– Ҳа, эмди бул ерда сувни лойлатар эрмиш.

Чин сўзларми Малик ёки бул ҳам ўйинмидур.

– Ул Ҳинд ҳукмдорларин Хоразм султонига қарши тиғиклар деган гаплар юрадир, – деди Маликшоҳ дадилланиб.

– Қайдин эшитгансен?

– Уччадин Ҳазорага келаётган карвон сарбони Ибн Ҳожибни танир эркан, они ўшал қалъада кўриб қолғонин айтадур.

Учча… Кубача… унинг мактубга жавоб бермаётгани султон кўнглидан кечди.

– Имдод сўраймен, султон, – деди Маликшоҳ, – менга аскар бер, Ағроқни ўлтуртган, мени бор-йўғимдин мосуво айлаган ўшал махлуқдин ўчимни олайин. Шул ниятда келганмен бунда.

Аввал Малик айтган хабарни аниқлаш, сўнг бир тўхтамга келишга қарор қилди султон.

Маликшоҳ ва унинг йигитларига жой ажратди. Атрофига қўриқ тайин этди.

(Давоми бор).

БЕКАЛИ УЙ ДОИМ ЧАРОҒОН

Аёл кулса, хонадон бўлар нурафшон,
Қайғуга чўмса-чи, босар зимистон.

***

Аёли куйган хонадон вайрон бўлади,
Аёли кулган хонадон гулга тўлади.

***

Бекали уй доим чароғон,
Бекасиз уй қоронғу ўрмон.

***

Оқила қизга қалин зарурмас.

***

Аёлнинг зеб-зийнати бўлмаса ҳам майлига,
Аъло безак бўлгай эри аслида.

***

Эрлар тан бўлсалар,
Хотунлар жондирлар.

***

Одамнинг уйида тадбирли ва тарбияли бир хотун бўлмаса, ҳоли ташвишли бўлур.

***

Бир хотун бир эрни масъуд қилмоққа бурчлидир.

***

Хотунларнинг энг муборак бўлгани, энг қаноатли бўлганидур.

***

Хотун фақирликка қарши бир аскардир.

***

Пок хотуннинг ифлос хизматчиси бўлмас.

***

Эрларнинг уйда ўтирмоқлари, хотунларнинг кўчада юрмоқлари фақирлик келтирувчи шайлардандир.

***

Гўзаллиги ила мадҳ этилувчи хотун гўзал эмас, балки тарбияли хотун гўзалдир.

***


Хотунларнинг жилмайиб кулмоқлари нақадар ёқимли бўлса, қийқириб кулишлари шул қадар ёқимсиздир.

***

Дунёнинг бахтсизлари тарбияли хотун ила тарбияли боладан маҳрум бўлган зотлардир.

МАЪРИФАТ

«КИМ СЕНГА БИР ҲАРФ ЎҚИТМИШ...»



Муаллим... Уни мўъжиза яратувчи дейишади. Эъзозли касб эгаси ҳақида ёзганимда беихтиёр болалигим ёдга тушади. Яшил муқовали алифбе китоби... Бу китобни ҳозир ҳам варақласам ҳаяжонга тушаман. Ундаги ҳар бир ҳарф билан боғлиқ дарслар худди кечагидек кўз ўнгимдан ўта бошлайди. Олам ўз сирларини алифбо саҳифаларига жойлагандек, гўё. Олис болалик оламидан биринчи муаллимим Бозор ака Ҳасановнинг ўктам овозларини эшитгандек бўламан.

Биринчи муаллим билан боғлиқ энг ширин, энг ҳаяжонли хотиралар ҳар бир инсонда борлигига ишонаман. Бугун ҳар биримизнинг кўнглимизда ана шундай ёқимли таассуротлар қолдирувчи инсонларнинг бири Гулнора Эргашева ҳақида ҳикоя қиламиз.

У қарийб ўттиз йилга яқин вақтдан буён Мудофаа вазирлигига қарашли 171-умумтаълим мактабида жажжи авлодга сабоқ бериб келади. Гулнора ўқитувчилар оиласида улғайган. Асли пойтахтлик бўлган ота-онаси Тожихон ва Турсунбой Исмоиловлар узоқ йиллар Термиз шаҳридаги 3-умумтаълим мактабида фаолият юритганлар. У бу касбни танлашида оиладаги муҳитнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлганлигини айтади:

– Оиламизда асосий мавзу мактаб, ундаги ишлар, болалар ҳақида бўларди. Мен ота-онамнинг баъзан куюнчаклик билан, баъзан беҳад қувонишиб иш юзасидан суҳбатлашишларини тинглаб ўтиришни ёқтирардим. Тезроқ улғайсам-у мен ҳам мактаб, ўқувчиларим ҳақида худди уларга ўхшаб, уларнинг қаторида гаплашсам, дердим. Ота-онам ўз касбларининг ҳақиқий фидойилари эдилар. Мен муаллимлар муҳитида катта бўлдим, таълим-тарбия соҳаси менга ҳамма соҳалардан кўра ҳам яқин, қадрли эди, то ҳануз шундай бўлиб келмоқда. Муаллимликни танлаганимдан ҳеч қачон афсусланмайман. Ўқувчиларим қалбида ҳам бу касбга нисбатан меҳр уйғотишга ҳаракат қиламан.

Ўқитувчилик фаолияти ҳаяжонли лаҳзаларга ниҳоятда бой. Фарзандингдек бўлиб қолган жажжи болакайлар, қизалоқларнинг ютуқларини ўзингники каби қабул қила бошлайсан, уларнинг ташвишлари билан яшай бошлайсан.

Гулнора илк бора ўқувчилари ҳузурига кирганини кечагидек ёдида сақлаб қолган.

– Ўқиш жараёнида ҳам таълим муассасаларида амалиётлар ўтаганмиз, – дейди у. – Албатта бу жараёнда устозлар ёнимизда бўлишган, керакли йўл-йўриқ, маслаҳатларни бериб туришган. Аммо илк бора мустақил равишда муаллима сифатида ўқувчилар билан юзма-юз туриш... Ана шундай пайтда кўп йиллик тажрибага эга бўлган ота-онам, устозларим мени қўллаб-қувватлашган, иккиланишимга йўл қўйишмаган. Орадан анча йиллар ўтди, дастлабки йиллар ҳаяжони ҳам босилди. Аммо ҳар гал биринчи синфга қабул қилинган болалар ҳузурига кирганимда ёки бошланғич синфни тамомлаган ўқувчиларим билан хайрлашув тантаналарида мени ҳаяжон босади. Ҳар бир боланинг ўзи бир олам. Бу оламни англаш эса мураккаб жараён.

Ҳа, муаллима айтганидек, орадан кўп йиллар ўтди. Бугун унинг ўзи ҳам ёшларга устозлик қилиш даражасига етди. Унинг фикрича бу касбни шунчаки танлаб бўлмайди. Унга борлиғингни бағишлашинг, меҳр билан ёндашишинг лозим бўлади. Ана шунда кутилган натижага эришишинг мумкин. Зеро, ёш авлод тарбиясидек нозик ва мураккаб иш юксак билим, истеъдод ва фидойиликни талаб қилади.

Ўқув масканида ёш авлод тарбиясига қалб қўрини бағишлаётган ўқитувчилар талайгина. Инна Зайцева, Лилия Земцова, Нигора Очилова каби ёшлар ўз олдиларига ана шундай юксак мақсад қўйган ҳолда фидокорона меҳнат қилиб келмоқдалар. Мактабда ўтказиладиган турли-туман маданий-маърифий тадбирларда улар бош-қош бўлиб келадилар. Бу ерда асосан ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари таълим оладилар. Мудофаа вазирлиги томонидан ёш авлод таълим-тарбияси самарадорлигини ошириш мақсадида моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Бундан ота-оналар ҳам мамнун. Шу ўринда муаллима Гулнора Эргашева ҳақида мақола тайёрлашда бир гуруҳ ота-оналарнинг миннатдорчилиги ҳам сабаб бўлганлигини айтиб ўтишни лозим топдик. Улардан бири Дилбар Ҳусанова шундай дейди:

– Устоз ота-оналар йиғилишида фарзандларимизнинг имкониятлари, ютуқлари, ўзларини тутишларидан тортиб, ички дунёларигача алоҳида тўхталиб ўтади. Унинг болаларга бўлган бундайин эътибори мени ҳайратга солади. Баъзан ўз фарзандингни ҳам тушунолмай турганингда муаллиманинг ўттизга яқин боланинг ҳар бири ҳақида билиши, уларни тушуниши ва шу асосда иш олиб боришидан қойил қоласиз. Энг муҳими, биз ота-оналарни ҳам турмуш ташвишларига ўралашиб қолмасдан жажжи инсон тақдирига ҳамиша масъулият билан қарашга ундаб туради.

– Гулнора Эргашева мактаб билан ота-оналарнинг ҳамкорлигини жуда яхши йўлга қўя олган тажрибали педагоглардан бири, – дейди Санобар Шавкатова. – Айнан унинг саъй-ҳаракатлари билан биз ота-оналар ёш авлод тарбиясида мактаб билан оила узвий алоқада, доимий ҳамкорликда бўлиши лозимлигини, бу ўзига хос ижобий натижаларга олиб келишини амалда кўрдик. Фарзандларимизни ана шундай фидойи инсонлар тарбиялаётганидан жуда мамнунмиз.

Ҳа, меҳнатнинг бу тариқа эътироф топиши ҳам кишини янада руҳлантириши шубҳасиз. Муаллима Гулнора Эргашева ҳам ҳар гал ана шундай дил сўзларини эшитганида эъзозли касбга меҳр қўйиб янглишмаганини қалбдан ҳис қилади.

Инобат ЗАКАРИЁЕВА.

Ўзбекистон

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

ТОШКЕНТ ДАРВОЗАЛАРИ

Жорий йилда ўзининг 2200 йиллигини нишонлайдиган кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент шаҳрининг тарихи, бой маънавий ва маданий мероси ҳақидаги маълумотлар кўпчиликни қизиқтириши табиий. Чунки туғилиб ўсган қадрдон юрт тарихини билиш, ўрганиш – бу ўзликни англаш демакдир. Маълумки, пойтахтимизда аждодларимизнинг юксак бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳиятидан далолат берувчи, меҳнатсевар халқимизнинг инсоният тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси ўз ифодасини топган ўнлаб тарихий обидалар жойлашган. Уларнинг ҳар бири ўз тарихига эга. Шу жумладан, ўрта асрларда Тошкентнинг мудофаа деворларига ўрнатилган, ҳар бири ўз номига эга бўлган машҳур шаҳар дарвозалари ҳам.

«Ҳолбуки, аждодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-хиёбонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган. Мисол учун Тошкентнинг ўн икки дарвозасига берилган чуқур маъноли, гўзал номларни олайлик. Самарқанд, Бешёғоч, Кўкча, Чиғатой, Сағбон, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Камолон, Қўймас, Қўқон, Қашқар дарвоза деган номлар авваламбор ўзининг аниқ тарихий-жўғрофий маъноси билан ажралиб туради», деб таъкидлайди Юртбошимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида.

Дарҳақиқат, аждодларимиз ҳар бир дарвозага ном танлашда у жойлашган ҳудуд, маҳалла, у ерларда яшовчи аҳолининг асосий ҳунармандчилиги ва этник таркибига эътибор қаратишган.

Дарвозаларга берилган номлар маъноси билан танишишдан олдин, шаҳар дарвозаларининг келиб чиқиш тарихига назар ташласак, Тошкент дарвозалари тарихий манбаларда Бинкат дарвозаларидан маълум. Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, Бинкат арк, шаҳристон, ички ва ташқи работдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири мудофаа девори билан ўраб олинган. Арк нинг 2 дарвозаси, шаҳристоннинг 3 дарвозаси, ички работнинг 10 ва ташқи работнинг 7 дарвозаси бўлган ҳамда уларга ҳам Кеш (қаср), Жунайд (гунбаз), Оҳанин (темир қопланган), Работи Ҳамдейн (Хумдон) сингари ўзига хос номлар берилган.

Шаҳар ҳудудининг кенгайиши билан шаҳар девори ҳам, у бўйлаб ўрнатилган дарвозаларнинг ўрни ва номлари ҳам ўзгариб турган. Шаҳар ягона мудофаа девори билан ўраб олиниб, мустаҳкам истеҳкомга айланган. Тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, XIV аср охирида шаҳарнинг 12 дарвозаси (Қиёт, Турк, Ўзбек, Тахтапул, Қорасарой, Чиғатой, Суъбониён (Сағбон), Кўкча, Камондарон, Қанғли, Бешоғоч, Қатағон номли) бўлиб, уларни қўриқлаш маълум бир қабила вакилларига топширилганлиги сабабли дарвозалар шу қабила номлари билан аталган. Кейинги асрларда шаҳар мудофаа девори ташқи душманлар ҳужумлари таъсирида вайрона ҳолига келган. Юнусхўжа даврида қайта тикланган. Қўқон хонлиги Тошкентни хонликка қўшиб олгач (1810 йил), Лашкар қушбеги томонидан шаҳар девори қайта таъмирланиб, ҳар ер-ҳар ерда миноралар қурилган, янги дарвозалар ўратилган.

Тошкент чор Россияси томонидан босиб олинган вақтда (1865 йил) унинг Юртбошимиз асарида номлари тилга олинган 12 та дарвозаси бўлган.

Тарихдан маълумки, Тошкентда ясалган ўқ-ёйлар етти иқлимда «Камони Шоший» номи билан машҳур бўлган ва Шарқ адиблари асарларида таърифланган. Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида Тошкентда камон ва камон ўқи ясайдиган усталарнинг шуҳрати кўплаб юртларга тарқалганлиги ҳақида ёзади. Бешёғоч даҳасининг Бешёғоч ва Самарқанд дарвозалари оралиғида жойлашган дарвозага Камолон деб ном берилишининг сабаби ҳам айнан шу. «Тошкентнинг янги тарихи» номли асарда Камолон маҳалла сифатида тилга олинган бўлиб, дарвоза эса Камондарон кўринишида ёзилган. Камондарон (камонгарон, яъни камонсозлар) номи кейинчалик бизга Камолон тарзида етиб келган.

Қутайба ибн Абу Муслим ва унинг сафдошлари ислом динини ёйиш мақсадида VIII асрнинг бошларида Шошга кириб келадилар. Уларнинг бир гуруҳи – яъни комил кишилар шаҳарнинг ҳозирги Камолон маҳалласи деб аталувчи қисмидан қўним топадилар. Камолон, яъни комиллар деб аталишининг боиси шундан, деган фикрлар ҳам мавжуд.

XVIII аср охири – XIX аср бошларида Тошкентнинг мудофаа деворлари ва айрим дарвозалари таъмирланади, шу жумладан, Тахтапул дарвозаси ҳам тузатилиб, Кайкобус ариғи устига янги ёғоч кўприк қурилади. Шундан бошлаб дарвоза, кўча ва маҳалла номлари Тахтапул, яъни тахтакўприк, деб атала бошланган. Дарвоза тахминан ҳозирги Ишчилар шаҳарчаси ва Кайкобус канали оралиғида бўлган.

Ўз замонасида буюк давлат арбоби Амир Темур ҳам Тошкент дарвозаларига алоҳида эътибор қаратган. Айнан унинг даврида Тошкент дарвозалари Қиёт, Турк, Ўзбек, Қатағон, Сағбон сингари қабила – уруғ номлари билан аталган. Бунинг сабаби эса мазкур дарвозаларни қўриқлаш ўша ҳудуддаги маълум қабила вакилларига топширилган эди. Айрим ҳолларда шаҳар дарвозалари йўналишига қараб ҳам номланган, яъни Қўқон, Самарқанд кабилар шулар жумласидан.

Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романида Тошкент дарвозалари ҳақида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган. Жумладан, адиб асарнинг 16-бобида шаҳарнинг Кўкча, Чиғатой, Сағбон, Қорасарой, Тахтапул, Қашқар, Лабзак дарвозалари номини тилга олган. Бу ўринда Қодирийнинг Лабзак дарвозаси номини Лабзах шаклида келтириши ҳам бежиз эмас. Шаҳарнинг сув тармоқлари ҳақидаги манбаларда ёзилишича, Шайх Шиблий (Човли) ариғи Ўзбек дарвозасидан кириб, Қиёт дарвозасидан ташқарига оқиб чиққан ва Миробод мавзесини сув билан таъминлаган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбек ва Лабзак номлари битта дарвозага тегишли, деган хулосага келиш мумкин. Лабзак аслида «Лаби зах», яъни «зах ариқнинг бўйи» маъносини беради.

Ўша даврларда дарвозаларни қўриқлаш дарвозабонларга топширилган, улар тонг саҳарда дарвозаларни очиб, қоронғи тушиши билан ёпиб қўйганлар. Тошкент дарвозаларининг ҳар бири олтиндан ясалган алоҳида рамзий калитига эга бўлган. Ҳозирда бу калитлар Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланмоқда.

Шунисн диққатга сазоворки, шаҳар



дарвозаларида ўзбек меъморчилик санъатининг ўзига хос томонлари мужассамлашган. Дарвозалар одатда арча, қайрағоч дарахтлари ёғочидан ясалиб, усти темир ҳошия билан қопланган, турли зулфунлари бадиий нақшлар билан безатилган.

XIX асрнинг 70-90 йилларида шаҳар ҳудудининг кенгайиши ва дарвозаларга эҳтиёж қолмагани сабабли улар бузиб ташланган.

Пойтахтимизнинг 2200 йиллиги тантаналарига қизғин ҳозирлик кўрилаётган шу кунларда Тошкент дарвозалари жойлашган ерларни аниқлаш ва рамзий дарвозалар ўрнатиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «жой номларининг ҳар бири тарихимизнинг бир парчаси бўлиб, уларни ота-боболаримиз бизга қолдирган мерос сифатида қабул қиламиз».


С. ПЎЛАТОВ.

СПОРТ

Спорт в подразделении

ВАЖНАЯ ЧАСТЬ ВОИНСКОГО ОБУЧЕНИЯ

Сегодня, когда воины уже усиленно готовятся к IV Всеармейским играм по военно-прикладным и олимпийским видам спорта, нелишне вспомнить, что Олимпийские игры в глубокой древности возникли как состязания греческих воинов по военно-прикладным видам спорта. Бег на быстроту и выносливость, соревнования по пятиборью, кулачному бою, заезды колесниц, бег в вооружении, панкратион и другие – все это было направлено на воспитание воина, отвечавшего всем требованиям, предъявляемым к нему в бою.



А как сегодня обстоит дело с физической подготовкой военнослужащих, этой важной и неотъемлемой частью воинского обучения и воспитания в частях и подразделениях?

В подразделении офицера Фархода Аликулова в ходе занятий по физической подготовке большое внимание уделяется развитию и постоянному совершенствованию выносливости, силы, быстроты и ловкости военнослужащих. С учетом задач, выполняемых подразделениями по боевому предназначению, физические упражнения подбираются так, чтобы способствовать повышению военно-специальной подготовленности, воспитанию высоких моральных и психологических качеств личного состава, совершенствованию боевой слаженности.

К примеру, проводя утреннюю физическую зарядку, старший лейтенант Р. Иванов, младшие сержанты И. Юлдашев и Б. Шаймарданов преимущественно применяют те варианты зарядки и физических упражнений, которые формируют и развивают у подчиненных наиболее важные военно-прикладные двигательные навыки, физические и специальные качества.

В процессе учебной деятельности постоянно используются прикладные физические упражнения, приемы и действия, которые характерны для данной воинской специальности. В спортивно-массовой работе при организации спортивных состязаний и праздников используются наиболее важные с прикладной точки зрения виды спорта.

Сегодня, когда костяк воинских подразделений все больше составляют военнослужащие-профессионалы, особенно важно осознать, что они несут личную ответственность за свою физическую подготовленность. Младшие сержанты С. Аджигитов и И. Камолов, как и большинство их сослуживцев, понимая это, самостоятельно занимаются поддержанием своей физической и спортивной формы, чтобы постоянно быть готовыми к выполнению поставленных их подразделению задач.

Активное вовлечение военнослужащих в создание и совершенствование учебной и материально-технической базы по физической подготовке и спорту, пропаганда лучших спортивных достижений личного состава, участие командиров подразделений в организации и проведении спортивных состязаний способствует заметному повышению интереса к спорту и со стороны военнослужащих срочной службы. Рядовые М. Шокиров, Ф. Абдурахманов, Ш. Сайфалиев и многие другие солдаты охотно используют те возможности для своего физического совершенствования, которые раскрывает перед ними срочная служба в рядах Вооруженных Сил.

Завершившиеся в прошлом году III Всеармейские игры показали, что в последние годы благодаря принятым мерам по развитию массового спорта в Республике Узбекистан произошли качественные изменения в рядах военных спортсменов, значительно возрос уровень их спортивного мастерства. Установленные на них рекорды и достижения стали тем эталоном, на который два года будут равняться в частях и подразделениях.

Прошедшие Олимпийские игры в Пекине, огромный к ним интерес со стороны личного состава, успехи узбекистанских олимпийцев стали хорошим стимулом для развития армейского спорта в подразделениях. Тем локомотивом, который обеспечит все условия для гармоничного духовного и физического развития личности, выведя на спортивные площадки все категории военнослужащих. Многовековая история спорта и опыт лучших частей и подразделений свидетельствуют, что физическая подготовка и спорт – это то универсальное средство, которое позволяет надолго сохранить и развить свои лучшие профессиональные качества каждому военнослужащему.

Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.

Футбол. Осиё чемпионлар лигаси

НАТИЖА БИР ХИЛ

Сешанба ва чоршанба кунлари футбол мухлислари учун ҳақиқий байрамга айланди десак, муболаға қилмаган бўламиз. Европанинг энг кучли 16 жамоаси қитъа чемпионлари кубоги нимчорак финали баҳсларининг жавоб учрашувларини ўтказган бўлса, қитъамизнинг саралаб олинган 32 жамоаси Осиё чемпионлар лигаси мусобақаларининг дастлабки босқич 1-тур учрашувларида майдонга чиқишди.

Албатта, иккала мусобақа ҳам мухлислар учун қизиқарли, аммо ўзбекистонлик футбол ишқибозлари учун биринчи навбатда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган жамоаларимизнинг иштироки, ушбу нуфузли мусобақани қандай бошлаши муҳимроқ эди. Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида иштирок этаётган «Пахтакор» ва «Бунёдкор» жамоалари ўз мухлислари ишончини оқлашди ва дастлабки турдаёқ муҳим очколарни қўлга киритишди.

Жамоаларимиздан биринчи бўлиб баҳсларга киришган «Пахтакор» сафарда Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Аҳли» жамоаси меҳмони бўлди. Шуни айтиб ўтиш жоизки, «Ал-Аҳли» ҳозирги кунда ўз миллий чемпионатида карвонбошилик қилмоқда. Аммо бу ҳолат пахтакорчиларга ҳеч қандай таъсир кўрсатмади, шекилли, улар ўз майдонларида ўйнаётгандек анча эркин ҳаракат қилишди. Ўйиннинг аксарият вақтида устунлик пахтакорчилар томонида бўлди. Майдон эгалари ташаббусни оғдириб олишга ҳаракат қилиб кўришди, аммо футболчиларимизнинг ҳимоя ва ярим ҳимоядаги ишонарли ўйини бунга йўл бермади. 23-дақиқада ўнг қанотдан жарима майдонига ёриб кирган Э. Магдеев рақиблар томонидан қўполлик билан тўхтатиб қолинди. Ҳакам томонидан белгиланган 11метрли жарима тўпини аниқ бажарган О. Аҳмедов ҳисобни очди – 1:0. Иккинчи бўлимнинг илк дақиқаларида эса худди шундай вазият «Пахтакор» дарвозаси олдида содир бўлди. Жарима майдонида И. Суюнов рақибга нисбатан ўйин қоидасини бузгани учун энди меҳмонлар дарвозаси томон пенальти белгиланди. Аммо шу куни ажойиб ўйин кўрсатган И. Нестеров «Ал-Аҳли» ҳужумчиси Клеберсон томонидан берилган зарбани қайтаришга муваффақ бўлди. Бундан руҳланган пахтакорчилар кетма-кет ҳужумлар уюштириб, 68-дақиқада рақиб дарвозабонини яна бир доғда қолдиришди. А. Гейнрих томонидан ошириб берилган тўпни З. Тожиев дарвозага аниқ йўллади – 2:0. Учрашув якунланишига саноқли дақиқалар қолганида майдон эгалари битта жавоб тўпи киритишга муваффақ бўлишди. Сафарда 2:1 ҳисобида муҳим ғалабага эришган «Пахтакор» дастлабки уч очко соҳибига айланди.

«Бунёдкор» эса 1-турни ўз майдонида Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифоқ» жамоасига қарши ўтказди. Мазкур учрашувда меҳмонлар ҳам яхши ўйин кўрсатиб, майдон эгаларига етарлича муаммолар туғдиришди. Ўйин эса деярли пахтакорчилар ўтказган баҳс сценарийси асосида кечди. «Бунёдкор» ҳужумчиси Анвар Солиевнинг биринчи ва иккинчи бўлимда киритган иккита голига учрашувнинг сўнгги дақиқаларида меҳмонлар Ал-Доссарийнинг бир тўпи билан жавоб қайтаришди ва бу ўйинда ҳам 2:1 ҳисоби қайд этилди.

2-тур ўйинини «Пахтакор» 17 март куни ўз майдонида Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» жамоаси билан ўтказса, «Бунёдкор» 18 март куни Дубай шаҳрида «Ал-Шабаб» меҳмони бўлади.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

Теннис

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт мажмуасида Халқаро теннис федерацияси (ITF) таснифига киритилган нуфузли мусобақа – «Дэвис кубоги»нинг Осиё ва Океания минтақаси гуруҳидан жой олган Ўзбекистон ва Жанубий Корея терма жамоалари ўртасидаги саралаш учрашуви бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган муросасиз баҳслар мутахассислар ва мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур мусобақада юртимиз шарафини Денис Истомин, Фарруҳ Дўстов ҳамда Мурод Иноятовлар ҳимоя қилишди. Жаҳон рейтинг таснифида ҳамюртларимиздан юқорироқ ўринларда жойлашган кореялик теннисчилар ҳам Ўзбекистонга фақат ғалаба учун келганликларини яшириб ўтиришмади.

Биринчи кунги баҳсларда Д. Истомин ўз рақиби устидан ғалаба қозонган бўлса, Ф. Дўстов Хюнг Тай Лига ютқазиб қўйди. Иккинчи кунги жуфтликлар баҳсида 3:2 ҳисобида ғалабага эришган ҳамюртларимиз умумий ҳисобда (2:1) олдинга чиқиб олишди. Учинчи куни эса кутилганидек ҳал қилувчи баҳслар ўтказилди. Биринчи бўлиб кортга чиққан Д. Истомин меҳмонларнинг 1-рақамли теннисчиси Тай Лига қарши кураш олиб борди. Учрашув жуда қизиқарли ва муросасиз тарзда ўтиб, сўнгги сетда совуққонлик ва чаққонлик билан ҳаракат қилган Д. Истомининг ғалабаси билан якунланди – 6:3, 1:6, 6:3, 3:6, 6:3. Ушбу ғалаба Ўзбекистон терма жамоасига умумий ҳисобдаги муваффақиятни ҳам тақдим этди. Ҳеч нарсани ҳал қилмайдиган сўнгги учрашувда М. Иноятов рақибига бирор имконият қолдирмай, жамоамизнинг 4:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Энди теннисчиларимиз мазкур нуфузли мусобақанинг навбатдаги босқичида Япония терма жамоасига қарши кортга чиқадилар. Бу учрашув ҳам ҳамюртларимиз учун омадли ҳисобланган «Паҳлавон» мажмуаси кортларида бўлиб ўтади.

С. ПЎЛАТОВ.

Бокс

УБЕДИТЕЛЬНАЯ ПОБЕДА УЛУГБЕКА



В столице России, Москве, на завершившемся рейтинговом бою по профессиональному боксу очередную, десятую по счету, убедительную победу одержал наш соотечественник Улугбек Бурибоев.

Подающий большую надежду 25-летний спортсмен Улугбек Бурибоев на этот раз встретился в 6-раундовом бою с россиянином Михаилом Исаком.

Уже в первом раунде соперник нашего земляка пропустил очень чувствительные удары. Только гонг, можно сказать, спас Михаила Исака от поражения техническим нокаутом уже в первом раунде.

Второй раунд также начался с полного превосходства У. Бурибоева. Мощные удары в голову, корпус настигали М. Исака врасплох. В конечном итоге, когда до конца второго раунда оставались около 25 секунд, судья на ринге был вынужден остановить бой в виду явного преимущества нашего соотечественника.

Напомним, что Улугбек Бурибоев в профессиональный бокс пришел в конце 2007 года. За это время провел десять рейтинговых боев. В девяти одержал досрочную победу.

Надеемся, что наш земляк и в дальнейшем своими яркими победами будет радовать узбекистанских болельщиков.

Наш корр.

СПОРТ

Физическая подготовка в подразделении

ФУНДАМЕНТ БУДУЩИХ ДОСТИЖЕНИЙ



Наступила весна, в частях и подразделениях появились благоприятные условия для дальнейшего развития спортивно-массовой работы. Во многих гарнизонах накануне праздника Навруз в выходные дни проводятся спортивные тренировки и состязания на первенство подразделений, формируются спортивные команды. И важнейшую роль в активизации спортивной жизни подразделения играют военнослужащие-профессионалы, сержанты и рядовые контрактной службы.

Как отмечает в своем Обращении, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана Президента Ислам Каримов: «Сегодня почти две трети сержантов прошли обучение в оснащенных современной учебной базой и ставших престижными школах подготовки сержантов. Сержантский состав Вооруженных Сил становится по-настоящему важнейшим фактором обеспечения высокого уровня боевой и политической подготовки личного состава, поддержания здоровой морально-нравственной обстановки и воинской дисциплины в подразделениях, говоря коротко, главным стержнем нашей армии».

Примечательно, что на всех последних смотрах спортивно-массовой работы именно сержанты задавали настрой в спортивной жизни подразделений. Например, младший сержант О. Ахадов не только сам показал высокие результаты в спортивных состязаниях, но и является хорошим методистом в проведении занятий по физической подготовке.

– Физическая подготовка военнослужащих, – говорит он, – должна быть направлена на поддержание их физической подготовленности в соответствии с требованиями воинской службы. Для младшего командира очень важно умело руководить физической подготовкой, знать ее организацию и методику проведения занятий. Научив подчиненных закаливанию, укрепив их здоровье, целенаправленно добиваться повышения уровня их физической подготовленности.

Кроме учебных занятий по физической подготовке каждый военнослужащий обязан принимать участие в спортивно-массовой работе, регулярно заниматься утренней физической зарядкой и самостоятельной физической тренировкой. Большой опыт по части самостоятельных занятий у младшего сержанта Т. Яхшибоева, одного из лучших спортсменов своего подразделения и части.

– Самостоятельной физической тренировкой занимаюсь в основном во внеслужебное время. Тренируюсь на гимнастических снарядах и спортивных тренажерах, имеющихся в нашей части, – говорит он. – С удовольствием совершаю длительные пробежки. Но самое интересное и увлекательное – волейбольные и футбольные состязания. После каждого товарищеского матча чувствуешь огромный физический и эмоциональный подъем.

Рядовые по контракту У. Умаров, У. Салимов, Ш. Кулматов и их сослуживцы уже не раз были участниками смотра спортивно-массовой работы и Всеармейских игр по военно-прикладным и олимпийским видам спорта. Активное участие в спортивных праздниках и соревнованиях на первенство части и подразделения стало фундаментом их отменного здоровья, помогает им брать новые высоты на путях к совершенству боевого мастерства, без особых трудностей выполнять сложные учебно-боевые задачи. И в этом году они вновь готовятся к штурму своих личных рекордов.

В 2009 году главной заботой армейских спортсменов будет задача, поставленная Президентом Республики Узбекистан, Верховным Главнокомандующим Вооруженными Силами Исламом Каримовым: «Ничто не может так быстро прославить страну на весь мир, как спорт. Наша «сверхзадача» – показать миру большие возможности Узбекистана в области спорта, продемонстрировать наличие всех необходимых для него условий. Спорт – посол мира. И преследуемая нами цель – тоже мир, согласие и сотрудничество на этой основе с людьми на всей планете».

Однако, как показывает мировая практика, фундаментом мировых достижений является вовлечение в регулярные занятия физической культурой и спортом максимального числа граждан, особенно молодежи. Те большие успехи, которых добились спортсмены МХСК в прошедшем году, во многом стали возможным благодаря вовлечению в спортивную жизнь практически всех военнослужащих от рядовых срочной службы до старшего офицерского состава.

Майор З. НУРИТДИНОВ.

Кураш

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Миллий спорт тури – курашнинг мавқеи ва нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётгани, дунёнинг кўплаб мамлакатларида кураш федерациялари тузилиб, турли мусобақалар ўтказилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Ана шундай халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўришда юртимизда ўтказилаётган мусобақалар алоҳида аҳамият касб этади.

Самарқанд шаҳридаги олий спорт маҳорати мактабида кураш бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида навбатдаги Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган 500 нафарга яқин полвонлар гиламга чиқишди. Мусобақа якунларига кўра ғолиблар ва совриндорлар ичидан жорий йилда бўладиган жаҳон ва қитъа чемпионатларида, бир қатор халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган терма жамоа саралаб олиниши сабабли барча вазнлар тоифасидаги баҳслар кескин ва муросасиз кечди.

Мусобақаларда айниқса, майдон эгалари ва тошкентлик полвонлар муваффақиятли иштирок этишди. Эркаклар ўртасидаги баҳсларда самарқандлик Суҳроб Худойбердиев ва Ўткир Саломов, тошкентлик Давлат Чориев, Шерали Жўраев, Шараф Холмаматов, Ўктам Эргашев ва Яҳё Имомовлар ўз вазн тоифаларида Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлишди. Аёллар ўртасидаги баҳсларда эса Дилноза Қамбарова, Шоҳида Назарова, Ўғилой Нуралиева, Соҳибжамол Холиқулова, Муқаддас Кўбаева (барчаси Тошкентдан), Динора Донаева (Қашқадарё) ва Гулнора Исматова (Самарқанд)лар шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишга муваффақ бўлдилар

М. САИДОВ.

Атлетический клуб будущего воина

АТЛЕТИЧЕСКАЯ ГИМНАСТИКА – ЭТО СИЛА

Развиваем мышцы рук, ног, туловища и предплечья


Исходное положение: стоя, гантели в согнутых руках у плеч (1). Присесть на всей стопе (2) – выдох, выпрямиться с подъемом на носки и подниманием рук вверх (3) – вдох. То же, приседая на носках.

Исходное положение: основная стойка, гантели в опущенных руках. Поднять прямые руки через стороны вверх, встать на носки – вдох, в исходное положение – выдох.

Исходное положение: основная стойка, гантели в опущенных руках. Встать на носки с подниманием прямых рук вперед и вращением кистей. Дыхание произвольное.

Исходное положение: сидя на стуле, локти касаются колен, ладони снизу. Согнуть и разогнуть кисти (4). Дыхание произвольное.

Исходное положение: стоя или сидя на стуле, гантели в опущенных руках. Вращение кистями в обе стороны (5). Дыхание произвольное.



МАДАНИЯТ

ҲАРБИЙЛАР БОЛАЖОНЛАР ҲУЗУРИДА



Меҳрибонлик уйи, деганда аввало кўз ўнгимизда мурғак қалбларнинг деразадан тикилган ғамгин кўзлари, қиёфалари гавдаланади. Бу ерга келаркансиз, ота-она меҳрига тўймаган, уларнинг эркалашларига интиқ болажонлар қалбига бирон бир шодлик, хурсандчилик беришга интиласиз. Бугун ҳукуматимиз томонидан ёш авлодга катта ғамхўрлик қилинмоқда. Жумладан, меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган фарзандларимизнинг ҳам ўқишлари, ҳунар ўрганишлари, келажакда жамиятга нафи тегадиган баркамол инсон бўлиб етишишлари учун ҳам талайгина ишлар қилинаяпти. Айниқса, етимларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга шодлик улашиш барчамизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси офицерлари Радик Шамгунов, Рустам Ҳамдамов, Азамат Боқиевлар ҳам баҳорнинг илк кунларида тарбияланувчиларнинг ўксик қалбларига бироз бўлса-да кўтаринкилик бағишлаш ниятида Қарши шаҳридаги 3-Меҳрибонлик уйига ташриф буюришиб, совғалар беришди.

– Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда, – дейди офицер Р. Шамгунов. – Меҳр-оқибат халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадрият. Шу боис ҳамкасблар тарбияланувчилар билан учрашиб, самимий суҳбат қуриб, уларнинг келажак орзулари билан ўртоқлашдик. Жажжиларнинг орзулари бир олам. Ҳарбийлик, юртга хизмат қилиш, ватанпарварлик каби мавзуларда суҳбатлашиш асносида улар қалбида жўш ураётган туйғуларни англадик. Ҳа, ўксик кўнгилларга малҳам бўлиш, ҳолидан хабар олиш улар қалбида келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлайди, умидни улғайтиради.

Зуҳра ОЙМАМАТОВА.
С. НАРЗИЕВ суратга олган.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Олий таълим муассасаларидаги ҳарбий кафедраларда фаолият юритиб келаётган профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, тажриба алмашиш, ҳарбий ўқитувчиларни талабаларни юқори ҳарбий тайёргарликка эга, Ватанга содиқ, юртни ишончли ҳимоя қилишга қодир қилиб тарбиялашда билим савиясини янада ошириш, уларнинг маъсулиятли меҳнатини муносиб қадрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан йилнинг энг яхши ҳарбий ўқитувчиси танлови ўтказилади.

Кўрик танловнинг биринчи босқичи ҳарбий кафедраларда, якуний босқичи эса Республикаси Маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳарбий таълим бошқармаси ва Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилиши белгиланган.

Яқинда мазкур танловнинг якуний босқичи ғолиблари аниқланди. Унга кўра фахрли биринчи ўринни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизацияси инженерлари институти ҳарбий кафедраси вакили полковник Игорь Скомрошко, иккинчи ўринни Тошкент давлат техника университети ҳарбий кафедраси вакили подполковник Одилжон Нуриддинов, учинчи ўринни эса Тошкент ахборот технологиялари университети ҳарбий кафедраси вакили подполковник Асомиддин Тўраев қўлга киритди.

Ғолиблар «Йилнинг энг яхши ҳарбий ўқитувчиси» Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Майор Қамбарали АЗИЗОВ.

СВЯЩЕННЫЙ ДОЛГ

Методика обучения детей и активная внеклассная деятельность школы № 25 Яккасарайского района города Ташкента всегда привлекала к себе внимание учебных и общественных организаций, которые успешно сотрудничают с ней. В этой школе проводятся совместные семинары, конференции и тематические вечера отдыха. На днях здесь прошел вечер на тему: «Священный долг». Его организаторами выступили РайОНО Яккасарайского района, Русский культурный центр и школа № 25.

В торжественной части советник Ташкентского городского отделения Фонда социальной поддержки ветеранов «Нуроний» Ибрагим Резванович Расулов подчеркнул, что сегодняшние школьники – это будущие защитники родного государства. Поэтому каждый ученик обязан не только хорошо учиться, но и готовить себя к исполнению священного долга – его защите.

Затем состоялся большой концерт, в котором приняли участие творческие коллективы Яккасарайского района, Русского культурного центра, Детской школы искусств (ДШИ) № 18, общеобразовательных школ города Ташкента.

Концертную программу открыли вокальная группа «Алга» школы № 319. Затем выступила группа дойристов ДШИ № 18, которую сменили юные дутаристы этой же школы.

Огромный успех имело выступление шоу-группы «Экспромт» Русского культурного центра. Были исполнены танцы «Морячка» и «Зимняя карусель». Грациозно и в то же время зажигательно было представлено на суд зрителей несколько танцевальных номеров коллективом «Вдохновение» Центра творчества учащихся Яккасарайского района.

На сцену вышли юные спортсмены. Первыми выступили гимнасты школы № 25, которые являются победителями международного турнира Специальной олимпиады. Они показали ряд гимнастических этюдов. А элементы рукопашного боя продемонстрировали учащиеся военно-спортивного класса «Легион Фортис».

И вновь звучали песни в исполнении барда Рашида Ахмедова, ему дружно подпевали собравшиеся зрители. Были выступления и других творческих коллективов.

В заключение концерта выступил духовой оркестр юных музыкантов. Прозвучали «Марш гвардейский», «Прощание славянки» и другие мелодии.

Прошедший вечер, безусловно, будет способствовать формированию у учащихся чувства патриотизма, любви к своей Родине и готовности в случае необходимости встать на ее защиту.

Николай ДИНЬКО.

Хабарлар

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Республика Киночилар уйида "Ўзбеккино" миллий агентлигининг "Ўзбекфильм" киностудиясида ёзувчи Эркин Аъзам сценарийси асосида режиссёр Жаҳонгир Қосимов суратга олган "Сув ёқалаб" бадиий фильмининг намойиши бўлиб ўтди.

Фильм воқеалари чекка ҳудуддаги олис қишлоқлардан бирида кечади. Қурғоқчилик туфайли қишлоқда сув танқислиги юзага келади. Асар қаҳрамони – бир пайтлар бу ерда раис бўлиб ишлаган, умр бўйи элга ҳалол хизмат қилган мўйсафид Болта Мардон хонадонларга сув келтириш мақсадида қишлоқнинг нариги бурчаги сари йўл олади. Катта даҳмадан хонадонларга оби-ҳаёт очиш асносида сув ёқалаб бораркан, яшашдан мақсад-муддао не эканини, бир марта ато этиладиган умрни қай йўсинда ўтказгани, ўзи учун энг юксак саналган қадриятлар ҳақида ўйга толади.

Фильмдаги бош ролларни Эркин Комилов, Тоҳир Саидов, Зулхумор Мўминова, Сайёра Юнусова, Жамшид Зокиров, Жавоҳир Қосимов, Отабек Мусаев каби актёрлар ижро этган.

МУСАВВИР АЁЛЛАР КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида мусаввир аёллар асарларидан ташкил топган бадиий кўргазма намойиш этилмоқда.

Кўргазмада ижодкор аёллар томонидан тасвирий санъатнинг графика, рангтасвир, фотография, инсталляция каби йўналишларида яратилган асарларга кенг ўрин берилган. Уларда акс этган аёлларга хос гўзаллик ва жозиба, нафосат ва самимият томошабин эътиборини тортади. Айни пайтда ушбу картиналарда аёлларнинг дунёни, рангларни идрок этиши, туйғуларни томошабинга етказиб беришдаги ўзига хос ёндашуви яққол намоён бўлган.

Бунга Дилором Мамедованинг «Болалик», «Хива», «Тонг», «Йўлда», Юлия Дробованинг «Ҳосил», Татьяна Фадееванинг «Алла», «Сеҳрли овоз», Лилия Альмяшеванинг «Гулруҳ», Умида Ҳамроеванинг «Учрашув» каби асарлари ёрқин мисол бўла олади.

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

Жиззах вилоятида Наврўз – умумхалқ байрами олдидан «Баҳор тароналари» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Миллий қадриятларимиз, бой маданий меросимизни тарғиб қилиш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу танловда ўттизга яқин истеъдод соҳиби ўз иқтидор ва маҳоратини намойиш этди. Наврўзни, баҳорни, юрт жамолини, аёлга эҳтиром ва муҳаббатни тараннум этган қўшиқлар санъат ихлосмандларига манзур бўлди.

Биринчи ўринни Жиззах шаҳридан Юсуф Мирзаев эгаллади. Кейинги ўринлар форишлик Суҳроб Иброҳимов ҳамда Пахтакор тумани вакили Дилшод Иброҳимовга насиб этди.

КИТОБ ФОНДИ БОЙИМОҚДА

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг ахборот-ресурс маркази ярим миллионга яқин китоб фондига эга. Унинг хизматидан ҳар куни 500 дан ортиқ талаба фойдаланади. Марказ китоб фонди ҳар йили 10-11 минг нусхага кўпайиб бормоқда.

Марказда 2008 йилда нашрдан чиққан 200 дан ортиқ илмий адабиётлар кўргазмаси ташкил этилди. Унинг очилиш маросимида сўзга чиққан университет профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар китобнинг инсон онги ва шуурига таъсири, унинг ёш авлод камолотида тутган ўрни, юртимизда китоб тарғиботини кучайтириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталдилар.

ЎҚУВЧИ ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида Фарғона шаҳрида ўқувчи ёшларнинг кўргазмали фестивали бўлиб ўтди.

Фарғона вилоятида ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий салоҳиятини юксалтириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда шаҳар ва туманларда ёшларнинг қизиқишлари асосида тўгараклар, ўқув курслари ташкил этилмоқда. Мазкур фестивални ўтказишдан асосий мақсад ҳам чекка қишлоқлардаги иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Фестивалда ўқувчилар халқ ҳунармандчилиги, тасвирий санъат, техник ижодкорлик, ихтирочилик ва рационализаторлик ҳамда экология йўналишларида ўз билим ва кўникмалари, ижод намуналарини намойиш этди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ, Ҳикмат НАСРИДДИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор Х. ЗАЙНИЛОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламбаев ва З. Хонимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 27200.

Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № J-7051.